

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИ

40-сон
(956)
2020 йил
12 октябрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

442. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 5 октябрдаги ўРҚ–640-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

443. ««Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ–6079-сон Фармони

444. «Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 октябрдаги ПҚ–4847-сон қарори

445. «Ўзбекистон Республикасида ўрмон хўжалиги тизимини 2030 йилга-

ча ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 октябрдаги ПҚ-4850-сон қарори

446. «Ахборот технологиялари соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштириш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва уларни ИТ-индустрия билан интеграция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 октябрдаги ПҚ-4851-сон қарори
447. «Тошкент шаҳрида «А.И. Герцен номидаги Россия давлат педагогика университети» Федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси филиалини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 октябрдаги ПҚ-4857-сон қарори

Бешинчи бўлим

448. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 25 августдаги 18/11-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳисоб-китоблар клиринг тизими тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 28 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2570-1*)
449. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 25 августдаги 18/10-сон «Марказий банкнинг банкларaro тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 29 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1545-3*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ****442 Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида***

Конунчилик палатаси томонидан
2020 йил 5 августда қабул қилинган

Сенат томонидан 2020 йил 11 сентябрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майда қабул қилинган «**Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида**»^{ги} 1060–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 136-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4-5, 74-модда, № 9, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 12/2, 364-модда; 2019 йил, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда) **9-моддасининг биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майда қабул қилинган «**Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида**»^{ги} 1062–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 29 августда қабул қилинган 397–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 9, 158-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 7, 355-модда; 2011 йил, № 12/2, 364-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **3-модданинг номи ва биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **4-модданинг номи ва биринчи қисмидаги** «Агентликнинг»

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 5 октябрда эълон қилинган.

деган сўз «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **14-модданинг биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Патент бериш ҳақидаги талабнома муаллиф, иш берувчи ёки уларнинг ҳуқуқий вориси (бундан буён матнда талабнома берувчи деб юритилади) томонидан давлат ахборот тизимлари орқали Агентликка берилади»;

4) **30-модданинг биринчи қисмидаги** «ихтиро патенти» деган сўзлар «ихтиро ёки фойдали модел патенти» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда) **148-моддаси иккинчи қисмининг диспозициясидаги** «Аёлни ҳомиладорлиги ёки ёш болани парвариш қилаётганлигини» деган сўзлар «Аёлни ҳомиладорлиги ёки шахсни ёш болани парвариш қилаётганлигини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил,

№ 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **125¹-модда иккинчи қисмининг диспозицияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тегишли рухсатномасиз оғир вазнли, йирик габаритли, хавфли юкларни ташиш ва юк билан ёки юксиз ҳолдаги габарит ўлчамлари, шунингдек умумий ҳақиқий вазни, ўққа тушувчи оғирлиги белгиланган нормалардан ортиқ бўлган транспорт воситаларида йўлга чиқиш, худди шунингдек рухсатномада кўрсатилган ҳаракат йўналишидан четга чиқиш»;

2) қуйидаги мазмундаги **125²-модда** билан тўлдирилсин:

«125²-модда.Бошқа давлатларда рўйхатдан ўтказилган юкларни ва (ёки) йўловчиларни ташиш учун мўлжалланган автотранспорт воситаларидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш

Хорижий ташувчиларга тегишли бўлган, шу жумладан улар томони-

дан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинча олиб кирилган автотранспорт воситаларида йўловчилар ва юкларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган пунктлар ўртасида ташиш (каботаж), агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

3) қуйидаги мазмундаги **197⁶-модда** билан тўлдирилсин:

«197⁶-модда. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари давлат инспекторининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилганлик, шунингдек унинг кўрсатмаларини бажармаслик

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари давлат инспекторининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилганлик, шу жумладан унинг текшириш ўтказишига тўсқинликларни юзага келтирганлик, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳудудлари ва иншоотларини кўздан кечириш учун уларга киритишни рад этганлик, шунингдек экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишларини бар-тараф этишга доир кўрсатмаларини бажармаслик, —

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

4) қуйидаги мазмундаги **206¹-модда** билан тўлдирилсин:

«206¹-модда. Тазйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахс томонидан ҳимоя ордери талабларини бажармаслик

Тазйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахс томонидан ҳимоя ордери талабларини бажармаслик, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади»;

5) **245-модданинг биринчи қисми:**

«197⁵» рақамидан кейин «197⁶» рақами билан тўлдирилсин;

«206» рақамидан кейин «206¹» рақами билан тўлдирилсин;

6) қуйидаги мазмундаги **254¹-модда** билан тўлдирилсин:

«254¹-модда. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги органлари

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги органларига ушбу Кодекснинг 125²-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ва жарима тариқасидаги маъмурий жазо чораларини қўллашга қўйидагилар ҳақли:

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг Автомобилда ташишларни назорат қилиш бошқармаси бошлиғи ва унинг ўринбосарлари;

Қорақалпоғистон Республикаси Транспорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар транспорт бошқармаларининг автомобилда ташишлар хавфсизлигини таъминлаш устидан назорат қилиш бўлимларининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари»;

7) **261-модда иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаларининг» деган сўзлардан кейин «экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича туман (шаҳар) инспекцияларининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 161–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 1-сонга илова; 1997 йил, № 2, 65-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 112, 124-моддалар, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2009 йил, № 12, 470, 471-моддалар; 2010 йил, № 12, 472-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда, № 10, 677-модда; 2019 йил, № 1, 3-модда, № 2, 47-модда, № 5, 261, 267-моддалар, № 12, 880-модда) **68-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошиси** қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахсларга, шу жумладан ўн тўрт ёшга тўлмаган болалари, ногиронлиги бўлган болалари бор ёлғиз отага ёки онага, шунингдек кўп болали оилаларнинг ота-оналарига».

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163–I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256–I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил,

№ 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335, 337, 340-моддалар; 2011 йил, № 12/2, 363, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106, 109-моддалар, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 9, 510-модда, № 12, 773-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда, № 10, 673-модда; 2019 йил, № 3, 161, 166-моддалар, № 5, 267-модда, № 10, 671-модда, № 12, 880, 886-моддалар; 2020 йил, № 1, 3, 4-моддалар) қуйидаги ўзгаришлар киритилсин:

1) **1082-модданинг иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг» деган сўзлар «ваколатли давлат органининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **1088-модданинг матнидаги** «Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигида» деган сўзлар «ваколатли давлат органида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **1089-модданинг матнидаги** «Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигида» деган сўзлар «ваколатли давлат органида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **1104-модданинг биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Товар белгисидан охирги уч йил давомида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида узрли сабабсиз узлуксиз фойдаланилмаган тақдирда, унинг рўйхатдан ўтказилганлиги исталган манфаатдор шахснинг талаби бўйича суднинг қарорига асосан бекор қилиниши мумкин»;

5) **1105-модданинг учинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигида» деган сўзлар «ваколатли давлат органида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **1106-модданинг биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигида» деган сўзлар «ваколатли давлат органида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **1108-модданинг бешинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги» деган сўзлар «ваколатли давлат органи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **1110-модданинг иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигида» деган сўзлар «ваколатли давлат органида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «**Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида**»ги 223–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майда қабул қилинган ЎРҚ–370-сонли Қонуни

тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 5, 128-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 12, 880, 886, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 7, 449-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **81-модданинг бешинчи ва олтинчи қисмлари** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Суд жамиятнинг кузатув кенгаши аъзосини, бошқарув директорини ёки аъзосини, шунингдек ишончли бошқарувчини жамиятга мулкый зарар етказганликда айбдор деб топган тақдирда, суд қарорига кўра уларнинг ваколатлари хўжалик жамиятларида раҳбарлик лавозимини эгаллаш тақиқланган ҳолда камида бир йил муддатга тугатилиши мумкин.

Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси, бошқарув директори ёки аъзоси, шунингдек ишончли бошқарувчи қуйидагилар натижасида жамиятга етказилган зарар учун жавобгар бўлади:

чалғитувчи ахборот ёки била туриб ёлғон ахборот тақдим этганлик;

ушбу Қонунда белгиланган ахборот тақдим этиш тартибини бузганлик;

жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган йирик битимларни ва (ёки) амалга оширилишидан манфаатдорлик мавжуд бўлган битимларни тузишни таклиф этганлик, шу жумладан жамият билан бундай битимлар тузилиши натижасида ўзлари ёки ўз аффилланган шахслари томонидан фойда (даромад) олиш мақсадида битимлар тузишни таклиф этганлик»;

2) **86-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Аффилланган шахслар билан тузилган битимлар тўғрисидаги ахборот, шу жумладан аффилланган шахсларнинг ёзма билдиришлари ва битимлар бўйича қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ таърифлари, қарор қабул қилган шахслар ҳақидаги маълумотлар ҳамда аффилланган шахслар билан битимлар тузиш чоғидаги манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги маълумотлар жамият йиллик ҳисоботининг бир қисмидир»;

3) **88-модда бешинчи қисмининг иккинчи жумласи** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Бунда аффилланган шахс билан тузилаётган, қиймати жамият соф активлари қийматининг ўн ёки ундан кўп фоизини ташкил этадиган битим тузиш тўғрисидаги қарор мол-мулкнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланган бозор қиймати ҳисобга олинган, мустақил ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан битимнинг шартлари ўрганилган ҳолда мажбурий тартибда қабул қилинади»;

4) **104-модданинг бешинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Акциядор (акциядорлар) даъво аризасини судда кўриб чиқиш чоғида жамиятдан ва гувоҳлардан суд томонидан кўриб чиқилаётган ишга тааллуқли бўлиши мумкин бўлган барча ҳужжатларни олишга ҳақли, бундан давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи ҳужжатлар мустасно»;

5) **106-модда** қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Жамият ўзи ва аффилланган шахс ўртасида тузилган битим ҳақидаги ахборотни битим тузилган пайтдан эътиборан 72 соат ичида Корпоратив ахборотнинг ягона порталида ҳамда жамиятнинг расмий веб-сайтида ошкор этиши шарт».

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августда қабул қилинган «**Селекция ютуқлари тўғрисида**»ги 270–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 29 августда қабул қилинган 395–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 9, 156-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 12/2, 364-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 11, 791-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **4-модданинг биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **20-модданинг еттинчи қисмидаги** «Агентликнинг Апелляция кенгашига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Апелляция кенгашига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 607–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сонга илова; 2003 йил, № 1, 8-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 157-модда; 2008 йил, № 4, 189-модда; 2009 йил, № 9, 328-модда; 2010 йил, № 9, 334, 335-моддалар; 2011 йил, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 8, 469-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 199-модда) қуйидаги мазмундаги **4¹-модда** билан тўлдирилсин:

«4¹-модда. Кўп болали оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш

Тўрт нафар ва ундан ортиқ ўн саккиз ёшга тўлмаган боласи бўлган оила кўп болали оиладир. Бунда, агар тўрт нафар ва ундан ортиқ болаларидан бир нафари ёки ундан кўпроғи таълимнинг кундузги шаклида (ўрта махсус ва профессионал, олий таълим) таълим ташкилотларида ўқиётган ҳамда йигирма икки ёшга тўлмаган бўлса, бу оила ҳам кўп болали оила деб ҳисобланади.

Давлат кўп болали оилаларга қонун ҳужжатларига мувофиқ имтиёзлар ва ижтимоий кафолатлар берилишини таъминлайди».

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «**Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида**»ги 218–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 5, 87-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 12/2, 364-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **8-модданинг биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **10-модданинг биринчи қисмидаги** «Агентликнинг» деган сўз «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августда қабул қилинган «**Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида**»ги 267–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 178-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 9, 418-модда; 2011 йил, № 12/2, 364-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2017 йил, № 4, 138-модда, № 9, 510-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **7-модданинг биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **8-модданинг биринчи қисми** «Агентликка» деган сўздан кейин «давлат ахборот тизимлари орқали» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **16-модданинг:**

биринчи қисмидаги «Агентликнинг» деган сўз «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «Агентлик» деган сўз «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **25-модданинг учинчи қисмидаги** «беш йил» деган сўзлар «уч йил» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августда қабул қилинган «**Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғри-**

сида»ги 660–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 9, 160-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 167-модда; 2009 йил, № 4, 139-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда) **12-моддаси** қуйидаги мазмундаги **ўн учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«крипто-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятини амалга оширувчи шахслар».

13-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 июлда қабул қилинган **«Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»**ги ЎРҚ–163-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 3 июнда қабул қилинган ЎРҚ–387-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 6, 227-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 3, 166-модда, № 4, 199-модда, № 12, 891-модда; 2020 йил, № 7, 449-модда) **44-моддасига** қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартиш киритилсин:

бешинчи қисмнинг ўн иккинчи хатбошиси «манфаатдор шахслар» деган сўзлардан кейин «ва (ёки) аффилланган шахслар» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

олтинчи қисмнинг «б» кичик банди:

қуйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«эмитент ва аффилланган шахс ўртасида тузилган битимлар тўғрисидаги ахборотни битим тузилган пайтдан эътиборан 72 соат ичида жойлаштириш йўли билан»;

бешинчи хатбошиси олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

олтинчи хатбошисидаги «муҳим факт юзага келган пайтдан эътиборан 72 соат ичида ошкор этиладиган» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

14-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 20 январда қабул қилинган ЎРҚ–400-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, 1-сонга илова; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда, № 10, 670-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 9, 589-модда, № 10, 671-модда, № 12, 880-модда) **387-моддаси учинчи қисмининг олтинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

15-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 24 январда қабул қилинган ЎРҚ–461-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексининг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 2-илова, № 7, 433-модда, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда,

№ 5, 261, 266-моддалар, № 9, 592-модда, № 10, 671-модда, № 11, 791-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 198-модда) **42-модда-си** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Корпоратив низода иштирок этаётган тарафлар бир-биридан ва гувоҳлардан судда кўрилатган ишга тааллуқли бўлиши мумкин бўлган барча ҳужжатларни сўраб олиш ҳуқуқига эга, бундан давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи ҳужжатлар мустасно».

16-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 июлда қабул қилинган «**Қурол тўғрисида**»ги ЎРҚ–550-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 7, 388-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) 13-модданинг:

тўққизинчи қисми қуйидаги мазмундаги **ўн биринчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этганларга — химоя ордерида қурол олиш учун рухсатнома олишга доир ҳуқуқни тақиқлаш назарда тутилган ҳолларда (химоя ордерининг амал қилиши ёки унда кўрсатилган муддат даврида)»;

ўн биринчи хатбошиси ўн иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

2) 28-модданинг биринчи қисми:

қуйидаги мазмундаги **саккизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган шахснинг фуқаровий қуролни сақлаш ва олиб юриш ҳуқуқи химоя ордерининг амал қилиши ёки унда кўрсатилган муддат даврида чекланганда»;

саккизинчи хатбошиси тўққизинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

3) 35-модда биринчи қисмининг олтинчи хатбошисидаги «учинчи — ўн биринчи» деган сўзлар «учинчи — ўнинчи ва ўн иккинчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

17-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–599-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда) **436-моддаси биринчи қисмининг 5-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5) боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар. Ота ва онадан бири ёхуд ота-она вафот этган кўп болали оилалар солиқ солиш мақсадида боқувчисини йўқотган кўп болали оилалардир. Ушбу имтиёз Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг маълумотномаси асосида берилади».

18-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган «**Давлат божи тўғрисида**»ги ЎРҚ–600-сонли Қонуни (Ўзбекис-

тон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 201-модда, № 5, 298-модда) **8-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **5¹-банд** билан тўлдирилсин:

«5¹) даъвогарлар — тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга етказилган маънавий ва моддий зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан».

19-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

20-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонун 4-моддасининг 1, 2, 3-бандлари, 5-бандининг иккинчи хатбошиси, 6 ва 7-бандлари мазкур Қонун кучга кирган кундан эътиборан уч ой ўтгач амалга киритилади.

Ушбу Қонуннинг 17-моддаси 2021 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 5 октябрь,
ЎРҚ—640-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

443 «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, барча тармоқлар ва соҳаларда, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, электрон ҳукумат тизимини такомиллаштириш, дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологияларининг маҳаллий бозорини янада ривожлантириш, республиканинг барча ҳудудларида ИТ-паркларни ташкил этиш, шунингдек, соҳани малакали кадрлар билан таъминлашни кўзда тутовчи 220 дан ортиқ устувор лойиҳаларни амалга ошириш бошланган.

Бундан ташқари, 40 дан ортиқ ахборот тизимлари билан интеграциялашган геопортални ишга тушириш, жамоат транспорти ва коммунал инфраструктузилмани бошқаришнинг ахборот тизимини яратиш, ижтимоий соҳани рақамлаштириш ва кейинчалик ушбу тажрибани бошқа ҳудудларда жорий қилишни назарда тутувчи «Рақамли Тошкент» комплекс дастури амалга оширилмоқда.

Республикада рақамли индустрияни жадал ривожлантириш, миллий иқтисодиёт тармоқларининг рақобатбардошлигини ошириш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан манфаатдор вазирлик ва идоралар, бизнес ҳамжамияти ва илмий доиралар вакиллари ҳамда хорижий экспертлар иштирокида ишлаб чиқилган «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегияси 1-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Қуйидагилар:

2020 — 2022 йилларда ҳудудларни рақамли трансформация қилиш дастурлари 2 — 14-иловаларга* мувофиқ;

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 6 октябрда эълон қилинган.

** 2 — 14-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

2020 — 2022 йилларда тармоқларни рақамли трансформация қилиш дастурлари 15 — 21-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, 2020 — 2022 йилларда ҳудуд ва тармоқларни рақамли трансформация қилиш доирасида:

аҳоли пунктларини Интернет тармоғига улаш даражаси, шу жумладан, кенг полосали уланиш портларини 2,5 миллионгача кўпайтириш, 20 минг километр оптик-толлал алоқа линияларини қуриш ва мобил алоқа тармоқларини ривожлантириш орқали 78 фоиздан 95 фоизга етказилади;

ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг турли соҳаларида 400 дан ортиқ ахборот тизимлари, электрон хизматлар ва бошқа дастурий маҳсулотлар жорий этилади;

587 минг нафар кишини, шу жумладан, «Бир миллион дастурчи» лойиҳаси доирасида 500 минг нафар ёшларни қамраб олиш орқали компьютер дастурлаш асосларига ўқитиш ташкиллаштирилади;

иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларидаги корхоналарда бошқарув, ишлаб чиқариш ва логистика жараёнларини автоматлаштириш бўйича 280 дан ортиқ ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотлар жорий этилади;

ҳудудларда ҳокимлар, давлат органлари ва ташкилотлар ходимларининг рақамли саводхонлигини ва малакасини ошириш, уларни ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлиги бўйича ўқитиш учун тегишли олий таълим муассасалари бириктирилади ҳамда уларнинг 12 минг нафар ходими ахборот технологиялари соҳасида ўқитилади.

2. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликларининг 29 та намунавий туманларда (шаҳарларда) 2020 йилда ва 2021 йил I чораги якунига қадар рақамли трансформация қилиш лойиҳаларини кўзда тутовчи «йўл харита»ларини 2а — 14а, 2б — 14б ҳамда 2в, 8в ва 12в-иловаларга мувофиқ амалга ошириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

3. «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштириш комиссияси (кейинги ўринларда — Мувофиқлаштириш комиссияси) 22-иловага* мувофиқ таркибда ташкил этилсин ва қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан Стратегия, ҳудудлар ва тармоқларни рақамли трансформация қилиш дастурлари, «йўл харита»ларида кўзда тутилган лойиҳа ва чора-тадбирларнинг тўлиқ ҳажмда амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек, уларнинг ўз вақтида бажарилишини тизимли назорат қилиш;

хар ойда давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни ривожлантириш бўйича режалаштирилган лойиҳалар ва чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан ҳисоботларини тинглаш ҳамда уларнинг жавобгарлиги масаласини кўриб чиқиш;

доимий мониторинг асосида электрон давлат хизматларини кўрсатиш-

* 15 — 22-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ни янада такомиллаштириш, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятидаги функционал жараёнлар ва тартиб-таомилларни оптималлаштириш бўйича чоралар кўриш;

рақамли иқтисодиёт соҳасидаги янги лойиҳаларни кўриб чиқиш ва уларни амалга ошириш тўғрисида қарорларни қабул қилиш, шунингдек, зарур ҳолларда ҳудуд ва тармоқларни рақамли трансформация қилиш дастурлари ҳамда «йўл харита»ларига тайёрланган ва келишилган лойиҳа ҳужжатлари асосида ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

4. Мувофиқлаштириш комиссияси (А. Арипов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ва вилоятлар ҳокимлари билан биргаликда бир ҳафта муддатда 29 та намунавий туманларда (шаҳарларда) рақамли трансформация қилиш «йўл харита»ларини амалга ошириш бўйича қуйидагиларни назарда тутган ҳолда ҳудудий ишчи гуруҳларни шакллантирсин:

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, унинг тасарруфидаги ташкилотлар ва ҳудудий бошқармаларининг масъул раҳбарларини тегишли туманларга (шаҳарларга) бириктириш;

ҳар ўн кунликда ишчи гуруҳлар томонидан қабул қилинган рақамли трансформация қилиш «йўл харита»ларида назарда тутилган лойиҳаларни амалга ошириш самарадорлиги ва жойларда ўтказилаётган тадбирларнинг амалий аҳамиятини баҳолаш;

ихтисослаштирилган олий ўқув юртлари ва рақамли технологияларни ўқитиш марказлари негизида давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг масъул раҳбарларини ўқитиш ва малакасини оширишни ташкил этиш.

5. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда 2020 йил якунига қадар 13 та намунавий туманларда (2а — 14а-иловалар) IT-инфратузилмасини яратишни, компьютер ускуналари билан жиҳозлашни назарда тутган ҳолда мактабгача ва умумтаълим мактаблари ҳамда соғлиқни сақлаш муассасаларини рақамлаштиришни якунлаш бўйича чоралар кўриш, шунингдек, ахборот тизимларини жорий этиш ва масъул ходимларни ўқитишни ташкил этсин.

Белгилансинки, ушбу муассасаларни рақамлаштириш Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва тасарруфидаги ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан, етишмаётган қисмида эса — маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан амалга оширилади.

6. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги дипломатик ваколатхоналари 23-иловага* мувофиқ бириктирилган ҳудудлар ва тармоқларга илғор технологиялар ва IT-ечимларни трансфер қилишда, рақамли иқтисодиёт соҳасидаги лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш учун етакчи компанияларни жалб қилишда ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатадилар.

7. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда

* 23-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

2020 йил 1 ноябрдан бошлаб инвестиция лойиҳалари ҳамда жалб этилаётган халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат молия ташкилотлари ва донор мамлакатлар маблағлари умумий миқдорининг 5 фоиздан кам бўлмаган қисми «рақамли» компонентларга йўналтирилишини кўзда тутсин.

8. Қуйидагиларни назарда тутувчи 2020 — 2022 йилларда «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини амалга ошириш бўйича «йўл харита»-си 24-иловага* мувофиқ тасдиқлансин:

а) электрон ҳукуматни ривожлантириш бўйича:

2021 йил 1 январдан бошлаб тажриба тариқасида «Рақамли Тошкент» комплекс дастури доирасида жисмоний шахсга идентификация ID-картасини беришда давлат органлари ва ташкилотлари билан ўзаро электрон муносабатларни йўлга қўйиш учун унинг шахсий кабинети шакллантирилади;

2021 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Очиқ маълумотлар порталида давлат органлари ва ташкилотлари томонидан давлат харидларини амалга ошириш, патентлар, дори воситалари ва тиббий буюмларни рўйхатга олиш, жамоат транспорти ҳаракати, ер ресурсларидан фойдаланиш ва бошқа умумфойдаланишдаги статистик маълумотлар онлайн режимда жойлаштириб борилиши таъминланади;

2021 йил 1 августдан бошлаб жисмоний ва юридик шахсларга барча белгиланган давлат божлари, йиғимлар, жарималар ва бошқа мажбурий тўловларни электрон тўлов тизимларидан фойдаланган ҳолда онлайн режимда тўлаш имконияти тақдим этилади;

б) рақамли индустрияни ривожлантириш бўйича:

2020 йил 1 ноябрдан бошлаб Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки резиденти мақомини ахборот технологияларига ўқитиш, аппарат-дастурий воситаларни ишлаб чиқиш ва реализация қилиш, робототехника, Интернет тармоғи орқали ахборот хизматларини экспорт қилиш, шунингдек, маълумотларни сақлаш ва ҳисоблаб қайта ишлаш соҳасида хизмат кўрсатадиган Ўзбекистон Республикаси резиденти ҳисобланган юридик шахслар олиши мумкин бўлади;

2022 йил 1 январга қадар масофадан кредит маҳсулотларини реализация қилиш, омонатлар ва ҳисоб рақамларни очишни ўз ичига олган кенг турдаги онлайн хизматлар кўрсатишни таъминлаш орқали тижорат банкларининг рақамли трансформацияси якунига етказилади;

в) рақамли таълимни ривожлантириш бўйича:

2021 йил 1 январдан бошлаб фуқаролар томонидан тизим бошқаруви, маълумотлар базаси ва «булутли» платформани бошқариш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва бошқа талаб юқори бўлган йўналишларда халқаро IT-сертификатларни олиш харажатларининг 50 фоизгача бўлган қисmini қоплаш тизими жорий этилади;

2021 йил 1 сентябрга қадар ҳар бир туман ва шаҳарда мавжуд инфраструктура объектлари негизида кенг аҳоли қатламлари, айниқса ёшлар ва аёллар учун рақамли технологиялар ўқув марказлари очилади;

2023 йил якунига қадар барча туман ва шаҳарларда ўқувчиларнинг

* 24-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ижодий ривожланиши ва компьютер дастурлаш асосларини ўрганиши учун мавжуд таълим муассасалари негизида 200 дан ортиқ информатика ва ахборот технологияларини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаблар босқичма-босқич ташкил этилади;

г) рақамли инфратузилмани ривожлантириш бўйича:

2022 йил якунига қадар ҳар бир аҳоли пункти 10 Мбит/сдан кам бўлмаган маълумотларни узатиш тезлигидаги Интернет тармоғига уланиш имконияти билан таъминланади;

2022 йил 1 январга қадар барча машҳур сайёҳлик жойлари юқори тезликдаги Интернет билан таъминланади.

9. Белгилаб қўйилсинки, 2023 йилдан бошлаб, Стратегия эришилган натижалар ва мақсадли кўрсаткичлар ҳамда тегишли давр учун рақамли технологияларни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамаси томонидан алоҳида тасдиқланадиган икки йилга мўлжалланган дастурлар асосида амалга оширилади.

10. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2021 йил 1 январдан бошлаб қуйидагиларни назарда тутувчи барча учун очиқ бўлган маҳаллий дастурий маҳсулотлар ва IT-хизматлар электрон платформасини яратиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин:

маҳаллий IT-компаниялар ва дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар ҳамда уларнинг маҳсулотлари ва хизматларининг ягона маълумотлар базасини шакллантириш, шунингдек, уларга ўз маҳсулотларини ички ва ташқи бозорларда илгари суришда қўмаклашиш;

давлат органлари ва ташкилотларида ахборот тизимлари ва бошқа дастурий маҳсулотларни жорий этиш бўйича режалаштирилаётган лойиҳалар тўғрисида маълумотларни эълон қилиш;

мамлакатда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг амалий масалаларини ҳал қилиш ҳамда ахборот технологиялари соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш жараёнида самарали ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш.

11. 2020 йил 1 ноябрдан бошлаб ёпиқ биноларда алоқани ташкил этиш мақсадида мобил алоқа операторлари учун ажратилган радиочастота доирасида 500 мВт дан ошмайдиган қувватда ишлайдиган база станцияларидан фойдаланишга рухсатномани расмийлаштириш бўйича талаблар (таснифланган объектлар яқинида ўрнатиладиган мобил алоқа база станциялари бундан мустасно) бекор қилинсин.

12. 2020 йил 1 ноябрдан бошлаб мобил алоқа операторлари учун:

телекоммуникация қурилмалари ва иншоотларининг қурилиш-монтаж, реконструкция, синовдан ўтказиш ва интеграция қилиш ишларини якунлаш ҳамда тижорат мақсадида фойдаланишни йўлга қўйиш, шунингдек, телекоммуникация қурилмалари ва иншоотларининг конструкциясини ўзгартириш, мавжуд қурилмалардаги ҳамда телекоммуникация линиялари ва иншоотларидаги ускуналарни кенгайтириш бўйича хабардор қилиш тартиби жорий этилсин;

радиоэлектрон қурилмалар, асбоб-ускуналар ва бошқа қурилмаларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш рухсатномасини, сотиб олиш, ўрнатиш, лойиҳалаш ва қуриш учун рухсатнома олмасдан, белгиланган тартибда расмийлаштириш ҳуқуқи берилсин.

13. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Адлия вазирлигининг мазкур вазирликлар ва уларнинг тасарруфидаги ташкилот ва бўлинмалар негизида қўйидагиларни назарда тутувчи «Рақамли идора» лойиҳасини амалга ошириш бўйича таклифига розилик берилсин:

а) 2022 йил 1 январга қадар:

қоғозсиз электрон ҳужжат алмашинуви ва иш юритишни ташкил қилган ҳолда барча маъмурий тартиб-таомилларни ва операцион жараёнларни рақамлаштириш;

фаолиятнинг очиқлиги ва шаффофлиги ҳамда аҳоли пунктларида давлат хизматларидан фойдаланишнинг кафолатланганлигини таъминлаш;

идоралараро электрон ҳамкорлик жараёнларини автоматлаштириш;

б) «Рақамли идора» лойиҳасини амалга оширишнинг амалий тажрибасини бошқа давлат органлари ва ташкилотларида уларнинг фаолияти хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда жорий этиш.

14. Электрон ҳукумат имкониятларини янада кенгайтириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун қўшимча қулайликларни яратиш ҳамда рақамли технологиялардан кенг фойдаланишни таъминлаш мақсадида:

Электрон давлат хизматларини кўрсатишни янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури 25-иловага* мувофиқ;

Давлат божи, йиғим, жарима ва бошқа тўловларни тўлаш механизмларини такомиллаштириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси 26-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги масъул вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан биргаликда мазкур Фармонга 25 ва 26-иловаларда назарда тутилган тадбирларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминласин.

15. 2020 йил 1 ноябрдан бошлаб барча вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида амалдаги раҳбар ўринбосарларидан бирига рақамлаштириш бўйича ўринбосар (Chief Digital Officer) ваколатлари юклатилсин ва қўйидагилар уларнинг устувор вазифалари этиб белгилансин:

ахборот тизимлари ва ресурсларини кенг жорий этишни назарда тутувчи идоравий рақамли трансформация дастурларини ишлаб чиқиш ва ўз вақтида амалга ошириш;

электрон давлат хизматларини мобил қурилмалар ва электрон ҳамкорликнинг бошқа шакллари орқали кўрсатишни янада кенгайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

идоралар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, Интер-

* 25-26-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

нет тармоғида очиқ маълумотларни ва бошқа ахборотларни жойлаштириб бориш бўйича чоралар кўриш;

идоравий рақамли инфратузилманинг ахборот хавфсизлигини, шунингдек, электрон маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳимоясини таъминлаш.

Рақамлаштириш бўйича ўринбосарларнинг тегишли йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштириш Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига юклатилсин.

16. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясида кўзда тутилган лойиҳаларни ўз вақтида ва кенг кўламда амалга оширилишини таъминлаганлиги, шунингдек, ахборот технологиялари ва электрон хизматларни жорий этишни рейтинг баҳолаш натижаларига кўра вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг раҳбарлари ва уларнинг рақамлаштириш бўйича ўринбосарларига ҳар ойда уларнинг ойлик маошига 30 фоиз миқдорида устама тўланади.

Раҳбарлар ва уларнинг рақамлаштириш бўйича ўринбосарларига ойлик устама тайинлаш тўғрисида қарор Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ҳулосаси асосида қабул қилинади.

17. Инновацион ривожланиш вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда ҳар йили 1 декабрга қадар рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўналишларида илмий-тадқиқот ва инновацион лойиҳаларнинг мақсадли дастурларини Ҳан ва технологиялар бўйича республика кенгашига тасдиқлаш учун киритиб борсин ҳамда ушбу соҳада алоҳида эътиборни қўйидагиларга қаратсин:

ахборот технологиялари соҳасидаги устувор йўналишлар бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотларни олиб бориш;

иқтисодиёт тармоқларида виртуал ва тўлдирилган реаллик, сунъий интеллект, криптография, машина ўрганиши, катта маълумотларни таҳлил қилиш ва «булутли» ҳисоблаш технологияларидан фойдаланиш имкониятларини ўрганиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш;

истикболли инновацион ишланмалар ва стартап-лоyiҳаларини амалга ошириш ҳамда уларни тижоратлаштириш ва технологиялар трансферини қўллаб-қувватлаш.

Белгилаб қўйилсинки, мақсадли дастурларни молиялаштириш харажатлари илмий фаолиятга оид давлат дастурларини амалга ошириш учун ажратилган маблағлар доирасида, шунингдек, Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади.

18. Мазкур Фармонда белгиланган чора-тадбирларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилишини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилишнинг қўйидаги тартиби ўрнатилсин:

а) вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг рақамлаштириш бўйича раҳбар ўринбосарлари — ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-санасига қадар Ахборот технологиялари ва ком-

муникацияларини ривожлантириш вазирлигига ушбу Фармон билан тасдиқланган Стратегия, дастурлар ва «йўл харита»лари ҳамда идоравий рақамли трансформация дастурларида назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш тўғрисида ҳисобот тақдим этадилар;

б) ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш. Садиков:

масъул вазирлик ва идоралар фаолиятини идоралараро мувофиқлаштирадиган, уларнинг фаолиятида рақамли технологияларни жорий этиш ҳолатини баҳолайдиган ҳамда мунтазам равишда рақамлаштириш бўйича раҳбар ўринбосарларининг ҳисоботларини эшитишни ташкил этади;

ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-санасига қадар ушбу Фармон билан тасдиқланган Стратегия, дастурлар ва «йўл харита»лари ҳамда идоравий рақамли трансформация дастурлари ижроси тўғрисида умумлашган таҳлилий маълумотларни Вазирлар Маҳкамасига киритади;

в) Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси — ИТ-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи О. Умаров:

Стратегиянинг мақсадли кўрсаткичларига эришиш устидан тизимли назоратни ташкил этади, шунингдек, Мувофиқлаштирувчи комиссия йиғилишларида масъул вазирлик ва идоралар раҳбарларининг рақамлаштириш соҳасидаги фаолиятини танқидий кўриб чиқиш бўйича таклифлар киритади;

ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига рақамлаштириш бўйича раҳбар ўринбосарларининг фаолияти натижадорлигидан келиб чиқиб, уларни рағбатлантириш ёки интизомий, шу жумладан, эгаллаб турган лавозимидан озод қилишгача бўлган чораларни кўриш бўйича таклифларни киритади.

19. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ушбу Фармоннинг мақсад ва вазифаларини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш бўйича ишларни ташкил этсин.

20. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

21. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А. Гулямов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 5 октябрь,
ПФ-6079-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги
ПФ-6079-сон Фармонига
1-ИЛОВА

«Рақамли Ўзбекистон — 2030» СТРАТЕГИЯСИ

1-боб. Умумий қоидалар

«Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегияси (кейинги ўринларда — Стратегия) иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва давлат бошқаруви тизимининг жадал рақамли ривожланишини таъминлаш, шу жумладан, электрон давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини янада такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Стратегия Ўзбекистон Республикасининг рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари, устувор йўналишлари ҳамда ўрта ва узоқ муддатли истиқболли вазифаларини белгилайди, шунингдек, БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари ва Электрон ҳукуматни ривожлантириш рейтингида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб, рақамли технологияларни янада кенг жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

2-боб. Рақамли ривожланишнинг стратегик мақсадлари ва устувор йўналишлари

2.1. Рақамли инфратузилмани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари

Рақамли инфратузилмани ривожлантириш мақсадида қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

оптик толали алоқа линиялари, халқаро коммутация марказларини модернизация қилиш ва ривожлантириш орқали минтақавий ва халқаро телекоммуникация тармоқларининг, Ўзбекистон Республикасининг чегарадош Марказий Осиё давлатлари билан транзит алоқаларининг ўтказувчанлик қобилиятини кенгайтириб бориш;

тақдим этилаётган хизматлар ҳажмини ошириш, резервлаш, тизимларнинг ишончилигини таъминлаш, шунингдек, аҳоли пунктлари ва ижтимоий объектларни кенг полосали хизматлардан фойдаланиш имконияти билан таъминлаш учун маълумотлар узатиш тармоғини кенгайтириш;

мобил ва йўлдош алоқа операторларининг инвестицион фаоллигини рағбатлантиришнинг қўшимча механизмларини яратиш;

мобил алоқа тармоғини 4G ва 5G технологияси бўйича ривожлантириш, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар

марказларини бешинчи авлод алоқа тармоғи билан босқичма-босқич қамраб олиш;

барча аҳоли пунктлари ва ижтимоий объектларни оптик ва мобил кенг полосали хизматлардан фойдаланиш тармоқлари билан қамраб олиш;

автомагистрал ва темир йўллари, туристик объектларни мобил алоқа тармоқлари билан қоплашни таъминлаш;

Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланиш тарифларини такомиллаштириш ва оптималлаштириш;

географик жойлашувидан қатъи назар, фуқароларнинг ўсиб бораётган ахборотга эҳтиёжларини қаноатлантириш учун кенг полосали симсиз ва мобил технологияларни янада ривожлантириш;

истеъмолчиларга телевизион сигнални узатиш, ер усти телевизион эшиттириш, кабель телевидениеси, IP-телевидение, маълумотлар узатиш тармоқлари, мобил алоқа, Интернет технологияларидан фойдаланган ҳолда телерадиоэшиттириш, телевизион ва радио хизматларининг барча турларини тўлиқ қамраб олган ҳолда рақамли эшиттиришни такомиллаштириш;

«булутли» ҳисоблашлар асосида маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш марказларини ривожлантириш, фойдаланувчи талабларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг ахборот ресурсларига доимий уланишни таъминлаш;

бозорнинг эркин ривожланиши имкониятини сақлаб, телекоммуникация соҳасини ривожлантириш учун шароитларни яхшилаш, бизнес юритиш ва телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш учун маъмурий тўсиқларни камайтириш;

электрон ҳукумат доирасида электрон давлат хизматларидан фойдаланиш учун барча давлат органлари, уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмаларини идоралараро маълумотлар узатиш тармоғига улаган ҳолда ушбу тармоқни ривожлантириш;

мамлакатимиз ҳудудида давлат органлари, жисмоний ва юридик шахслар учун ахборотни сақлаш, қайта ишлаш, химоя қилиш ва электрон давлат хизматларининг фойдаланувчанлигини таъминлаш механизмларини такомиллаштириш;

давлат органлари фаолиятини рақамлаштириш ва электрон давлат хизматларини кўрсатиш доирасида «хизмат сифатида дастурий таъминот», «хизмат сифатида платформа», «хизмат сифатида инфратузилма» технологияларини кенг жорий этиш;

шаҳар инфратузилмасини бошқаришда рақамли технологияларни жорий этиш орқали транспорт логистикаси, шаҳар инфратузилмаси, шаҳар муҳитининг сифати, шаҳар ривожланишини бошқариш самарадорлиги, жамоат, бизнес ва яшаш жойлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш учун «ақлли» ва «хавфсиз» шаҳар лойиҳаларини изчил амалга ошириш;

кенг полосали уланишни ривожлантиришнинг технологик асоси истеъмолчиларга асосий ва қўшимча хизматларни, шу жумладан, технологик жараёнларни автоматлаштириш хизматларини, аҳолининг ҳаётини қўллаб-қувватлашда ақлли тизимларни жорий этишнинг бир қисми сифатида ин-

дивидуал инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга босқичма-босқич киришни таъминлаш учун ягона инфратузилма ёрдамида мультисервис тармоқларини ривожлантириш;

мавжуд алоқа (симсиз ва оптик), симли ва симсиз алоқа технологиялари ва тизимлари, шунингдек, янги географик ахборот ва навигация тизимларининг самарадорлигини ошириш йўллариини ўз ичига олган алоқа ва навигация технологияларини ривожлантириш;

алоқа операторлари ўртасида ракобатни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш.

2.2. Электрон ҳукуматни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари

Электрон ҳукуматни ривожлантириш мақсадида қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

мамлакат миқёсида сифатли ва талаб юқори бўлган электрон давлат хизматларини янада кенгайтириш, босқичма-босқич барча давлат хизматларини рақамли шаклга ўтказиш, шу жумладан, кўрсатилаётган автоматлаштирилган хизматлар улушини 2022 йилга қадар 60 фоизга етказиш;

электрон ҳукумат ахборот тизимларини ишлаб чиқишда ягона технологик ёндашувни таъминлаш, шу жумладан, очиқ кодли дастурий таъминотдан фойдаланган ҳолда давлат органларининг идоравий тизимларини ишлаб чиқиш харажатларини қисқартириш;

истеъмолчилар талабидан келиб чиққан ҳолда очиқ давлат маълумотларини ишлаб чиқиш, шакллантириш ва улардан фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш, шунингдек, «очиқ маълумотлар»га асосланган давлат мобил иловалари ва дастурлари улушини ошириш;

давлат маълумотларини бошқаришнинг ягона тизимини шакллантириш орқали давлат бошқарувида маълумотларни тўплаш ва рақамлаштириш учун керак бўлган барча ресурсларни яратиш орқали асосланган қарорларни қабул қилишни автоматик равишда шакллантириш;

давлат хизматларини кўрсатиш тартиб-таомилларини оптималлаштириш, шу жумладан, маъмурий тартиботларни автоматлаштириш орқали талаб қилинган маълумотлар ва ҳужжатларнинг сонини қисқартириш;

лицензиялар ва рухсатномалар бериш билан боғлиқ барча тартиб-таомилларни оптималлаштириш ва уларни реал вақт режимида ишловчи электрон шаклга ўтказиш;

электрон ҳукумат тизими доирасида электрон давлат хизматларидан аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун шахсни масофадан тасдиқлашнинг қўшимча шакл ва усулларини жорий этилишини назарда тутувчи рақамли идентификациялашни ривожлантириш;

аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига электрон ҳукумат тизимлари орқали юридик аҳамиятга эга бўлган ахборот етказиш ва хабардор қилиш имкониятини;

аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари ва ташки-

лотларига мурожаатларини кўриб чиқиш ҳолатини онлайн режимида қўзатиш самарали тизимларини («трекинг») жорий этиш;

давлат органларининг фаолиятига рақамли технологияларни жорий этиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий этиш;

аҳолининг таклифлари ва мулоҳазаларини, шунингдек, аҳоли фикри асосида амалга оширилаётган лойиҳалар улушини оширишни ҳисобга олган ҳолда қонун ҳужжатлари лойиҳаларини онлайн тарзда муҳокама қилишда фуқаролар ва тadbиркорлар иштирок этиши механизмининг янада такомиллаштириш;

давлат органлари ва бошқа субъектларнинг барча хизматлари учун божлар, йиғимлар ва бошқа тўловларни онлайн тўлаш ва навбатларни автоматлаштириш ахборот тизимлари комплексларини яратиш;

архив ҳужжатларини рақамлаштириш ва давлат хизматларини кўрсатиш ва очиқ маълумотларни шакллантириш доирасида зарур бўлган давлат органлари ва ташкилотларининг маълумотлар базаларида маълумотларни шакллантириш;

идоравий ва идоралараро ахборот тизимларини, электрон ҳукумат хизматларини кўрсатувчи давлат органларининг ахборот ресурсларини, марказий маълумотлар базаларини хавфсиз сақлаш ва уларнинг интеграциясини таъминлайдиган, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларининг турли ахборот тизимларидаги турли тарқоқ ҳамда такрорий маълумотларни кейинчалик таҳлилий қайта ишлаш имкониятини яратадиган Электрон ҳукуматнинг маълумотларини қайта ишлаш марказини яратиш;

жамият ҳаётининг барча жабҳаларига рақамли технологияларни кенг жорий қилиш, шу жумладан, қуйидаги йўналишлар бўйича рақамли инфратузилмани шакллантиришни ва электрон ҳукумат ахборот тизимларини кенг жорий қилишни янада жадаллаштириш:

соғлиқни сақлаш, бунда тиббиёт соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш ва электрон хизматларни тақдим этишни ҳисобга олган ҳолда миллий интеграциялашган ахборот тизимини жорий этиш;

таълим жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда таълимни бошқаришни автоматлаштириш ва ҳар томонлама таҳлил қилиб бориш тизимини яратиш;

меҳнат фаолияти ва аҳоли ижтимоий таъминотини тартибга солиш жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

аҳолига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали уй-жой коммунал хизматлари кўрсатишни ташкил этиш;

замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш орқали қурилиш соҳасида шаффофлик ва сифатни ошириш тизимини йўлга қўйиш;

замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш унумдорлигини ошириш, маҳсулотлар таннархини камайтириш ва экспорт салоҳиятини ошириш тизимини ташкил этиш;

электр энергиясини ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиш, углеводород хом ашёсини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ҳамда истеъмолчиларга етказиш жараёнларини ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш орқали тўлиқ назорат этиш тизимини йўлга қўйиш;

очиқ маълумотларга қулай киришни таъминлаш учун давлат идораларига API-ларни ишлаб чиқиш ва тақдим этиш.

2.3. Рақамли иқтисодийтни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари

Иқтисодийтнинг реал секторида рақамли технологияларни ривожлантириш мақсадида қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

саноат корхоналарида замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш дастурларини ушбу корхоналарни технологик қайта жиҳозлаш дастурлари билан уйғунлаштириш;

корхона таъминотининг барча босқичларини автоматлаштириш ва бошқаришни таъминлаш, шунингдек, бу орқали логистика ва харид харажатларини қисқартириш;

замонавий ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш ҳисобига маҳсулотлар ва хизматлар сифатини яхшилаш, уларнинг таннархини, ишлаб чиқаришдаги тўхталишларни камайтириш, молиявий-иқтисодий фаолиятнинг шаффофлигини ошириш;

инновацион автоматлаштирилган бошқарув тизимлари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш бўйича норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

ишчи жойларни босқичма-босқич автоматлаштириш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнларини роботлаштириш, шунингдек, сунъий интеллект технологияларини жорий этиш;

савдо ҳажмини ошириш ва миқдорларга хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида буюртмачилар (миқдорлар) билан ўзаро муносабат механизмларини такомиллаштириш;

бошқарув маълумотларини қабул қилишни қўллаб-қувватлаш тизимини, жумладан, реал вақт режимида бизнес-таҳлил тизимини жорий қилиш орқали такомиллаштириш;

2025 йилда корхона ресурсларини бошқариш тизимини (ERP) жорий қилган йирик хўжалик юритувчи субъектларнинг улушини 90 фоизга етказиш;

саноат корхоналарида жорий этилаётган ишлаб чиқариш ва бошқарув жараёнларини автоматлаштириш (ERP, MES, SCADA ва бошқалар), роботлаштириш, «Интернет буюмлар», «сунъий интеллект» каби технологияларнинг дастурий маҳсулот қисмини 2027 йилга келиб, аппарат қисмини эса, 2030 йилга келиб давлат-хусусий шериклик асосида маҳаллийлаштириш;

коммунал хизматлар бўйича ҳисоб-китобларни бошқариш учун смарт технологияларни жорий қилиш, интеллектуал сервисларни жорий қилиш ва коммунал хизматларни тартибга солиш учун «ақлли уй» тажрибасини жорий этиш;

2022 йилда республиканинг барча йирик шаҳарларида жамоат транспортларида йўл ҳақи тўлашнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш ва нақд пулсиз тўловлар улушини 90 фоизга етказиш;

хар қандай йўловчи транспортида чипта сотиб олиш учун ягона платформани яратиш;

корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва хизматларни Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали сотиш бозорларини кенгайтириш;

транспорт тизимини комплекс ривожлантириш учун дастурий моделлаштириш тизимларидан фойдаланиш механизмларини амалга ошириш;

суғурта тизимини рақамлаштириш учун давлат-хусусий шериклик асосида рақамли суғуртани амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

логистика тизимини такомиллаштириш ва рақамли технологияларни жорий этиш мақсадида рақамли логистика тизимига босқичма-босқич ўтиш; иқтисодиётнинг реал секторларида роботлаштирилган саноатни ривожлантириш ва амалга ошириш;

йирик саноат корхоналари учун робототехника ва муҳандислик ихтисосликларини ташкил этиш;

ишлаб чиқариш корхоналарида аддитив (қаватма-қават қуриш ва синтез қилиш технологияси, 3D ўлчамда босиб чиқариш) технологияларини кенг жорий этиш.

Электрон тижорат ва электрон тўловлар тизимини ривожлантириш мақсадида қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

ахборот-коммуникация технологияларини, шу жумладан мижозларни масофадан аниқлаш тизимларини жорий этиш орқали масофавий банк хизматларини ривожлантириш;

халқаро электрон тижорат стандартлари ва замонавий ахборот хавфсизлиги талабларига риоя қилиш учун электрон тижоратни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини, шунингдек, мавжуд стандартлар ва электрон тижорат қоидаларини такомиллаштириш ва янгилаш;

рақамли инфратузилмани ривожлантириш, мобил ва симли Интернет жаҳон ахборот тармоғи қамрови ва тезлигини янада ошириш орқали электрон тижорат платформаларига шахсий рақамли ускуналардан уланиш имкониятлари ва қўламларини ошириш;

электрон тижорат ва электрон тўловлар тизимини янада ривожлантириш, шунингдек, электрон ҳукумат хизматларини тақдим этишда тўловларни қабул қилиш ва қайта ишлаш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, иқтисодиёт ва молия соҳасида ахборот инфратузилмасини такомиллаштириш;

электрон тижоратнинг ривожига муҳим рол ўйновчи почта ва логистика инфратузилмасини модернизациялаш ва техник янгилашни таъминлаш, логистика марказларини (фулфилмент) яратиш бўйича йирик лойиҳаларни амалга ошириш, ахборот технологияларини ва почта алоқаси объектларида автоматлаштирилган тизимлар жорий этиш, шунингдек, почта ва логистика хизматлари сифатини ошириш;

жисмоний шахсларга Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали товарлар ва хизматлар учун тўловларни тўлашни ташкил этиш жараёнини осонлаштиришга имкон берадиган тўловлар агрегаторларини ривожлантириш;

трансегаравий электрон тижоратни ривожлантириш ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини қулай ва ўз вақтида экспорт қилишни таъминлаш;

битта савдо майдончасида кенг қўламли банк ва банкдан ташқари молиявий хизматларни (қимматли қорғозлар билан операциялар, суғурта ва бошқалар) тақдим этишга йўналтирилган молиявий супермаркетларнинг бизнес моделини яратиш;

тижорат банклари томонидан мижозларга масофавий банк хизматлари (интернет-банкнинг, банк-мижоз, смс-банкнинг ва бошқалар), шу жумладан, мобил иловалар орқали хизмат кўрсатиш қўламини ва сифатини ошириш;

электрон тижорат соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш ўқув жараёнининг даражаси ва сифатини тубдан яхшилаш, мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, шу жумладан, чет элдаги етакчи илмий-тадқиқот муассасаларида, шунингдек, юқори малакали хорижий мутахассисларни жалб этиш;

электрон тижорат билан шуғулланувчи субъектларнинг товар ва хизматлар учун тўловларини QR тўловлари технологияси ва NFC технологияларини жорий қилиш, жумладан, мобил қурилмалар орқали тўловларни қабул қилиш орқали замонавий ва қулай бўлган масофавий усулларда қабул қилиш имкониятини яратиш;

давлат сектори, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва хусусий сектор ўртасидаги яқин ҳамкорликда электрон тижорат ва рақамли тўлов платформаларини ривожлантириш ва кенгроқ фойдаланишга кўмаклашиш.

2.4. Рақамли технологиялар миллий бозорини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари

Рақамли технологиялар миллий бозори учун қулай муҳитни яратиш ва истикболли «рақамли» стартапларни ривожлантириш мақсадида қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

технопарклар ва коворкинг марказлари фаолиятини, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этиш орқали замонавий рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган дастурий маҳсулотлар ва хизматларни, маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш;

рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши ва уларнинг бизнес амалиётига таъсири ва янги рақамли хизматлар ёки маҳсулотлар пайдо бўлиши таъсирини ҳисобга олган ҳолда қонунчилик базасини такомиллаштириш механизмларини шакллантириш;

миллий стартапларни ривожлантиришни рағбатлантириш ва ахборот технологиялари соҳасида янги иш бошлаётган корхоналар ва кичик корхоналарга, жумладан, венчур молиялаштириш орқали кўмаклашиш;

махаллий дастурий маҳсулотлар бозори ривожланиши учун шароит яратиш, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари ва давлат органларининг самарали ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш орқали янги инновацион ечимларни ишлаб чиқиш ва уларни кейинчалик амалга ошириш;

ташқи бозорда маҳаллий технологик ва дастурий маҳсулотларга бўлган талабни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш;

интеллектуал мулкни рўйхатдан ўтказиш, устав капиталида интеллектуал мулкни кўрсатиш имкониятини яратиш билан боғлиқ тартиботларни соддалаштириш;

венчур экотизимларнинг ривожланишини соддалаштириш учун «регулятив қумдон»ни яратиш;

транспорт жараёнларини режалаштиришда аҳолининг ҳаракатчанлигини аниқлаш учун (махфий маълумотдан ташқари) турли хизматлардан (мобил алоқа операторлари маълумотлари, иловалар ва бошқалар) маълумотларни жамлаш бўйича ягона платформани жорий этиш;

ахборот технологиялари соҳасидаги стартап ва тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаштириш тизимининг муқобил механизмларини жорий этиш;

инновацион ғоялар, стартаплар ва венчур лойиҳаларини молиялаштириш тизимининг барқарор занжирини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

ахборот технологиялари соҳасида янгидан иш бошлаган ва кичик корхоналарга стартап-лойиҳаларни амалга оширишда, инновация фаолияти натижаларини инвестицияларни жалб қилган ҳолда қўмаклашиш;

спортчиларни компьютер спорт турлари бўйича, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ўқитиш учун компьютер спорт марказлари (профессионал клублар) тармоғини яратиш;

компьютер ўйинлари саноатини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, хорижий инвестицияларни маҳаллий IT-маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва рағбатлантиришга жалб қилиш, ушбу соҳадаги малакали мутахассисларни танлаб олиш ва тайёрлаш;

ахборот технологиялари соҳасида аутсорсинг хизматлари бозорини ривожлантириш учун зарур ташкилий-техник ва молиявий-иқтисодий шароитларни яратиш;

лойиҳа бошқарувига ўқитишни жорий этиш, шунингдек, стартап-лойиҳаларини қўллаб-қувватловчи инкубация ва акселерация марказлари фаолиятини ташкил этиш орқали ахборот технологиялари соҳасидаги олий таълим сифатини ошириш;

IT-паркнинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналарини очиш орқали маҳаллий дастурий таъминот ишлаб чиқувчиларининг манфаатларини ифодалаш ҳамда уларга ўз маҳсулотларини ички ва ташқи бозорларда илгари суришда қўмаклашиш;

хар томонлама таҳлилий ва амалий тадқиқотлар асосида рақамлаштириш жараёнларининг ишлаб чиқариш ва иқтисодиёт тармоқларига таъси-

рини баҳолаш ва келгусида мамлакат иқтисодиётининг рақамли трансформациясини кенгайтириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

ахборот технологиялари соҳасида тижоратлаштириш салоҳияти баланд бўлган юқори технологик маҳсулотлар яратилишига йўналтирилган илмий-тадқиқот ишланмалари ишлаб чиқилишини ривожлантириш;

IT-парк асосида илғор технологиялардан (Big Data, IoT, AI блокчейн ва бошқалар) фойдаланган ҳолда устувор тармоқлар учун «ақлли ечимлар» ни ишлаб чиқишни рағбатлантириш;

бизнес корхоналари, университетлар, илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказлар ўртасидаги ҳамкорликка асосланган юқори технологияли тадбиркорлик марказлари ва кластерларини яратишга кўмаклашиш;

2.5. Ахборот технологиялари соҳасида таълим бериш ва малака оширишнинг устувор йўналишлари

Аҳолининг барча қатламларида рақамли кўникмаларни ошириш мақсадида қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

ёшлар орасида ахборот технологияларини оммалаштириш, шунингдек, аҳолининг барча қатламлари орасида рақамли технологиялардан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантириш;

кекса ва ўрта ёшдаги аҳолига Интернет жаҳон ахборот тармоғида ишлаш, Ягона интерактив давлат хизматлари порталидан ва бошқа технологиялардан фойдаланиш бўйича кўникмаларни ўз ичига олган компьютер саводхонлиги курсларини ташкил этиш;

ахборот технологиялари соҳасида масофавий, онлайн ва виртуал ўқитиш технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш, онлайн курслар учун платформалар ишлаб чиқиш;

рақамли технологиялар соҳасида юқори малакали кадрлар авлодини шакллантириш мақсадида умумтаълим мактаби ўқувчиларига дастурлашни ўргатиш учун шароит яратиш;

аҳоли ўртасида рақамли кўникмаларни ривожлантириш соҳасида йирик IT-корхоналарни жалб қилган ҳолда давлат хусусий шериклик механизмларини ташкил қилиш;

вилоят ва шаҳарларда рақамли кўникмалар даражасидаги бўшлиқни бартараф этиш мақсадида республиканинг барча ҳудудларида ихтисослаштирилган ўқув марказларини ташкил этиб, вертикал бошқарув ўқув модели тизимини туман ва шаҳарлар даражаларида (IT-парк филиали-ўқув маркази-мактаб) жорий этиш;

рақамли кўникмаларга эга бўлган аҳоли улушини ошириш мақсадида юқори малакали мутахассислар иштирокида бепул онлайн курсларни ташкил этиш;

фуқароларнинг рақамли иқтисодиёт соҳасида билим даражасини мустақил баҳолаш, шу жумладан, бошланғич билим даражасини бепул баҳолаш онлайн ресурсларни ташкил қилиш;

аҳоли ўртасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш учун «Бир миллион дастурчи» лойиҳасини амалга ошириш.

Давлат бошқарувида рақамли кўникмаларни ошириш мақсадида қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

давлат хизматчиларининг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги кўникмалари ва малакаларини ошириш механизмини ривожлантириш ва доимий такомиллаштириб бориш;

иқтисодиётнинг реал секторида рақамлаштиришнинг истиқболли соҳаларида янги ютуқлар муҳокамаси бўйича тадбирларни (форумлар, семинарлар, конференциялар ва бошқалар) ўтказиш;

иктидорли ИТ-мутахассисларини ўқитиш, қўллаб-қувватлаш ва уларни тарғиб қилиш ҳамда мамлакатдан иқтидорли қатламнинг чиқиб кетишининг олдини олиш учун уларнинг ривожланишига имконият яратиш;

рақамли технологиялардан фойдаланиш кўникмаларини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш ва бунда қуйидаги жиҳатларни инобатга олиш: ахборот саводхонлиги (қарор қабул қилиш учун зарур бўлган маълумотларни топиш қобилияти); компьютер саводхонлиги (рақамли қурилмалар билан ишлаш қобилияти); медиа саводхонлиги (оммавий ахборот воситаларини танқидий ўрганиш имконияти); коммуникатив саводхонлик (замонавий рақамли алоқа воситаларидан фойдаланиш қобилияти); технологик инновацияларга (янги технологияларга) ижобий муносабатни шакллантириш;

таълим тизимига ҳар бир таълим даражаси учун рақамли иқтисодиётнинг асосий ваколатларига қўйиладиган талабларнинг шаклланиши ва жорий этилиши, (ваколатлар моделини ҳисобга олган ҳолда) уларнинг узлуксизлигини таъминлаш;

давлат органлари ходимларини малакасини ошириш учун замонавий таълим технологияларидан ва ходимларнинг малакасини баҳолашнинг янги механизмларидан фойдаланган ҳолда масофадан ўқитиш бўйича ягона электрон платформани яратиш;

давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари рақамли ривожланиш бўйича ихтисослаштирилган бўлинмаларининг масъул ходимлари билан ишлаш механизмини такомиллаштириш, шу жумладан, рақамли технологияларни ривожлантириш мақсадларига эришишга асосланган моддий рағбатлантириш тизимини (KPI) жорий этиш;

рақамли иқтисодиёт, замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини жорий этиш ва ривожлантириш учун масъул бўлган ходимларни минимал маълумот даражаси ва касблар малакаси нуқтаи назаридан ходимларнинг асосий лавозимлари ва ишчиларнинг касблари классификаторига риоя қилмасдан жалб қилиш.

Таълим соҳасида рақамли кўникмаларни ошириш мақсадида қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

таълим поғонасининг бошланғич босқичида ўқувчиларга рақамли технологияларни тақдим этиш орқали рақамли кўникмаларни ўзлаштириш учун имкониятлар яратиш, таҳлилий ва танқидий фикрлашни ривожлантириш,

келажакда зарур бўладиган кенг қўламли рақамли трансформация шароитида ёшларга билим ва кўникмалар бериш;

ягона масофавий таълим платформасини келажакда таълимнинг барча йўналишларида татбиқ этиш мақсадида яратиш ва амалга ошириш;

ўқувчилар учун рақамли технологиялардан фойдаланишнинг умумий даражасини ошириш мақсадида умумтаълим мактабларининг асосий ўқув дастурларига доимий ўзгартиришлар киритиш;

технологик касблар ва инновацион фаолият соҳасида ўқишни ташкил этишга қаратилган юқори самарали халқаро амалиётни таълим тизимида жорий этиш;

ахборот-коммуникация технологиялари билан боғлиқ йўналишда кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари битирувчилари сонини, ахборот технологиялар соҳасида ўртача даражада компетенцияга эга бўлган ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларини ошириш;

ахборот технологиялар соҳасидаги ташкилотларининг ўқув жараёнларга қатнашишини рағбатлантириш орқали умумтаълим мактабларда информатика фанини ўқитиш методларини такомиллаштириш;

олий таълим муассасаларида тегишли соҳаларда «Интернет буюмлар», робототехника, сунъий интеллект технологияларини қўллаш ва ўрганиш бўйича лабораториялар, шунингдек, хорижий корхоналарни ушбу соҳага жалб қилишни ташкил қилиш;

қозғош шаклидаги материалларни рақамлаштириш форматларидан фойдаланиш бўйича давлат ягона талабини ишлаб чиқиш ва қўллаб-қувватлашни таъминлаш орқали таълимда ўқув материалларини рақамлаштириш;

рақамли технологиялар соҳасида илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш ва рағбатлантириш, уларнинг ташкилий механизмларини такомиллаштириш;

ҳолатлар ва янги технологиялар яратишни тарғиб қилувчи республика танловлари ва тадбирларини (хакатонлар, конкурслар, олимпиадалар ва бошқалар) ўтказиш;

янги қидирув тизимларини яратиш йўналишини ишлаб чиқиш ва аниқлаш, шу жумладан, аудио ва видео материалларни излаш ва аниқлаш учун ечимлар, ахборотни қидириш ва олишда семантикадан фойдаланиш, машинавий таржима тизимидаги янги технологиялар, шунингдек, машинавий ўқитишнинг янги алгоритмлари ва технологияларини ривожлантириш;

катта ҳажмдаги маълумотлар тўпламини таҳлил қилиш ва билимларни тўплаш бўйича, шу жумладан, катта ҳажмдаги маълумотларни йиғиш, сақлаш ва интеллектуал таҳлил қилишнинг янги усуллари ва алгоритмларини, катта ҳажмдаги маълумотларни тарқатиш учун янги усуллар ва дастурлар, шу билан бирга мураккаб муҳандислик ечимларини башоратли моделлаштириш учун янги усуллар ва дастурий таъминотлар бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш;

хатоларга чидамлилигини ошириш ва тизим элементлари ўртасидаги алмашинув вақтини қисқартириш учун янги юқори даражали ҳисоблаш ва маълумотларни сақлаш тизимларини, шу жумладан, параллел ҳисоблашнинг

янги алгоритмларини, янги суперкомпьютер технологиялари ва дастурларини, янги алоқа технологиялари ва ўзаро таъсир протоколларини яратиш, шунингдек, тизим элементлари ўртасидаги алмашинув вақтини қисқартириш, юқори самарали ва ишончли маълумотларни сақлаш тизимлари учун янги дастурлар яратиш соҳасида тадқиқотлар ўтказиш;

робототехника комплекслари ва одамлар ўзаро таъсирининг алгоритмларини ишлаб чиқиш, маълумотлар узатиш тармоқлари инфратузилмасини, ўрнатилган сенсорлар ва сенсор тармоқларни такомиллаштириш, шунингдек, «булутли» хизматларини тақдим этишнинг турли хил моделларини амалга ошириш учун дастурий таъминот яратиш бўйича илмий ишларни олиб бориш;

халқаро йирик корхоналарнинг марказлари билан ҳамкорликда рақамлаштириш йўналишидаги миллий кадрлар малакасини ошириш механизмини татбиқ этиш;

мактабгача, ўрта ва олий таълим тизими учун электрон таълим ресурсларини янада такомиллаштириш, шунингдек, ички ва жаҳон таълим ресурсларидан фойдаланишни таъминлаш;

инсон капиталини ривожлантириш, шу жумладан, ихтисослашган таълимни ривожлантириш ҳамда IT-соҳасидаги касбларни оммалаштириш, IT-корхоналар учун институционал шароитларни яхшилаш ва маъмурий тўсиқларни камайтириш;

аёлларга ва ногиронларга рақамли кўникмаларни ўргатиш учун давлат томонидан ёрдам кўрсатиш;

мактаб ва мактабгача таълим тизимига рақамли трансформация ва янги технологиялар бўйича инновацион ўқув дастурларини жорий этиш;

электрон хизматларга аҳоли ишончини шакллантириш ва аҳолининг тез ривожланаётган рақамли имкониятларидан фойдаланиш юзасидан зарур кўникмаларни шакллантириш бўйича самарали чораларни кўриш;

ижтимоий тармоқлардан фойдаланган ҳолда, технология ҳаётий муҳим масалаларни ҳал қилиш, ўқитиш, иш қидириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга ёрдам берадиган мавзуларда мунтазам равишда таълим кампанияларини ўтказиш;

одамларни ҳукумат ва бизнес томонидан тақдим этиладиган рақамли хизматлардан фойдаланишга чорлаш.

3-боб. Стратегияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар

Стратегияда белгиланган вазифаларни амалга ошириш орқали қуйидаги натижаларга эришиш режалаштирилган (мақсадли кўрсаткичлар иловада*):

юқори тезликдаги Интернет жаҳон ахборот ва мобил алоқа тармоқларидан сифатли, хавфсиз, арзон ва оқилона фойдаланиш;

алоқа ва телекоммуникацияларнинг очиқ ва рақобатбардош бозори;

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

барча ижтимоий объектларни Интернет жаҳон ахборот тармоғи билан таъминлаш;

республика бўйлаб оптик толали алоқа тармоғининг узунлигини кенгайтириш;

аҳоли пунктларини юқори тезликдаги алоқа технологиялари (4G ва б.) билан қамраб олиш даражасини ошириш;

шаҳарлар ва қишлоқлар ўртасидаги рақамли тафовутни камайтириш;

электрон ҳукуматни ривожлантириш халқаро рейтингда энг ривожланган мамлакатлар қаторига кириш;

электрон давлат хизматлари улушини ошириш;

электрон давлат хизматларига ишончни мустаҳкамлаш, аҳолининг давлат органлари билан хавфсиз ва осон ўзаро ҳамкорлик қилишини таъминлаш;

давлат, бизнес ва аҳолининг эҳтиёжларига қараб, ҳисоблаш қувватини самарали тақсимлаш ва ундан фойдаланиш;

республика бўйлаб коммунал соҳада электрон ҳисоблагичлар улушини ошириш;

анъанавий қоғоз ёки электрон ҳужжатга нисбатан электрон ёзувнинг устунлиги;

дастурий маҳсулотларнинг экспорт ҳажмини кенгайтириш;

IT-паркда резидентлари сонини ошириш;

инвестиция муҳитини яхшилаш, ахборот технологиялари соҳасида инвестициялар самарадорлигини ошириш;

аҳолининг рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукумат воситаларидан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантириш;

аҳолининг барча қатламлари учун ахборот технологиялари соҳасида таълим олиш бўйича кенг имкониятларининг мавжудлиги;

ахборот технологиялари соҳасидаги профессионал кадрлар захирасининг, шу жумладан, бошқарув кадрлари захирасининг мавжудлиги;

IT-йўналиши бўйича олий таълим муассасалари битирувчилари сонини ошириш;

республиканинг барча туманларида (шаҳарларида) рақамли технологиялар ўқув марказларини ташкил этиш.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**444 Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқаруви тизими янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш, соҳага илғор ва рақамли технологиялар ҳамда сифат менежментини жорий этиш, тиббиёт муассасалари имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш мақсадида:

1. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг марказий аппарати тузилмасига соғлиқни сақлаш вазирининг:

тиббий ёрдамни ташкиллаштиришга;

ихтисослашган тиббий хизмат ва янги технологияларни жорий этишга;

оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳамда репродуктив саломатлиқни таъминлашга;

стратегик ва рақамли тиббиётни ривожлантиришга;

молия, инвестиция ва моддий таъминотга масъул ўринбосар лавозимлари киритилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Тошкент шаҳрида жойлашган барча давлат тиббиёт муассасалари фаолиятини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, уларда замонавий профилактика, диагностика ва даволаш услубларини жорий қилиш, халқаро стандартлардан қолишмайдиган тиббиёт инфратузилмасини яратиш мақсадида соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари — Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи лавозими киритилсин.

3. Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази бош директори лавозими тугатилсин.

4. Қуйидагилар:

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг ташкилий тузилмаси 1-иловага** мувофиқ;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий аппаратининг тузилмаси 2-иловага** мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмаси, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари намунавий тузилмалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси тузилмаси 3 — 5-иловаларга** мувофиқ тасдиқлансин.

Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий аппарати бошқарув ходимларининг чекланган сони 139 нафар, соғлиқни сақлаш ҳудудий бошқарув органлари ходимларининг чекланган сони — 423 нафар этиб белгилансин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 3 октябрда эълон қилинган.

** 1 — 5-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Соғлиқни сақлаш вазирига Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий аппарати ва унинг ҳудудий органлари тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий чекланган сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳукуқи берилсин.

Белгилансинки, мазкур банд билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси тузилмаларига қўшимча равишда киритиладиган штат бирликларини сақлаш ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш шартларининг ўзгариши билан боғлиқ харажатлар Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси, шу жумладан унинг ҳудудий бўлинмалари штат бирликларини мақбуллаштириш ҳисобига амалга оширилади.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари соғлиқни сақлаш вазири томонидан тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси ва вилоятлар ҳокимлари билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади;

ҳудудий кўп тармоқли тиббиёт марказлари, ҳудудий болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари бош шифокорлари, ҳудудий тиббий диагностика марказлари, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари раҳбарлари соғлиқни сақлаш вазири ҳамда тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан келишилган ҳолда тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиқлари томонидан лавозимга тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади.

6. Бош вазир ўринбосари Б.А. Мусаев бир ой муддатда:

а) Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимига киритилаётган ўзгаришлардан келиб чиқиб, унинг таркибий бўлинма раҳбар ва ходимлари таркибини қайта кўриб чиқсин ва уларни профессионал билим даражасига эга бўлган, маалакали ходимлардан шакллантириш чорасини кўрсин;

б) Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси штат бирликларини мақбуллаштириш ҳисобига:

республика ҳудудларида аҳолининг сони ва касалликлар учраши таҳлиллари асосида тиббиёт муассасаларини барпо этиш;

тиббиёт ташкилотларини лойиҳалаштириш, қуриш, жиҳозлаш ишларини амалга ошириш;

соғлиқни сақлаш тизимида бизнес жараёнлар таҳлили ва IT-реинжинингини ривожлантириш;

тиббиёт муассасалари молиявий барқарорлигига қўмаклашиш ҳамда тиббий туризмни ривожлантиришни ташкил этишга йўналтирилган Соғлиқни сақлаш соҳасида ислохотларни лойиҳалаштириш ва рақамлаштириш марказини тузиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини киритсин.

Бунда, Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатасини ўзини ўзи

бошқариш ташкилотига айлантириш ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан сақлаш кўзда тутилсин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий аппарати ва соғлиқни сақлаш ҳудудий бошқарув органлари ходимларига 2020 йил 1 ноябрдан бошлаб Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қуйидаги миқдорда кўп йиллик ишлаганлик учун ҳар ойлик устама тўланади (рағбатлантириш коэффициентини инобатга олган ҳолда лавозим маошига нисбатан коэффицентларда): 1 йилдан 3 йилгача — 0,3, 3 йилдан 5 йилгача — 0,6, 5 йилдан 10 йилгача — 0,8, 10 йилдан 15 йилгача — 1,0, 15 йилдан 20 йилгача — 1,2, 20 йилдан юқори — 1,5. Бунда, кўп йиллик ишлаганлик учун устама олиш ҳуқуқини берувчи иш стажи Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдикланадиган тартиб асосида амалга оширилади;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий аппарати ва соғлиқни сақлаш ҳудудий бошқарув органлари ходимларига кўп йиллик ишлаганлик учун ҳар ойлик устама тўлаш билан боғлиқ харажатлар Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси, шу жумладан, унинг ҳудудий бўлинмаларининг штат бирликларини мақбуллаштириш ҳисобига шаклланадиган бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

8. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда аҳолига кенг кўламда бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатиш, тиббий профилактика ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш, соғлом овқатланиш, соғлиқни сақлаш соҳасида молиялаштириш тизимининг самарадорлигини ошириш ва бозор механизмларини кенгайтириш, давлат тиббий суғуртасини жорий этиш юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 6-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

10. Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

бир ой муддатда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсин;

Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 2 октябрь,
ПҚ-4847-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 2 октябрдаги
ПҚ-4847-сон қарорига
6-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги «Шошилинч тиббий ёрдам хизматининг фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2838-сон қарорида:

а) 1-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«1. 2017 йил 1 апрелдан бошлаб ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармаси аппарати тузилмасида бошқарма раҳбарининг ўринбосари — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази филиалининг директори лавозими жорий этилсин»;

б) 2-иловадаги «Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари — Бош директор» сўзлари «Бош директор» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги «Давлат тиббиёт муассасалари ва соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4007-сон қарорининг 6-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«6. Белгилаб қўйилсинки:

а) Жамғарманинг маблағларидан:

соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимларини мукофотлар, моддий ёрдам, қўшимча ҳақлар, устамалар ва рағбатлантирувчи тўловларнинг бошқа турлари тарзида моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларни молиялаштириш, шунингдек, уларга санаторий-курорт ва тиббий хизмат кўрсатилишига ҳақ тўлаш;

уй-жой билан таъминлашни яхшилашга сарфланадиган харажатларни молиялаштириш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимлари ва ташкилотлари тиббиёт ходимлари учун уй-жойлар қуришни ташкил этиш орқали молиялаштириш;

соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимларини ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш ва амалиёт ўтказишини ташкил этиш, шу жумладан, хорижий мамлакатларга ташрифларини, Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида ўтказиладиган конференциялар, семинарлар ва бошқа тадбирларда иштирок этишини, хизмат сафарига юборилишини ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш;

соғлиқни сақлашни бошқариш органларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, дастурий маҳсулотлар харид қилиш ва ахборот-коммуникация тармоқларини сақлаб туриш;

хорижий экспертлар ва консалтинг ташкилотларини жалб қилиш;
олий тиббиёт таълим муассасаларининг иқтидорли талабаларига
махсус стипендиялар тўлашга сарфланадиган харажатларни молиялаш-
тириш;

соғлиқни сақлашни бошқариш органларининг кадрлар салоҳиятини
мустаҳкамлашга қаратилган бошқа тадбирлар учун фойдаланилади;

б) Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, ви-
лоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақ-
лаш бош бошқармасига қарашли давлат тиббиёт муассасалари томонидан
пулли асосда кўрсатилган тиббий хизматлари учун тушумлар микдоридан
Жамғармага ажратиладиган маблағларнинг 37,5 фоизи тегишлиги бўйича
Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар
соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош
бошқармасининг бюджетдан ташқари ҳисоб рақамига йўналтирилади ҳамда
ушбу маблағлардан мазкур банднинг «а» кичик бандида белгиланган тад-
бирлар учун фойдаланилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги
«Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини таш-
кил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4055-сон қарорида:

а) 3-банднинг «б» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«б) Вазирлик тузилмасида Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш
бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларини ҳамда давлат унитар корхо-
наси шаклида Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш
марказини (кейинги ўринларда — Марказ) ташкил этиш»;

б) 4-банднинг «а» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) Марказ директори Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш ва-
зири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади»;

в) 6-банднинг «а» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш бошқармасининг асо-
сий вазифалари этиб:

вазирлик ва унинг ҳудудий органлари таркибий бўлинмалари билан
биргаликда соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик асосида
инфратузилма лойиҳаларини ташкил этиш ва амалга ошириш;

тиббиёт ташкилотларининг мол-мулкани, шу жумладан, ер участкала-
рини муомалага киритиш бўйича таклифларни тайёрлаш, давлат-хусусий
шериклик асосида инвестицияларни жалб этиш»;

г) 7-банд ва 1 — 5-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

д) 8-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 апрелдаги
«Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг марказий ап-
парати тузилмасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги ПҚ-4685-сон қаро-
рининг 1-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг марка-
зий аппарати тузилмасига қўшимча Ўзбекистон Республикаси соғлиқни
сақлаш вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Санитария-

эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиғи лавозими киритилсин».

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4790-сон қарорида:

а) 4-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «биринчи» сўзи чиқариб ташлансин;

б) 3-илованинг 13-банди биринчи хатбошисидаги «биринчи» сўзи чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

445 Ўзбекистон Республикасида ўрмон хўжалиги тизими- ни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикасида ўрмон фондини муҳофаза қилиш, кўпайтириш, ундан оқилона фойдаланиш, унинг моддий-техника базасини модернизация қилиш, соҳага бозор механизмларини ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, кадрлар салоҳиятини ошириш ҳисобига илм-фан ютуқларидан самарали фойдаланиш, шунингдек, 2030 йилгача бўлган даврда ўрмон хўжалигини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 августдаги «Республикада ўрмонлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4424-сон қарорига асосан:

2020 йил 1 январдан бошлаб ўрмон фондининг ўрмон билан қопланмаган ерларини ижарага бериш тизими йўлга қўйилганлиги;

2020 йилнинг январь — сентябрь ойларида ўрмон фондининг ўрмон билан қопланмаган 29 минг гектардан ортиқ ерлари 1 561 та жисмоний ва юридик шахсларга 275 млрд сўм ва 7 млн доллардан ортиқ инвестиция киритиш, 4300 та янги иш ўринлари яратиш шарти билан 49 йилгача муддатга ижарага берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шу жумладан, янги ўрмонзорлар барпо этиш, иш ўринларини ташкил этиш, ўрмонлардан қўшимча фойдаланишни рағбатлантириш, илмий тадқиқот

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 7 октябрда эълон қилинган.

фаолиятини кучайтириш мақсадида ўрмон фонди ерлари фойдаланувчиларини қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги янги шакллари жорий этилсин:

а) 2020 — 2022 йилларда ўрмон фонди ерларини ижарага олган ижарачиларга қуйидаги шартларда ижара тўловининг «ноль» ставкасини қўллаш:

ўрмон фондининг ўзлаштирилмаган ер участкаларида янгидан барпо этилган ва ижарага берилган ёнғоқ мевали боғлар (писта, бодом, ёнғоқ) ва тез ўсувчи дарахтлар (павловния, терак) плантациялари эгаллаган майдонларга — беш йил давомида;

ўрмон фондининг чўл ҳудудларида жойлашган, сув билан таъминланмаган ва ўрмон билан қопланмаган ерлари ўзлаштирилиб, чўл ўсимликлари (саксовул, черкез, қандим, қорабурак) плантациялари барпо этилганда — ўн йил давомида;

ўрмон фондининг сув билан таъминланмаган ва ўрмон билан қопланмаган ерлари ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат экинлари (дук-какли, мойли, бошоқли экинлар, сабзавот, полиз) ва доривор ўсимликлар плантациялари барпо этилганда — тегишлича бир йил ва уч йил давомида;

б) 2021 йил 1 январдан бошлаб:

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан ижарачилар аҳоли бандлигига қўмаклашиш марказида рўйхатдан ўтган ишсиз шахсларни ишга қабул қилган тақдирда, уларга иш ҳақи тўлаш харажатларини қоплаш учун — 6 ой давомида ўртача иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида, бироқ ҳар бир ой учун базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баробаридан ошмаган миқдорда субсидия тўлаш;

қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ерларни фойдаланишга кириштишда ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш билан боғлиқ харажатларни қоплаб бериш, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда ҳамда янги интенсив боғ, узумзор ва иссиқхоналарда сув тежовчи сугориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисmini қоплаб бериш тартибларини ўрмон хўжаликлари ва ўрмон фонди ерлари ижарачиларига тўлиқ татбиқ этиш;

Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан — Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг мурожаатига асосан ўрмон фондининг ижарага берилган ерларидаги ер ости сувлари конларининг шаклланиш зоналари бўйича маълумотларни ўн беш кундан ошмаган муддатда ва бепул тақдим этиш;

в) ўрмон хўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтининг моддий-техника базасини янгилаш, ходимларни моддий қўллаб-қувватлаш ҳамда олимлар корпусини ёшартириш чораларини қўриш, шунингдек, соҳадаги илмий муаммоларни аниқлаш, улар бўйича Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот институтлари ва бошқа илмий муассасалар билан ҳамкорликни кучайтириш;

г) Тошкент давлат аграр университетининг Ўрмон хўжалиги ва ландшафт дизайн факультетида кадрлар тайёрлашни мазмун жиҳатидан янги босқичга кўтариш, илғор хорижий тажрибалар асосида факультет тарки-

бидаги таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг ўқув режаларини таълимнинг кредит-модуль тизимида босқичма-босқич ўтказиш, соҳа ва ишлаб чиқариш талабларидан келиб чиқиб, келгусида янги таълим йўналишлари ва мутахассисликларини очиш;

д) ўрмон хўжалигида экотуризмни жадал ривожлантириш, жумладан:

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ўртасида ўрмон фонди ерларида экотуризм лойиҳаларини амалга оширувчи жисмоний ёки юридик шахслар тўғрисидаги маълумотларни ўзаро алмашиш тизимини жорий этиш;

ўрмон фонди ерларининг имкониятларини жойига чиққан ҳолда ўрғаниш ва баҳолаш, салоҳиятли ўрмон фонди ерларини сайёҳлар ташрифи учун мослаштириш чораларини кўриш;

ўрмон фонди ерларида ташкил этилган туристик масканлар ҳамда хизматлар тўғрисида ахборот берувчи материалларни тайёрлаш, кенг қўлмал тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш.

3. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда ўрмон плантацияларини ташкил этишни молиялаштириш учун карбон-кредитларини жалб қилиш чораларини кўрсин.

Амалга оширилган ишлар тўғрисида 2020 йил ва 2021 йил якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритсин.

4. Қуйидагилар:

а) қуйидагиларни амалга оширишни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасида ўрмон хўжалиги тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

ўрмонга оид давлат сиёсатини ривожлантириш ва ўрмон тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш;

2030 йилга келиб ўрмон фонди ерлари майдонини 14 миллион гектарга, шундан ўрмон билан қопланган ерларни 6 миллион гектарга, уруғ тайёрлаш ҳажмини йилига 840 тоннага, асалари оилалари сонини 300 мингтага, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини йилига 32 минг тоннага, доривор ўсимликлар етиштириш ҳажмини йилига 11,6 минг тоннага етказиш;

ўрмон фонди ресурсларидан оқилона фойдаланиш, чўлланишга қарши курашиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш;

ўрмон фонди ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни самарали бошқаришни ташкил этиш, ўрмонлар экиш ва уларни қўриқлаш ишларини амалга ошириш;

ўрмонлардан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш, ихотазорлар ва ўрмон плантацияларини барпо этишни жадаллаштириш;

ўрмон фонди ерларини ижарага бериш, улардан самарали ва оқилона фойдаланишда давлат-хусусий шерикликнинг қоидалари ва тартиб-таомилларини кенг қўллаш;

ўрмонларни барқарор бошқариш учун молиявий механизмларни мақ-

буллаштириш, ўрмон хўжаликларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

соҳага маҳаллий ва халқаро молия институтлари маблағлари, шу жумладан, уларнинг грантларини жалб этиш ишларини жадаллаштириш, экологик туризмни кенг қўламда ривожлантириш;

ўрмон фонди, унинг фауна ва флорасини ўрганиш, ҳисобини юритиш, кўпайтириш ва сақлаш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш;

ўрмонларни ёнғинлар, зараркунанда ва касалликлар, ноқонуний дарахт кесилишларидан ва бошқа ўрмон хўжалигига оид қонун ҳужжатларининг бузилишларидан муҳофаза қилиш;

ўрмон хўжаликларида бир-бирига боғлиқ бўлган хўжалик фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантириш;

ўрмонларда кўчат етиштириш, доривор ўсимликлар тўплаш, чорвачилик, балиқчилик ва асаричилик маҳсулотларини етиштириш ҳамда уларни қайта ишлашни ташкил этиш;

ўрмон хўжалиги соҳасида илмий тадқиқотларни кучайтириш, шунингдек, кадрлар тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш;

б) Ўзбекистон Республикасида ўрмон хўжалиги тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини 2020 — 2022 йилларда амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» (кейинги ўринларда — «Йўл харитаси») 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, Концепцияни 2022 — 2030 йилларда босқичма-босқич амалга ошириш учун Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар икки йилда алоҳида-алоҳида «йўл хариталари» тасдиқланади.

5. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси:

2021 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир маротаба 1 декабрга қадар кейинги даврга мўлжалланган «Йўл харитаси» лойиҳасининг ишлаб чиқиши ҳамда Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритилишини;

мазкур қарор ва «йўл хариталари»да белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли ижро этилишини, амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳар йили январь ойида Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги «Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6061-сон Фармонининг 8-бандида ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг вужудга келиши, ўзгариши ва бекор бўлишига асос бўлган барча ҳужжатларни 2021 йил якунига қадар Ўзбекистон Республикаси Миллий географик ахборот тизимида тўлиқ давлат рўйхатидан ўтказиш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳамда Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги билан биргаликда 2021 йил якунига қадар ўрмон хўжаликларининг ўрмон фонди ерларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи рўйхатдан ўтказилишини таъминласин.

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

7. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси Адлия вазирлиги билан бирга 2020 йил 1 декабрга қадар «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ўрмончи» фахрий унвонини таъсис этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 августдаги «Республикада ўрмонлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4424-сон қарорининг 7 ва 8-бандлари, шунингдек, ушбу қарорга 1 — 7-иловалар 2021 йил 1 январдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.М. Ғаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 6 октябрь,
ПҚ-4850-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 6 октябрдаги
ПҚ-4850-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасида ўрмон хўжалиги тизимини
2030 йилгача ривожлантириш
КОНЦЕПЦИЯСИ**

Ўзбекистон Республикасида ўрмон хўжалиги тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) Ўзбекистон Республикасида ўрмонларни муҳофаза қилиш, сақлаб қолиш ва ўрмон хўжалигини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари, бу борадаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилайди, унинг амалга оширилиши эса келажак авлодларга экологик қулай шароит яратиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш имконини беради.

**1-боб. Концепциянинг асосий мақсадлари ва устувор
йўналишлари**

1. Қуйидагилар Концепциянинг асосий мақсадлари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикасида ўрмонларни муҳофаза қилиш, сақлаб қолиш, қайта тиклаш, кўпайтириш ҳамда улардан оқилона фойдаланишни таъминлаш мақсадида бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган ижара ва давлат-хусусий шерикликнинг қоидалари ва тартиб-таомилларини жорий этиш; чўлланишга қарши курашиш, Орол ва Оролбўйи минтақаси чўлланишининг олдини олиш мақсадида ўрмонзорлар барпо этиш;

соҳага чет эл инвестицияларини кенг жалб этиш орқали ўрмонларда экологияга зарарсиз, чиқиндилардан ҳоли ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш; ўрмон хўжаликлари фаолиятига инновацион технологияларни жорий этиш;

ўрмон хўжаликларини ташкил этиш ва бошқаришда бозор иқтисодиёти механизмларини жорий этиш орқали уларни босқичма-босқич ўзини ўзи таъминлаш амалиётига ўтказиш;

ўрмонларнинг туристик салоҳиятини ошириш.

2. Асосий мақсадларга эришиш учун қуйидаги устувор йўналишларни белгилаб олиш зарур:

ўрмонга оид давлат сиёсатини ривожлантириш ва ўрмон тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш;

ўрмон фонди ресурсларидан оқилона фойдаланиш, чўлланишга қарши курашиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш;

ўрмон фонди ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни самарали бошқаришни ташкил этиш, ўрмонлар экиш ва уларни қўриқлаш ишларини амалга ошириш;

ўрмонлардан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш, ихотазорлар ва ўрмон плантацияларини барпо этишни жадаллаштириш;

ўрмон фонди ерларини ижарага бериш, улардан самарали ва оқилона фойдаланишда давлат-хусусий шерикликнинг қоидалари ва тартиб-таомилларини кенг қўллаш;

ўрмонларни барқарор бошқариш учун молиявий механизмларни мақбуллаштириш, ўрмон хўжаликларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

соҳага маҳаллий ва халқаро молия институтлари маблағлари, шу жумладан, грантларини жалб этиш ишларини жадаллаштириш ва экологик туризмни кенг кўламда ривожлантириш;

ўрмон фонди, унинг фауна ва флорасини ўрганиш, ҳисобини юритиш, кўпайтириш ва сақлаш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш;

ўрмонларни ёнғинлар, зараркунанда ва касалликлар, ноқонуний дарахт кесилишларидан ва бошқа ўрмон хўжалигига оид қонун ҳужжатларининг бузилишларидан муҳофаза қилиш;

ўрмон хўжаликларида бир-бирига боғлиқ бўлган хўжалик фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантириш;

ўрмонларда кўчат етиштириш, доривор ўсимликлар тўплаш, чорвачилик, балиқчилик ва асаларичилик маҳсулотларини етиштириш ҳамда уларни қайта ишлаш ишларини ташкил этиш;

қўмита тизимида янги қўйилаётган талаб ва вазифаларни ҳисобга олган ҳолда иш жараёнларини такомиллаштириш (мутахассислар томонидан амалга оширилаётган ишлар ва маълумотлардан фойдаланган ҳолда рақамли бошқарувни йўлга қўйишни);

ўрмон хўжалиги соҳасида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш.

2-боб. Концепциянинг ёндашувлари

3. Концепцияни амалга оширишда қуйидаги ёндашувлардан фойдаланилади:

норматив-ҳуқуқий базани тизимлаштириш ва такомиллаштириш — халқаро нормаларни имплементация қилиш, ўрмон қонунчилигини кодификациялаш, ўрмонларнинг иқтисодий салоҳиятини ҳисоблаш, уларни ижарага ажратишда баҳолаш механизмларини жорий этиш;

ўрмон фонди ер майдонларининг ўрмон билан қопланган қисмидан оқилона фойдаланиш, ўрмонларни кўпайтириш, чўлланишга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини баҳолаш;

ўрмон фонди ерларини ижарага бериш, улардан самарали ва оқилона фойдаланишда давлат-хусусий шерикликнинг қоидалари ва тартиб-таомиллари шаффофлигини таъминлаш;

ўрмонларнинг ҳолатини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот ресурслари фондини шакллантириш;

республика ҳудудининг тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб, ўрмон барпо этиш, ўрмон фондини ҳар томонлама кенгайтириш, уларни муҳофаза қилишга доир тадбирларни амалга оширишда инновацион технологияларни жорий этиш;

экотуризмни ривожлантириш учун экотуристик маршрутлар ва зарур инфратузилма объектларини ташкил этиш;

ўрмон фонди ерларида шўрланишга ва сувсизликка чидамли ўсимликларни етиштиришда илмий-тадқиқотлар натижаларини кенг жорий этиш;

халқаро ҳамжамиятнинг ўрмончилик соҳасини ривожлантириш ва чўлланишга қарши курашиш бўйича тадбирларида иштирок этиш.

3-боб. Ўрмон хўжалиги тизимининг жорий ҳолати ва мавжуд муаммолар

4. Ўрмонлар асосан экологик (муҳофаза қилиш, санитария-гигиеник, соғломлаштириш ва рекреацион) вазифалар ҳамда ижтимоий-иқтисодий функцияларни бажаради.

Ўрмон дарахтзорлари қишлоқ хўжалиги экинларини сув ва шамол эрозиясидан ҳимоя қилишга, сел оқимларини сизот сувларига айланттиришга,

кўчма қумларни мустаҳкамлашга ҳамда чўлланишга қарши курашишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг ўрмон фонди 11 975,2 минг гектарни ёки мамлакат ҳудудининг 26,7 фоизини, шу жумладан ўрмон билан қопланган майдон 3 235,7 минг гектарни ташкил этади.

5. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимида 66 та давлат ўрмон хўжалиги, 3 та миллий табиат боғи, 9 та ихтисослашган давлат ўрмон хўжалиги, 5 та давлат ўрмон ов хўжалиги, 4 та илмий-тажриба станциялари ва 3 та бошқа илмий ташкилотлар фаолият юритмоқда.

6. 2020 йилда 432,9 тонна дарахт ва буталар уруғи, 70 млн туп дарахт ва буталарнинг ниҳол ва кўчатлари етиштирилган ҳамда қишлоқ хўжалиги ерлари атрофида 2 020 гектар майдонда ихота дарахтзорлари барпо этилган.

Шу даврнинг якунигача чорва сони 28 832 бошни, парранда сони 102,0 минг бошни, асалари оиласи сони 22 644 тани ташкил этган, 5,1 минг тонна доривор ва озуқабоп ўсимликлар тайёрланган, натижада ўрмон хўжаликларининг даромад кўрсаткичлари 200,0 млрд сўмга етказилади.

7. Ўрмон хўжалиги соҳасида қуйидаги тизимли муаммолар мавжуд: ўрмонларни сақлаш, қайта тиклаш ва кўпайтириш бўйича жамоатчилик назорати йўлга қўйилмаган;

соҳада ер турлари бўйича ҳисобни юритиш ҳамда мониторинг қилиш юзасидан электрон тизим яратилмаганлиги ўрмон тузиш ишларини сифат ва миқдор жиҳатидан етарли даражада олиб бориш имконини бермаяпти;

доривор ва озуқабоп ўсимликларнинг табиий захиралари илмий асосланган хатловдан ўтказилмаган;

ўрмон хўжалигида ёғоч ишлаб чиқариш соҳаси тизимли йўлга қўйилмаганлиги сабабли аҳолининг ёғочга бўлган эҳтиёжи асосан импорт ҳисобига қондирилмоқда;

ўрмон хўжаликларида овчилик, экотуризм, халқ истеъмоли моллари ва бошқа маҳсулотларни қайта ишлаш тизимлари самарали ташкил этилмаган;

ўрмонларда ўрмончилар учун тунаш жойлари мавжуд эмаслиги улар томонидан кузатув ва муҳофаза ишларини сифатли ташкил этиш имконини бермаяпти;

соҳада илмий-тадқиқотлар олиб бориш учун замонавий лаборатория ва шарт-шароитларнинг мавжуд эмаслиги хорижий давлатлардан олиб кирилаётган ноёб турдаги ўсимликларни иқлимлаштириш (интродукция), йўқолиб бораётган ўсимликларнинг биологик хусусиятларини ўрганиш ҳамда соҳага инновацион технологияларни жорий этиш имкониятини чекламоқда;

малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш зарурати мавжуд.

4-боб. Ўрмон хўжалигидаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш йўллари

8. Республикада ўрмон хўжалиги салоҳиятини ошириш, ўрмонларни сақлаш, барпо этиш ва режали бошқариш орқали экологик фойда кўриш,

шунингдек, уларнинг мамлакат ривожланишидаги улушини ошириш мақсадида келгусида қуйидаги ишлар амалга оширилади:

ўрмон соҳасига оид давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқиш ва қонунчиликни такомиллаштириш чораларини кўриш;

республика ҳудудидаги барча ўрмон фонди ер майдонларини давлат хатловидан ва рўйхатдан ўтказиш, ўрмон тузиш ишлари ҳақидаги ягона электрон маълумотлар базасини шакллантириш;

мавжуд ўрмонларни муҳофаза қилиш ва қайта тиклаш ҳамда ихотазорлар ва ўрмон плантацияларини барпо этиш;

ўрмон фонди ерларини юридик ва жисмоний шахсларга ижарага бериш тизимини жорий қилиш орқали иқтисодий фойда олиш амалиётини йўлга қўйиш;

доривор ўсимликларни йиғишда самарадорликни ошириш, жумладан, табиий ўсимликлар уруғидан фойдаланиш ҳамда хом ашёни йиғиш, қуриш, сақлаш ва қадоқлаш жараёнларини такомиллаштириш;

соҳа ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, жумладан, ўрмон хўжаликлари техника паркини модернизация қилиш, илмий тадқиқотлар олиб боришда фойдаланиладиган лабораторияларни замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш, ўрмончилар уйи ва кузатув минораларини қуриш;

ўрмончилик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чораларини кўриш;

соҳага инвестицияларни жалб қилиш ишларини тизимли йўлга қўйиш, жумладан, халқаро молия институтлари маблағларини ўзлаштириш механизмларини такомиллаштириш;

ўрмонларни сақлаш, қайта тиклаш ва кўпайтириш бўйича жамоатчилик назоратини кучайтириш, шу жумладан, ўрмон қонунчилиги бузилганлиги тўғрисида хабар қилган шахсларни рағбатлантиришга доир қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

ўрмон фонди ерларида экотуризмни ривожлантириш, ёғоч, доривор ва бошқа турдаги импорт ўрнини босувчи, экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариш ишларини кенг йўлга қўйиш.

1-§. Ўрмонларни салбий антропоген ва техноген омиллардан муҳофаза қилиш ва аҳолининг бу борадаги хабардорлигини ошириш

9. Ўрмонларни вайрон қилувчи антропоген ва техноген омиллардан (ўрмонни ноқонуний кесиш, ёнғин, ҳайвонларни назоратсиз ўтлатиш, ўсимлик хом ашёсини ва меваларни тартибсиз тайёрлаш ва бошқалар) муҳофаза қилиш ва уларнинг ҳолатини яхшилаш юзасидан қуйидаги тадбирлар бажарилади:

а) ўрмон хўжаликларининг экологик салоҳиятини ошириш, зарарли антропоген ва техноген таъсир характерига эга бўлган омилларни бартараф этишга қаратилган қоидаларга амал қилинишини таъминлаш учун:

ўрмонларни муҳофаза қилиш бўйича тегишли меъёрлар ва йўриқнома-лар ишлаб чиқиш;

зарур штат бирликларини шакллантириш ва салоҳиятли кадрларни жалб қилиш;

ходимларни махсус кийим-кечак, табель қурол-яроғи, ёнғинга қарши замонавий техника, алоқа ва ўрнатилган меъёрлар доирасида транспорт воситалари ва бошқа жиҳозлар билан таъминлаш;

ҳар бир ўрмон хўжалигида ёнғинга қарши кузатув минораларини қуриш; ёнғин хавфи бўлган даврда авиапатрул (дрон билан кузатиш) ишлари-ни ташкил этиш;

ўрмон хўжаликлари ҳудудида қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйган шахсларга нисбатан жавобгарлик ёки зарарни қоплаш чораларини кўриш;

б) умумий ўрмонлар, шунингдек, химоя ўрмонзорларининг экологик, ижтимоий ва моддий аҳамияти ҳақида кенг оммани хабардор қилиб бориш учун:

ўрмонлардан самарали фойдаланиш, уларни асраб-авайлаш, барпо этиш қоидаларини мунтазам равишда оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш;

ўрмон хўжалигида амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг нати-жадорлигига аҳолининг қизиқишини кучайтириш бўйича чоралар кўриш;

мактаблардаги ўқув жараёнларини ўрмонлар, хиёбонлар ва ҳайвонот боғларида «ўрмон кунлари»ни белгилаган ҳолда ўтказилишини ташкил этиш;

ёш ўрмончилар кўрик-танловини ташкил этиш ва ғолибларни рағбат-лантириш тизимини яратиш.

2-§. Ўрмонларни зараркунанда ва касалликлардан химоя қилиш

10. Ўрмонларни зараркунанда ва касалликлардан самарали муҳофаза қилиш мақсадида қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

химоя қилиш услубиётини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириб бориш; касалликлар ва зараркунандаларни тезкор аниқлаш;

ўрмон хўжаликларига биологик ва кимёвий препаратлардан фойдала-ниш бўйича консултация ёрдам кўрсатиш ҳамда уларни зарур ахборотлар билан таъминлаш;

ўрмон патологияси ҳолати бўйича ягона ахборот тизимини шакллан-тириш;

зарарланган ўрмон ҳудудларини тезкор аниқлаш, касалликлар ва за-раркунандалар тарқалишининг олдини олиш, уларни профилактика қилиш мақсадида масофадан аниқловчи мосламалардан (GPS-қурилмалари, GIS-тех-нологиялари) фойдаланишни кенг йўлга қўйиш.

3-§. Ўрмонларни қайта тиклаш ва ўрмонлаштириш ишларини жадаллаштириш

11. Мавжуд ўрмонлар ҳолатини яхшилаш ва уларнинг майдонларини

кўпайтириш, ўрмон фонди ерларининг фойдаланилмаётган майдонларини ўзлаштириш ҳисобига даромад олиш ишлари такомиллаштирилади.

Бунда ўрмон дарахтзорларини барпо этиш ва парвариш ишлари амалга оширилади ҳамда бу жараёнга маҳаллий кўнгиллилар кенг жалб қилинади.

Бундан ташқари, яйловларда боқиладиган чорва моллари бош сонини аниқлашнинг самарали усуллари ишлаб чиқилади, чорва молларини алмашлаб ўтлатиш амалиётини қатъий тартибга солиш чоралари кўрилади, чорва бош сони меъёрларини қайта кўриб чиқиш ва назорат қилиш тизими яратилади.

1) Чўл ўрмонларида қуйидаги ишлар амалга оширилади:

химоялаш ва кўриқлашни кучайтириш, сийрак ўрмонларнинг тўлиқлик кўрсаткичини 0,4-0,5 гача етказиш;

дарахтлар ва чўл-яйлов ўсимликларини экиш орқали яйловзорлар яратиш;

қумли жойларда, шу жумладан, Орол денгизининг қуриган тубида қумларни мустаҳкамловчи кимёвий фиксаторлар, механик химояловчи воситалар, кўчат ёки уруғ экиш усуллари ёрдамида химоя ўрмонзорларини барпо этиш ва бу жараёнда янги замонавий технологияларни қўллаш.

2) Тоғли ҳудудлардаги эрозия жараёнига учраган ерларда қуйидаги ишлар амалга оширилади:

химоя ўрмонзорларини барпо этиш, ўрмон билан қопланган майдонлар ва мавжуд сийрак дарахтзорларнинг тўлиқлик кўрсаткичини 0,6 ва ундан юқори даражага кўтариш чораларини кўриш;

сел оқимлари юқори бўлган ҳудудларда ҳамда сув омборлари атрофида ўрмон мелиоратив тадбирларини амалга ошириш;

доривор ўсимликларни аниқлаш ва уларни кўпайтиришда зарур чора-тадбирларни бажаришни тизимли йўлга қўйиш;

ёнғоқ, бодом ва писта ўрмонларини юқори ҳосилдор навлар билан тўлдириш ва саноат плантацияларини барпо этиш.

3) Тўқайзорларда қуйидаги ишлар амалга оширилади:

тўқайзорларнинг табиий ва маданий ҳолда тикланишини таъминлашни кенгайтириш;

дарё қирғоқларининг емирилиши ва шўрланишининг олдини олиш бўйича зарур чора-тадбирларни кўриш;

ўрмонларнинг табиий тикланиш ҳажми ва сифатини яхшилаш;

чўлда ўсувчи доривор ўсимликларни аниқлаш ва кўпайтириш ишларини ташкил этиш.

12. Юқоридаги ишларни амалга ошириш учун 2030 йилгача 1-иловага* мувофиқ қўшимча равишда жами 72 472 гектар ўрмон фонди ерлари фойдаланишга киритилиши режалаштирилган.

13. 2020 йил ҳолатига ўрмонзорлар ва бутазорлар майдони 3 235,7 минг гектарни ташкил этиб, республиканинг ўрмон билан қопланиш кўрсаткичи 7,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2030 йилгача 2-иловага* мувофиқ ўрмон-

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

зорлар ва бутазорлар майдони кенгайтирилиши ҳамда туман ҳокимликлари захирасидаги табиий ўрмонзорлар ўрмон тоифасига ўтказилиши ҳисобига уларнинг майдони 6 098,9 минг гектарга, республиканинг ўрмонлаштириш кўрсаткичи 15 фоизга етказилади.

4-§. Чўлланишга қарши курашиш

14. Республикада чўлланиш жараёни асосан Орол денгизи тубидаги қуриган ҳудудларда, суғориладиган, лалми, шунингдек, чорва моллари тартибсиз ўтлатиладиган, фойдали қазилма бойликлари кўп бўлган ерларда кузатилмоқда.

Юқорида таъкидланган объектларда чўлланишга қарши курашиш мақсадида ўрмонлаштиришни ривожлантириш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи давлат дастурлари ишлаб чиқилади:

1) чўл майдонларида, жумладан, Орол денгизининг қуриган тубида:

тупроқ типлари харитасидан фойдаланган ҳолда ўрмон барпо этиш учун яроқли бўлган майдонлар аниқланади;

тупроқлари турли типдаги майдонларга мос дарахтлардан ҳимоя ўрмонзорларини барпо этиш дастури ишлаб чиқилади;

2) суғориладиган ва лалмикор ер майдонларида:

эрозияга қарши курашишда ўрмон дарахтзорларини барпо этиш ва агротехник тадбирларни лойиҳалаштириш бўйича йўриқнома ишлаб чиқилади;

манзарали ва мевали дарахтлардан иборат ўрмон плантациялари ташкил этилади;

3) ихота дарахтзорларини кўпайтириш учун:

мавжуд инфратузилмалар (барпо этилган йўллар, каналлар, суғориш тизимлари) атрофида мос равишда ихота дарахтзорлари яратилади;

қишлоқ хўжалиги ерларидаги мавжуд ихота дарахтзорлари хатловдан ўтказилади ҳамда далалар учун ихота дарахтзорларининг энг кам меъёри белгиланади;

фойдали қазилмаларни қазिश жараёнида ёки бошқа ҳолатда бузилган ерларни ўрмон экиш йўли билан қайта тиклаш (рекультивация қилиш) ишлари амалга оширилади;

экологик оғир шароитда жойлашган шаҳарлар, аҳоли пунктлари, халқ хўжалиги объектлари атрофида яшил ҳудудлар барпо этиш режаси ишлаб чиқилади ва амалга оширилади.

15. 2020 йилда 2 020 гектар майдонда мелиорация объектлари атрофида ҳамда қишлоқ хўжалиги ерларида ҳосилдорликни кўпайтиришга йўналтирилган шамол ва сув эрозияларидан ҳимоялаш учун ихота дарахтзорлари барпо этилган бўлса, 2021 — 2030 йилларда 3-иловага* мувофиқ 28 700 гектар майдонда ихота ўрмонзорлари барпо этилади.

* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

5-§. Кўчат ва ниҳолларга бўлган талабни қондириш

16. Мамлакатимиздаги кўчат ва ниҳолларга бўлган талабни қондириш учун қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

ўрмон уруғчилик участкалари ва селекцион-генетик объектларини хатловдан ўтказиш ва уларни доимий мониторинг қилиш;

ўрмон уруғчилик плантацияларини мусбат дарахтлардан олинган уруғ, шунингдек, селекция асосида ажратиб олинган нав ва шакллардан ундиришни ташкил қилиш;

доимий ва вақтинчалик ўрмон уруғчилик участкаларини ташкил қилиш; уруғларни тозалаш, саралаш, қадоқлаш, сақлаш ва унувчанлик сифатини назорат қилиш;

кўчат ва ниҳоллар турларига бўлган эҳтиёжларни ўрганиш ва улар асосида кўчатхоналар ташкил этиш;

кўчат етиштиришнинг давлат стандартларини ишлаб чиқиш, уларнинг сифатини баҳолаш бўйича сертификатлаштириш тизимини жорий этиш;

ўрмон уруғчилиги ва кўчатчилиги бўйича илғор давлатлар тажрибасини ўрганиш, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, уларнинг натижаларини амалиётга татбиқ этиш чораларини кўриш.

Бунинг учун, 2020 йилда 432,9 тонна дарахт ва буталар уруғи тайёрланган бўлса, 2030 йилгача 7 236 тонна уруғ 4-иловага* мувофиқ тайёрланади.

Шунингдек, 2020 йилда 70 млн туп дарахт ва буталарнинг ниҳол ва кўчатлари етиштирилган бўлса, 2030 йилгача жами 1,3 млрд туп ниҳол ва кўчатлар 5-иловага* мувофиқ, жумладан, 225,7 млн туп тут дарахти кўчатлари 5а-иловага* мувофиқ етиштирилади.

5-боб. Ўрмонларни ҳамкорликда бошқариш ва ижара муносабатлари тизимини такомиллаштириш

17. Ўрмонларни давлат-хусусий шериклик асосида бошқариш ва ижара муносабатлари тизимини такомиллаштириш, жисмоний ва юридик шахсларга ўрмон ерлари ва ресурсларидан барқарор ижтимоий-иқтисодий фойда олиш имконияти яратилади.

1-§. Ўрмон фонди ерларида ижара муносабатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш

18. Ўрмон хўжалиги соҳасини ривожлантириш мақсадида инвестицияларни жалб этиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш энг асосий вазифалардан биридир. Инвестицияларни жалб этиш учун қуйидаги ишлар амалга оширилади:

* 4 — 5а-илвалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ўрмон фонди ерларини жисмоний ва юридик шахсларга ижарага бериш, ижарага берувчи ва ижарага олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда аниқ белгилаш;

ўрмонларни давлат-хусусий шериклик асосида бошқаришнинг ҳуқуқий асосларини яратиш;

ижарага берилаётган ерлардан фойдаланиш меъёрларини ишлаб чиқиш.

2-§. Ишлаб чиқариш функцияларининг бир қисмини хусусий секторга ўтказиш

19. Ўрмонларни муҳофаза қилиш ва кўпайтириш фаолиятига салбий таъсир кўрсатмаган ҳолда, ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришига тадбиркорлик фаолияти субъектларини кенг жалб қилиш чоралари кўрилади.

Хусусан, саноат плантацияларини барпо этиш, ёғоч ва ёғочга оид бўлмаган ўрмон маҳсулотларини етиштириш ҳамда қайта ишлаш, ов хўжалиги ва экологик туризм билан шуғулланиш, чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш кўрсаткичларини, биринчи навбатда, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ҳисобидан ривожлантириш чоралари кўрилади.

Ўрмон фонди ерлари ҳудудларида геологик тадқиқотлар ўтказиш, улардаги аниқланган руда ва норуда табиий бойликларни саноат усулида қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича ҳамкорликдаги кенг қўламли ишлар йўлга қўйилади.

6-боб. Институционал салоҳиятни ривожлантириш ва ўрмонларни барқарор бошқаришнинг самарали механизмларини ташкил этиш

1-§. Ўрмон хўжалиги соҳасида ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш

20. Ўрмон хўжаликларига юклатилган вазифа ва мажбуриятларни самарали бажариш учун уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш зарур. Бунда:

ўрмон хўжалиги ходимлари тамғалар, махсус кийим, иш қуроллари, алоқа воситалари, транспорт ва техник жиҳозлар билан тўлиқ таъминланади;

ҳар йили «Ўрмончилар куни»ни нишонлаш тадбирлари ўтказилади. Шунингдек, ўрмончилик соҳасини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшган шахсларни рағбатлантириш мақсадида фахрий унвон ва кўкрак нишон таъсис этилади.

2-§. Ўрмончилик соҳасида илмий кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш

21. Ўрмончилик соҳасида мутахассислар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтларининг салоҳиятини ошириш-

га қаратилган ҳамкорлик тадбирлари амалга оширилади. Бунда, ўрмон хўжаликлари ва илмий-тадқиқот институтлари ўртасида узвий алоқаларни таъминлаш бўйича қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилади:

ўрмон хўжаликларининг кадрларга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда тегишли олий таълим муассасаларига қабул квоталарини қайта кўриб чиқиш;

соҳага оид ўқув дастурларини илғор замонавий илмий-амалий тажрибаларни инобатга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш;

тегишли олий таълим муассасаларининг ўрмон хўжалиги факультетида ўқиётган талабаларнинг контракт тўловини ўрмон хўжаликлари маблағлари ҳисобидан молиялаштириш амалиётини жорий қилиш;

Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтининг илмий салоҳиятини ошириш мақсадида таянч докторантура ва докторантура учун қабул квотасини кўпайтириш ҳамда уларни моддий рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш;

иктидорли ёш олим ва мутахассисларни ишга жалб этиш ҳамда рағбатлантириш мақсадида улар учун уй-жой шароитларини яхшилаш чора-тадбирларини амалга ошириш;

ўрмон хўжалигини ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларида илм-фан ва ишлаб чиқариш билан ҳамкорликда ўрмон хўжалигини барқарор ривожлантириш, унинг маҳсулдорлигини оширишга қаратилган мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш;

илмий ходимлар раҳбарлиги остида талабалар илмий жамиятини қайта тиклаш ва ташкил этиш;

ўрмон хўжалиги соҳасининг муҳимлигини ва ўрмоннинг фойдали хусусиятларини ёшлар ўртасида тарғиб қилиш, жумладан, мактабларда ўрмончилик ва экологик тўғаракларни мунтазам равишда ташкил этиш.

3-§. Халқаро ва минтақавий ҳамкорлик

22. Халқаро ва минтақавий дастурларда фаол иштирок этиш учун ўрмончилик соҳасининг салоҳиятини мустаҳкамлаш борасида қуйидаги йўналишларда ишлар олиб борилади:

ўрмон сиёсати ва ўрмон хўжалигини ривожлантириш стратегиялари бўйича минтақавий ҳамда хорижий тажрибани ўрганиш;

ўрмонларни бошқаришнинг масофавий зондлаш усулларини қўллашда, амалий ўрмон типологиясини ишлаб чиқишда хорижий тажрибани ўрганиш;

доимий равишда халқаро миқёсдаги илмий ва амалий анжуманларда иштирок этиш;

ўрмончилик соҳасидаги нуфузли халқаро ташкилотлар — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO), Глобал экологик жамғарма (ГЭФ) ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликни янада фаоллаштириш.

4-§. Ўрмон хўжаликларининг қўшимча даромадларини ошириш ва улардан мақсадли фойдаланиш

23. Ўрмон хўжалиги ер фондидан самарали фойдаланиш, ижара муносабатларини такомиллаштириш, давлат-хусусий шериклик қоидалари ва тартиб-таомилларини кенг жорий этиш, ўрмон маҳсулотлари ва доривор ўсимликлар плантацияларини кенгайтириш, экотуризмни ривожлантириш ҳисобига даромадларни ошириш бўйича тегишли амалий чора-тадбирлар бажарилади.

Шунингдек, қўшимча даромадларни ошириш фақат сифати, ҳажми ва нархини ошириш билан эмас, балки доимий равишда янги йўналишларни танлаш, жумладан, экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулот ва товар (иш, хизмат)лар турларини ташкил этиш бўйича амалий ишлар орқали ҳам йўлга қўйилади.

24. Молиявий маблағлардан самарали фойдаланишнинг аниқ механизмларини шакллантириш учун қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилади:

хар бир ўрмон хўжалигининг тупроқ-иқлим шароити ва ихтисослашувидан келиб чиқиб, даромадларни ошириш бўйича йиллик бизнес-режалар ишлаб чиқиш амалиёти йўлга қўйилади;

ўрмон плантацияларини ташкил этишни молиялаштириш учун карбон-кредитларини жалб қилиш таъминланади;

ўрмон хўжалиги ходимларини моддий рағбатлантириш, жумладан, иш ҳақини ошириш, ноқулай об-ҳаво ва табиий шароитда ишлаётган ўрмончиларнинг иш ҳақларига қўшимча устамалар белгилаш бўйича аниқ чоралар қўрилади.

25. Ўрмон хўжаликларида хусусий сектор субъектлари билан биргаликда қўшимча даромад манбаларини ошириш учун:

2020 йил ҳолатига мавжуд 28 832 бош чорва сонини 6-иловага* мувофиқ 2030 йилгача 250 минг бошга;

2020 йил ҳолатига мавжуд 102,0 минг бош парранда сонини 7-иловага* мувофиқ 2030 йилгача 2 млн бошга;

2020 йил ҳолатига мавжуд 22 644 асалари оиласи сонини 8-иловага* мувофиқ 2030 йилгача 300 мингтага;

хар хил турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш йиллик кўрсаткичини мавжуд 30 минг гектардан 9-иловага* мувофиқ 31 минг гектарга;

доривор ва озуқабоп ўсимликларни етиштириш ва тайёрлаш ҳажмини 5,1 минг тоннадан 10-иловага* мувофиқ 2030 йилгача 11,6 минг тоннага;

лимончиликни ривожлантириш мақсадида лимонзорлар майдонини 145 гектардан 11-иловага* мувофиқ 2030 йилгача 500 гектарга етказиш прогноз кўрсаткичлари белгиланмоқда.

Бунинг натижасида ўрмон хўжаликларининг даромад кўрсаткичлари 12-иловага* мувофиқ 2030 йилгача 1,0 трлн сўмга етказилади.

* 6 — 12-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

5-§. Механизацияни ривожлантириш истиқболлари

26. Ўрмон хўжалиги механизациясини юқори даражага кўтариш учун механизациялаштириш ва автоматлаштиришнинг юқори самарали воситалари жалб қилинади. Шунингдек, ўрмон хўжаликларининг мавжуд машина-трактор парклари янгилаб борилади.

27. Келажакда, учувчисиз учиш аппаратларидан ўрмон хўжалигида қуйидаги йўналишларда фойдаланиш таъминланади:

ўрмон фондидаги назорат участкасида режали ўрмон патологик мониторингини ўтказиш;

ўрмонларда ноқонуний хўжалик фаолияти ва ноқонуний кесиш ишларига қарши курашиш;

мураккаб фавқулудда вазиятларда, жумладан, йирик ўрмон ёнғинлари пайдо бўлганда ташкил қилинадиган тезкор-штабга ахборот етказиш;

тоғ қияликларига етиб бора олмайдиган транспорт воситалари ўрнига учувчисиз учиш аппаратларидан патрул сифатида фойдаланиш;

ўрмон майдонлари ва кўчатхоналардаги экинларни касаллик ва зараркунандалардан кимёвий ҳимоя қилиш.

28. Иқлим ўзгаришининг умумий тенденцияси муносабати билан ҳар бир давлат ўрмон хўжалиги таркибидаги хўжаликлар томонидан ёнғинни ўчириш ва патрул ишлари такомиллаштирилади.

7-боб. Концепцияни амалга ошириш ва кутилаётган натижалар

29. Концепциянинг амалга оширилиши натижасида 2030 йилда:

ўрмон фонди ерлари майдони 14 млн гектарга ёки мамлакат ҳудудининг 32 фоизига етказилади (ўсиш — 17 фоиз);

6,1 млн гектар ер майдони ўрмон билан қопланади (ўсиш — 1,9 баравар);

йилига 840 тонна уруғ тайёрланади (ўсиш — 1,9 баравар);

йилига 190 млн туп кўчат етиштирилади (ўсиш — 2,7 баравар);

йилига 30 959 минг туп тут дарахти кўчатлари тайёрланади (ўсиш — 2,7 баравар);

йилига 3 500 гектар ихота ўрмонлари барпо этилади (ўсиш — 1,7 баравар);

чорва сони 250 минг бошга етказилади (ўсиш — 8,7 баравар);

парранда сони 2 млн бошни ташкил этади (ўсиш — 8,7 баравар);

асалари оилалари сони 300 минг оилага етказилади (ўсиш — 13,2 баравар);

31 820 тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (озуқабоп, дон ва дуккакли экинлар, мева-сабзавот ва бошқалар) етиштирилади (ўсиш — 44 фоиз);

йилига 11 674 тонна доривор ўсимликлар тайёрланади (ўсиш — 2,3 баравар);

тизимда йилига 1 трлн сўм даромад олинади (ўсиш — 5 баравар).

Шунингдек, ўрмон хўжалиги корхоналарида 10,0 мингта янги иш ўринлари яратилиб, техника ва механизмлар парки тўлиқ янгиланади.

8-боб. Концепцияни амалга ошириш механизмлари

30. Концепция Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган икки йиллик «Йўл хариталари»ни қабул қилиш орқали амалга оширилади. Улар асосида тегишли вазирлик ҳамда идоралар томонидан тасдиқланадиган идоровий дастурлар, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланадиган ҳудудий ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 6 октябрдаги
ПҚ-4850-сон қарорига
3-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 мартдаги «2019 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмаси тўғрисида»ги ПҚ-4227-сон қарорининг 3-банди қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«ўрмон фонди ерлари ижарачиларига — аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказида рўйхатдан ўтган ишсиз шахсларни ишга қабул қилган тақдирда, уларга иш ҳақи тўлаш харажатларини қоплаш учун — 6 ой давомида ўртача иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида, бироқ ҳар бир ой учун базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баробаридан ошмаган миқдорда ҳақ тўлаш».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 25 октябрдаги «Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий этишни рағбатлантириш механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4499-сон қарорининг 4-банди қуйидаги мазмундаги «г» кичик банд билан тўлдирилсин:

«г) мазкур қарорга асосан жорий этилаётган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари ўрмон хўжаликлари ва ўрмон фонди ерлари ижарачиларига ҳам тўлиқ татбиқ этилади».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 декабрдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4549-сон қарорининг 9-бандида:

а) биринчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) иккинчи хатбоши биринчи хатбоши деб ҳисоблансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 февралдаги «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш чоратадбирлари тўғрисида»ги 98-сон қарорининг 2-банди қуйидаги мазмундаги «д» кичик банд билан тўлдирилсин:

«д) мазкур қарорга асосан жорий этилаётган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари ўрмон хўжаликлари ва ўрмон фонди ерлари ижарачиларига ҳам тўлиқ татбиқ этилади».

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 февралдаги 109-сон қарори билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ерларни фойдаланишга киритишда ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш билан боғлиқ харажатларни қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-банди учинчи хатбошиси «суғориладиган ерларга» сўзларидан кейин «, ўрмон фондининг ўрмон билан қопланмаган ва сув билан таъминланмаган ерларига» сўзлари билан тўлдирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

446 Ахборот технологиялари соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштириш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва уларни ИТ-индустрия билан интеграция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ахборот технологиялари соҳасидаги кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини муваффақиятли амалга ошириш, рақамли технологияларни ривожлантириш ва аҳолининг кундалик ҳаётига кенг жорий этишни таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Ахборот технологиялари соҳасидаги касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича қўрилаётган чоралар давлат органлари ва тармоқ ташкилотларини малакали ИТ-мутахассислар билан таъминлаш учун мустаҳкам замин яратмоқда.

Хусусан, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисос-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 7 октябрда эълон қилинган.

лаштирилган мактаб ва бир қатор хорижий университетлар филиаллари фаолияти йўлга қўйилиб, туман ва шаҳарларда рақамли технологияларга ўқитиш марказлари босқичма-босқич ташкил этилмоқда.

Шу билан бирга, республиканинг меҳнат бозорида малакали кадрлар етишмовчилиги ахборот технологиялари соҳасидаги ўқув дастурлари ва услубларини такомиллаштириш, таълим муассасаларининг ИТ-компаниялар билан ўзаро ҳамкорлигини кучайтиришни тақозо этмоқда.

Ахборот технологияларининг ўқитилишини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, меҳнат бозорининг малакали ИТ-мутахассисларга бўлган талабини қониқтириш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг республика туман (шаҳар)ларида мавжуд умумтаълим мактаблари негизида информатика ва ахборот технологияларини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабларни (кейинги ўринларда — ихтисослаштирилган мактаблар) босқичма-босқич ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қуйидагилар:

2020 йилда ташкил этиладиган, информатика ва ахборот технологияларини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган таянч мактаблари ҳамда уларга бириктирилган олий таълим муассасалари, илмий ва инновация марказлари ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари рўйхати 1-иловага* мувофиқ;

2021 — 2023 йилларда республика туман (шаҳар)ларида информатика ва ахборот технологияларини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабларни босқичма-босқич ташкил этиш жадвали 2-иловага* мувофиқ;

2020 — 2023 йилларда информатика ва ахборот технологиялари йўналишида узлуксиз таълим сифатини ошириш бўйича «Йўл харитаси» 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ихтисослаштирилган мактаблар фаолиятининг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

ўқувчиларнинг ижодий ривожланиши учун шароитлар яратиш, шу жумладан, «Бир миллион дастурчи» лойиҳасини мактаб ўқув дастурларига интеграция қилиш орқали ўқувчиларга ахборот технологиялари ва компьютерда дастурлаш асосларининг чуқур ўргатилишини ташкил этиш;

ўқувчиларни ўқитиш ва билимларини баҳолашнинг замонавий услубларини жорий қилиш, шу жумладан, рақамли ўқув воситалари ва масофавий таълим шаклини кенг қўллаш, шунингдек, таълим жараёнини умумий

* 1 — 3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

касб маҳоратини шакллантиришга йўналтирилган фанлараро модуллардан фойдаланган ҳолда ташкил этиш;

ўқув дастурларининг рақамли иқтисодиёт талабларига мослашишини таъминлаш ва бу борада таълим ҳамда илмий-тадқиқот муассасалари, давлат идоралари ва тармоқ корхоналари билан ҳамкорликни ривожлантириш;

ўқувчиларнинг Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки (кейинги ўринларда — ИТ-парк) резидентлари фаолияти билан яқиндан танишиши учун шароитлар яратиш, уларнинг ушбу йўналишга қизиқишини ошириш.

4. Шундай тартиб белгилансинки, унга мувофиқ бириктирилган ихтисослаштирилган мактабларда:

олий таълим муассасалари — ўқув жараёнини методик қўллаб-қувватлайди, юқори малакали профессор-ўқитувчиларни ва иқтидорли талабаларни таълим жараёнига жалб этади, маҳорат дарслари ва тўғарақларни ташкил этади;

ишлаб чиқариш корхоналари — «устоз-шоғирд» анъаналари асосида ўқувчиларнинг назарий билимлари ва кўникмаларини мустаҳкамлайди, ўқув ва амалий машғулотлар, шу жумладан, маҳорат дарслари ўтказилишига кўмаклашади;

илмий ва инновация марказлари, тармоқ корхоналари — илм-фанни ўқув жараёни билан интеграция қилиш, ўқитувчилар томонидан таълим жараёнида илмий ишлар натижаларидан самарали фойдаланиш учун шароитлар яратади, уларнинг ахборот технологиялари соҳасидаги тадқиқотлар ва илмий ишларга бўлган қизиқишини ошириш бўйича чоралар кўради.

5. Халқ таълими вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

а) 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб:

ихтисослаштирилган ва бошқа умумтаълим мактабларида «Информатика ва ахборот технологиялари» фанининг «Бир миллион дастурчи» лойиҳасига оид ўқув дастурлари билан босқичма-босқич интеграция қилинишини таъминласин;

ўқувчилари «Бир миллион дастурчи» лойиҳаси доирасида ўқув курсларини муваффақиятли якунлаган давлат умумтаълим мактабларининг 100 нафар энг яхши «Информатика ва ахборот технологиялари» фани ўқитувчиларини Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси ва ИТ-паркнинг маблағлари ҳисобидан ҳар йили базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 баравари миқдорида бир марталик мукофотлаш тизimini жорий қилсин;

б) умумий ўрта таълимнинг ўқув дастурини ишлаб чиқиш доирасида «Информатика ва ахборот технологиялари» фани бўйича ўқув дастурларини ахборот технологиялари соҳасида ўқитишнинг замонавий тенденцияларига мувофиқлаштирсин;

в) 2021 йил 1 декабрга қадар 2021 — 2023 йилларда ихтисослаштирилган мактабларни ташкил этиш, шу жумладан, харажатларни молиялаш-

тиришнинг аниқ механизмларини назарда тутувчи манзилли дастурни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Ихтисослаштирилган мактабларга бириктирилган ташкилотларнинг ушбу мактабларни муқобил дарслик ва қўлланмалар билан таъминлаш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ўқитувчилари малакасини оширишда амалий ёрдам кўрсатиш бўйича ташаббуси қўллаб-қувватлансин.

Белгилансинки, ихтисослаштирилган мактабларни реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, уларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш, шу жумладан, уларни замонавий жиҳозлар, мебель, компьютер ва ташкилий техника билан жиҳозлаш, шунингдек, ўқув адабиётлари, методик қўлланмалар ва бошқа воситалар билан таъминлаш қуйидаги маблағлар ҳисобидан амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 ноябрдаги «Замонавий мактаб»ларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4537-сон қароридagi умумий ўрта таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлашнинг асосий параметрларида назарда тутилган молиялаштириш манбалари;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг маҳаллий бюджетлари қўшимча манбалари ва бюджетдан ташқари маблағлари;

ихтисослаштирилган мактабларга бириктирилган олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари, илмий ва инновация марказлари ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарининг ҳомийлик маблағлари;

халқаро молия институтлари ва донор ташкилотларнинг техник кўмаги ва грант маблағлари;

ҳомийлик маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

7. Халқ таълими вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда:

бир ой муддатда ихтисослаштирилган мактабларнинг директорлари учун А. Авлоний номидаги Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида замонавий таълим менежменти, шунингдек, таълим жараёнига ахборот технологияларини жорий этиш бўйича ўқув курсларини ўтказиш дастурини тасдиқласин;

2020 йил 1 декабрга қадар 2020/2021 ўқув йилида ихтисослаштирилган мактабларнинг «Информатика ва ахборот технологиялари» фани ўқитувчилари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курсларининг ўқув дастури ва ўтказиш графигини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

2021 йил 1 январга қадар Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва IT-паркда А. Авлоний номидаги Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ва халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳудудий марказларининг ахборот технология-

лари бўйича ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этсин;

2021 йил 1 январдан бошлаб А. Авланий номидаги Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ҳамда халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳудудий марказлари негизида умумтаълим мактабларининг «Информатика ва ахборот технологиялари» фани ўқитувчиларини ўқитиш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этсин.

8. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази Халқ таълими вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва «Ўзстандарт» агентлиги билан биргаликда 2021 йил 1 мартга қадар «Информатика ва ахборот технологиялари» фани ўқитувчиларини сертификатлаш миллий тизимини жорий қилсин.

9. Белгилансинки, 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб рақамли кўникмаларни эгаллаш даражаси бўйича тегишли сертификатга эга бўлган ихтисослаштирилган мактабларнинг «Информатика ва ахборот технологиялари» фани ўқитувчиларига базавий тариф ставкасининг 50 фоизи миқдорида ҳар ойлик устама ҳақ тўланади.

10. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ахборот технологиялари йўналиши бўйича ўрта бўғин кадрларини тайёрлайдиган техникумларга 4-иловага* мувофиқ ишлаб чиқариш корхоналарини бириктириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин. Бунда ушбу корхоналар томонидан қуйидагилар амалга оширилиши назарда тутилади:

техникумлар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни компьютер ва бошқа жиҳозлар, дарсликлар ва замонавий адабиётлар билан таъминлашда доимий асосда амалий ёрдам кўрсатиш;

техникумларда ўқувчиларни, шу жумладан, ахборот технологиялари соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш бўйича корхоналарнинг йиллик тармоқ буюртмасини шакллантириш;

техникумларда Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети, Тошкент шаҳридаги Инха университети ва Тошкент шаҳридаги Амита университети ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда, шу жумладан, масофавий ўқитиш орқали ўқув машғулотларини ўтказишга кўмаклашиш.

11. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги:

а) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги билан биргаликда 2021/2022 ўқув йилидан Тошкент вилоятида Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг филиалини ташкил этсин.

Вазирлар Маҳкамаси 2021 йил 1 январга қадар Тошкент вилоятида Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг филиали фаолиятини ташкил этиш бўйича Ҳукумат қарорини қабул қилсин;

* 4-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

б) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда ҳар бир ҳудудда ахборот технологиялари ва коммуникациялари йўналишлари бўйича кадрларни тайёрлаш учун техникумлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Ҳукумат қарори лойиҳасини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг:

олий таълим муассасаларининг тегишли таълим йўналишлари талабалари ўртасида информатика, дастурлаш ва ахборот технологиялари соҳаларида ўтказиладиган республика фан олимпиадалари ғолиблари, шунингдек, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан белгиланадиган нуфузли халқаро олимпиадалар совриндорлари бўлган талабаларни олий таълим муассасаларининг тегишли магистратура йўналишларига ажратилган квота доирасида давлат грантлари асосида имтиҳонсиз қабул қилиш;

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб информатика ва ахборот технологиялари йўналишларида кадрлар тайёрлаётган барча олий таълим муассасалари томонидан умумтаълим мактаблари битирувчи синфлари ўқувчилари ўртасида «Информатика ва ахборот технологиялари» фани бўйича кўп босқичли (туман (шаҳар) — вилоят — олий таълим муассасаси) ўз олимпиадасини ўтказиши ва 1 — 3-ўринларни эгаллаган ўқувчиларни биринчи ўқув йили учун тўлов олий таълим муассасаларининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳолда имтиҳонсиз ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

13. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2021 йилдан бошлаб «Информатика ва ахборот технологиялари» фани бўйича халқаро олимпиадалар ғолибларини тайёрлаган профессор-ўқитувчиларни олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан бир ойлик маош миқдорида бир марталик мукофотлаш тизими жорий этилади.

Бунда, олий таълим муассасаси ўз молиявий имкониятларидан келиб чиқиб, олимпиадаларнинг ғолиблари томонидан эгалланган ўринга қараб, уларни тайёрлаган профессор-ўқитувчиларни қўшимча мукофотлаш тизimini жорий этиш ҳуқуқига эга.

14. Олий таълим муассасаларининг ўқув дастури доирасида психология-педагогика фанларини ўрганган информатика ва ахборот технологиялари йўналиши битирувчиларига ихтисослаштирилган мактаблар ва умумтаълим мактабларида «Информатика ва ахборот технологиялари» фанларини ўқитишга рухсат берилсин.

15. Белгилаб қўйилсинки:

олий таълим муассасаларининг информатика ва ахборот технологиялари билан боғлиқ таълим йўналишлари бўйича имтиёзли дипломга эга бўлган битирувчилари мазкур олий таълим муассасаларининг магистратурасига кириш имтиҳонларисиз тўлов-контракт асосида қабул қилинади;

умумтаълим мактабларининг «Информатика ва ахборот технологияла-

ри» фани бўйича ўрта махсус маълумотли ва камида бир йил педагогик иш стажига эга ўқитувчилари Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетига педагогика йўналиши бўйича масофавий ўқитиш шаклида тўлов-контракт асосида кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

16. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 январга қадар қуйидагиларни жойлаштириб боришни назарда тутувчи «Ўзбекистоннинг IT-истеъдодлари» порталини ишга туширсин:

ахборот технологиялари соҳасидаги халқаро ва тармоқ олимпиадалари, компьютерда дастурлаш ва киберспорт бўйича хакатонлар роилибларининг мунтазам реестри;

«Бир миллион дастурчи» дастурини амалга оширишнинг ҳолати, ахборот технологиялари ва компьютерда дастурлаш соҳасида ўтказиладиган олимпиадалар, танловлар ва акциялар тўғрисида маълумотлар;

ахборот технологиялари ва компьютерда дастурлаш соҳасига ихтисослаштирилган марказлар, мактаблар ва бошқа таълим муассасалари, шунингдек, ўтказиладиган ўқув курслари, тўғараклар ва тренинглари тўғрисидаги батафсил маълумотлар.

17. Ахборот технологиялари соҳасидаги илмий ва инновация марказларининг истиқболли лойиҳаларини тижоратлаштиришни ташкил этиш дастури (кейинги ўринларда — Тижоратлаштириш дастури) 5-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар Тижоратлаштириш дастурида белгиланган чора-тадбирларни мувофиқлаштиришни таъминласин.

Тижоратлаштириш дастури илмий ишланмаларни тижоратлаштиришга масъул ташкилотларнинг ўз маблағлари, Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Илмий ва илмий-техник фаолият натижаларини тижоратлаштириш Президент жамғармасининг маблағлари, Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси томонидан ушбу мақсадларга ажратилган маблағлар, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбаларнинг маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши белгилансин.

18. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда, шу жумладан, рақамли технологиялар ўқув марказларини жалб этган ҳолда аҳолини меҳнат бозорида ахборот технологиялари ҳамда Интернет тармоғи орқали кўрсатиладиган аутсорсинг хизматлари соҳасидаги талаб юқори бўлган касблар ва тадбиркорлик асосларига ўқитишни ташкил этсин.

19. Молия вазирлиги ушбу қарорни жорий йилда амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш учун зарур маблағларни 2020 йилга

* 5-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тасдиқланган бюджет параметрлари доирасида ажратсин, 2021 йилдан бошлаб эса келгуси йил Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутсин.

20. Мазкур қарорда белгиланган вазифалар ва чора-тадбирларнинг сифатли ҳамда ўз вақтида бажарилишини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилишнинг қуйидаги тартиби ўрнатилсин:

халқ таълими вазири Ш. Шерматов, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги директори С. Бабаходжаев — умумий ўрта таълим муассасаларида «Информатика ва ахборот технологиялари» фанини ўқитиш сифатини ошириш, ҳудудларда ихтисослаштирилган мактаблар фаолиятини самарали ташкил этиш ва ёшларни халқаро олимпиадаларга тайёрлашни таъминлайди;

олий ва ўрта махсус таълим вазири И. Мажидов, ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш. Садиқов, тегишли олий таълим муассасалари ректорлари — ўрта махсус, профессионал таълим муассасаларида, фаолият юритаётган ва янги ташкил этиладиган ихтисослаштирилган мактабларда «Информатика ва ахборот технологиялари» фанини самарали ўқитишни ва уларга ўқув-услубий ёрдам кўрсатишни мувофиқлаштиради;

инновацион ривожланиш вазири И. Абдурахмонов, ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш. Садиқов, тегишли илмий ва олий таълим муассасалари раҳбарлари — ёшларни информатика ва ахборот технологиялари соҳасида илмий-тадқиқотга жалб қилиш ва олимларни рағбатлантириш, уларнинг ишлаб чиқариш тармоқларида мавжуд муаммоларнинг илмий ечимига қаратилган дастурий маҳсулотларни яратишига кўмаклашиш юзасидан тизимли ва кенг қамровли ишларни ташкиллаштиради;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Мусаев, Бош вазир маслаҳатчиси — ИТ-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи О. Умаров — мазкур қарорда белгиланган вазифалар ва чора-тадбирларнинг сифатли ва ўз вақтида амалга оширилиши устидан тизимли назоратни ташкил этади.

21. Халқ таълими вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

22. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 6 октябрь,
ПҚ-4851-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**447 Тошкент шаҳрида «А.И. Герцен номидаги Россия давлат педагогика университети» Федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси филиалини ташкил этиш тўғрисида***

Мактабгача таълим соҳаси учун юқори малакали педагог кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, ривожланган хорижий мамлакатларнинг етакчи олий таълим ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтириш, таълим муассасаларининг олий маълумотли педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида:

1. Мактабгача таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда «А.И. Герцен номидаги Россия давлат педагогика университети» Федерал давлат бюджети олий таълим муассасасининг (Россия Федерацияси) (кейинги ўринларда — Университет) Тошкент шаҳрида «А.И. Герцен номидаги Россия давлат педагогика университети» Федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси филиалини (кейинги ўринларда — Филиал) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар Филиал фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

худудлар, таълим ташкилотлари ва таълим соҳасидаги бошқарув органларининг олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжлари асосида халқаро таълим стандартларига мувофиқ бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича юқори малакали педагог кадрларни тайёрлаш;

замонавий таълим дастурлари, ўқитиш услубларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш, ўқув жараёнига илғор педагогик ва ахборот технологияларини ҳамда фаннинг сўнгги ютуқларини татбиқ этиш, педагогик салоҳиятни ривожлантириш;

мактабгача таълим, коррекцион педагогика, психология соҳалари ҳамда бошқа илмий-методик тармоқлар бўйича тадқиқотлар ўтказиш, ўқув жараёни сифатини яхшилашга йўналтирилган мақсадли инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ўқув жараёнига масофавий таълим технологияларини кенг жорий этиш, электрон таълим ресурсларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ қилиш;

хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим ташкилотлари, илмий-тадқиқот марказлари ва бизнес-ҳамжамиятлари билан таълим ҳамда илм-фан соҳаларида узоқ муддатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш.

3. Белгилаб қўйилсинки, Филиал:

кадрларга бўлган эҳтиёжларни инобатга олган ҳолда дунёда умумэтироф этилган олий таълимнинг сифатига қўйиладиган талабларга мос таълим дастурлари асосида барча даражадаги мутахассислар ва илмий-педаго-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 9 октябрда эълон қилинган.

гик кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширади;

таълим жараёнини Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Мактабгача таълим вазирлиги билан келишган ҳолда Университет томонидан тасдиқланадиган ўқув режа ва дастурлари асосида рус тилида, кейинчалик бошқа тилларда ҳам олиб боради;

кадрлар тайёрлашни кундузги, кейинчалик сиртки таълим шаклида олиб боради;

таълим фаолиятини 2021/2022 ўқув йилидан бошлайди;

абитуриентларни қабул қилиш ва битирувчиларни аттестациядан ўтказишни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишган ҳолда Университет томонидан белгиланган талаблар ва қоидаларга мувофиқ амалга оширади;

битирувчиларга Ўзбекистон Республикасида олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат сифатида тан олинadиган Университетнинг белгиланган намунадаги дипломини беради.

4. Маълумот учун қабул қилинсинки, Университет:

Филиалга таълим жараёнига педагогик ва ахборот технологиялари, педагогика фанининг сўнгги ютуқларини жорий этишга ҳамда масофавий таълим технологияларини ривожлантиришга қўмаклашади;

хорижий ва маҳаллий профессор-ўқитувчиларни Филиалда дарс беришга ва илмий фаолиятга жалб этади;

Филиал профессор-ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ишларини тизимли равишда ташкил этади;

Филиалнинг кутубхона фондини шакллантиради ва уни замонавий ўқув-методик ҳамда илмий-педагогик адабиётлар билан тўлдириб боради, шу жумладан, Университет ахборот-ресурс базасидан фойдаланиш имкониятини яратади;

Филиални зарур ўқув, лаборатория ва илмий асбоб-ускуналар, жумладан, коррекцион педагогика ва психология фанларидан ўқитишнинг замонавий ўқув воситалари билан жиҳозлашни таъминлайди.

5. Қуйидагилар:

Тошкент шаҳридаги «А.И. Герцен номидаги Россия давлат педагогика университети» Федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси филиалини ташкил этиш бўйича ташкилий комиссия таркиби 1-иловага* мувофиқ;

Тошкент шаҳридаги «А.И. Герцен номидаги Россия давлат педагогика университети» Федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси филиалининг Васийлик кенгаши таркиби 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

6. Ташкилий комиссияга қуйидаги вазифалар юклатилсин:

Филиал фаолиятини ташкил этиш ишларини бошқариш, унинг тўлақонли фаолият юритиши билан боғлиқ ташкилий, молиявий, ҳуқуқий, иқтисодий, ўқув-методик, моддий-техник таъминлаш ва бошқа масалаларни ҳал қилиш;

Филиал фаолиятини ташкил этиш масалалари бўйича Университет раҳбарияти билан музокаралар олиб бориш ва ўзаро ҳамкорлик қилиш;

Филиалнинг бино ва иншоотлари бўйича зарур лойиҳа, қурилиш-мон-

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

таж ва таъмирлаш-тиклаш ишларини олиб бориш ҳамда жиҳозлаш, инфра-тузилмасини яратиш, моддий-техник таъминлашга доир тармоқ жадвалларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

Филиал фаолиятини ташкил этиш бўйича тасдиқланган жадвалларда белгиланган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан мунтазам назорат қилиш ва мониторинг олиб бориш.

7. Қуйидагилар Васийлик кенгашининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

таълим жараёнини, талабаларнинг ўқув ҳамда педагогик амалиётини самарали ташкил этиш ва такомиллаштириш, бакалавр ва магистрлар тайёрлаш сифатини тизимли равишда ошириш, Филиал битирувчиларини ишга жойлаштириш, меҳнат бозорининг кейинги ривожини ҳисобга олган ҳолда, мутахассислар ва илмий-техник кадрлар тайёрлашнинг истикболли йўналишларини белгилашда кўмаклашиш;

Филиал фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлаш учун хайрия, техник кўмак маблағларини (грантларни) ва бошқа бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш;

Филиалнинг моддий-техник, ўқув-методик базасини мустаҳкамлаш, уни замонавий ўқув-лаборатория ускуналари ва ўқув-методик адабиётлар билан жиҳозлаш, ижтимоий инфратузилмасини яхшилашга кўмаклашиш;

талабаларни, энг аввало, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш, иқтидорли талабаларни ўқитиш учун стипендиялар ажратиш, талабаларнинг яшаш шароитларини яхшилаш ва яшаш жойларида бўш вақтларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, шунингдек, уларнинг дам олишлари учун зарур шарт-шароитлар яратишга кўмаклашиш;

кенг истикболли талабаларни танлов асосида Университет ва соҳага ихтисослашган хориждаги бошқа етакчи таълим ташкилотларига стажировка ўташга юбориш учун танлаб олишни ҳамда уларга хорижда таҳсил олиш учун махсус стипендиялар ажратишни ташкил этиш.

8. Белгилаб қўйилсинки:

а) Филиалга қабул параметрлари Филиал томонидан педагог кадрларга бўлган реал эҳтиёжни ҳисобга олиб, Молия вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Университет билан келишилган ҳолда тасдиқланади;

б) Филиалга талабаларни ўқишга қабул қилиш давлат гранти ҳамда тўлов-контракт асосида амалга оширилади. Бунда, давлат гранти асосида таълим олган Филиал битирувчилари уч йилдан кам бўлмаган муддатга мажбурий ишлаб бериш шарти билан Ўзбекистон Республикасининг давлат мактабгача таълим ташкилотлари ёки таълим соҳасидаги бошқарув органларига тақсимланади;

в) Филиалда ўқитишнинг тўлов-контракт миқдори Филиал томонидан Мактабгача таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Университет билан келишилган ҳолда белгиланади;

г) Филиал фаолиятини молиялаштириш қуйидаги манбалар ҳисобидан амалга оширилади:

Филиалга ўқишга қабул қилинган талабалар умумий сонининг 30 фоизидан ошмаган ҳолда давлат гранти асосида талабаларни ўқитиш учун Мактабгача таълим вазирлигига ажратиладиган Давлат бюджети маблағлари;

талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар; юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

Васийлик кенгаши қарорлари асосида шакллантириладиган маблағлар; халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари; конун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар;

д) Филиалга Университетдан жалб қилинадиган профессор ва ўқитувчиларнинг хизмат сафари ва меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари ўқув жараёнининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, тузилган шартномаларга мувофиқ амалга оширилади;

е) Филиалнинг дарс жараёнида фойдаланиладиган махсус ускуналар билан ишлаш кўникмасига эга, юқори малакали ходимлари учун Филиалнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан шахсий устамалар белгиланиши мумкин;

ж) жорий йилда Филиални сақлаш учун бюджет маблағлари Мактабгача таълим вазирлигига Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида ажратилади ва 2021 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади;

з) Филиалга ўқитувчилик ва илмий фаолият олиб бориш учун таклиф этиладиган хорижлик профессор-ўқитувчиларнинг яшаш ҳамда транспорт харажатларини тузиладиган шартномалар асосида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган тарифларда тўлашга рухсат берилади.

9. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қошидаги Академик лицейнинг Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй манзилида жойлашган бино ва иншоотлари оператив бошқариш ҳуқуқи билан Мактабгача таълим вазирлигига берилсин ва кейинчалик Филиал ушбу жойда текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қошидаги Академик лицей Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтига берилган Тошкент транспорт касб-ҳунар коллежининг Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20д-мавзе, 35а-уй манзилида жойлашган ўқув биносига текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида вақтинчалик жойлаштирилсин.

Белгилансинки, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қошидаги Академик лицей келгусида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Заковат кўчаси, 4-уй манзилида мазкур университетнинг ўз маблағлари ҳисобидан 2020 — 2022 йилларда қурилиши режалаштирилган янги ўқув биноларига жойлаштирилади.

10. Мактабгача таълим вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Университет билан ҳамкорликда:

а) бир ой муддатда:

Филиалнинг таъсис ҳужжатларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, шунингдек, Филиални белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказсин;

Филиалнинг тузилмаси ва штат жадвалини тасдиқласин;

б) 2021/2022 ўқув йили бошлангунига қадар Филиални танлов асосида малакали профессор-ўқитувчилар билан таъминласин.

11. Филиал жойлаштирилган бино ва иншоотларни реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича:

а) қўйидагилар:

бўйртмачи этиб — Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги Инфра-тузилмани ривожлантириш инжиниринг компанияси;

бош лойиҳачи этиб — Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги Ихтисослаштирилган лойиҳа-изланиш институти белгилансин;

б) бош пудратчи ташкилот белгиланган тартибда танлов (тендер) савдолари орқали аниқлансин.

12. Мактабгача таълим вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги мазкур қарорнинг 9-банди биринчи хатбошисида кўрсатилган бино ва иншоотларни лойиҳалаштириш, қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини 2020 йил Инвестиция дастури доирасидаги мактабгача таълим ташкилотларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича ўтказилган тендер савдолари натижаларига кўра иқтисод қилинган маблағлар ва Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига белгиланган тартибда амалга оширсин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан мазкур қарорнинг 9-банди биринчи хатбошисида кўрсатилган бино ва иншоотларни реконструкция қилишнинг 2021 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурига белгиланган тартибда киритилишини таъминласин.

13. Молия вазирлиги Филиалга иккита енгил автотранспорт, жумладан, битта хизмат ва битта навбатчи автотранспорт воситасини сақлаш учун лимит ажратсин.

14. 2023 йилнинг 1 январига қадар Филиални реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, жиҳозлаш ва унинг фаолиятини таъминлаш учун белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича олиб кириладиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ўқув ва илмий-лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси, дастурий маҳсулотлар, ўқув ва илмий-услубий адабиётлар, инвентарлар, қурилиш материаллари ва моддий-техник ресурслар божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

16. Мактабгача таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда

қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 8 октябрь,
ПҚ-4857-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 8 октябрдаги
ПҚ-4857-сон қарорига
З-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги «Мақтабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5198-сон Фармонида:

а) 2-бандда:

тўртинчи, олтинчи, саккизинчи — ўнинчи хатбошилардаги тегишли келишиқдаги «мақтабгача таълим муассасалари» сўзлари тегишли келишиқдаги «мақтабгача таълим ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги «муассасалари раҳбар» сўзлари «ташкилотлари директор» сўзи билан алмаштирилсин;

б) 3-банддаги «мақтабгача таълим муассасалари» сўзлари «мақтабгача таълим ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Мақтабгача таълим ташкилотлари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш республика ўқув-методика маркази негизида Мақтабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти (кейинги ўринларда — Институт) ташкил этилиб, Ўзбекистон Республикаси Мақтабгача таълим вазирлиги таркибига киритилсин ҳамда унга илғор хорижий тажриба асосида мақтабгача таълим ташкилотларининг директор ва мутахассисларида замонавий менежмент ва педагогик технологиялар бўйича соҳага оид билимлар ва кўникмаларни шакллантириш вазифалари юклатилсин»;

г) 6-банднинг бешинчи хатбошидаги «мақтабгача таълим муассасалари-

ни» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотларини» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5368-сон Фармонида:

2 ва 3-бандларнинг учинчи хатбошиларидаги ҳамда 5-банднинг иккинчи-учинчи хатбошиларидаги «мактабгача таълим муассасалари» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-банднинг иккинчи хатбошидаги «мактабгача таълим муассасаларида» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотларида» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги «Обод маҳалла» дастури тўғрисида»ги ПФ–5467-сон Фармони 2-бандининг саккизинчи хатбошидаги «мактабгача таълим муассасаларини» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотларини» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 августдаги ПФ–5515-сон Фармони билан тасдиқланган Тошкент шаҳрининг бошқарув тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича «Йўл харитаси»да «Тадбирлар номланиши» устуни 9-позициясидаги «мактабгача таълим муассасалари», «мактабгача таълим муассасаларини» ва «мактабгача таълим муассасаларига» сўзлари тегишинча «мактабгача таълим ташкилотлари», «мактабгача таълим ташкилотларини» ва «мактабгача таълим ташкилотларига» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 октябрдаги «Давлат мулки объектларини ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тадбиркорлик субъектларига сотиш тартибини соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–5552-сон Фармони 4-бандининг иккинчи хатбошидаги «мактабгача таълим муассасалари» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги ПФ–5618-сон Фармони билан тасдиқланган Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Концепцияси 3-бўлимининг 3, 4-бандларидаги, 6-банднинг бешинчи хатбошидаги «Мактабгача таълим муассасаларида» ва «мактабгача таълим муассасалари» сўзлари тегишинча «Мактабгача таълим ташкилотларида» ва «мактабгача таълим ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 декабрдаги «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришни мутлақо янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5887-сон Фармонида:

5-банднинг иккинчи хатбошидаги «мактабгача таълим муассасалари» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

Фармонга 1-иловининг «Субъектлар» ва «Тадбирлар» устунлари I босқичидаги «Мактабгача таълим муассасалари», «Мактабгача таълим муассасаларининг» сўзлари тегишинча «Мактабгача таълим ташкилотлари», «Мактабгача таълим ташкилотларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

Фармонга 2-илова 1-параграфнинг еттинчи ва саккизинчи хатбошиларидаги «мактабгача таълим муассасаларининг» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

Фармонга 4-илованинг «Кўрсаткичлар» устун 1-позициядаги «Мактабгача таълим муассасалари» сўзлари «Мактабгача таълим ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги ПФ-5924-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни 2025 йилгача ривожлантириш Концепцияси 5.4-бандининг иккинчи хатбошидаги «мактабгача таълим муассасаларидан» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотларидан» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 сентябрдаги «Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3261-сон қарорида:

а) 2-банднинг биринчи — бешинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Белгилаб қўйилсинки, 2018 йил 1 январдан бошлаб Тошкент, Нукус шаҳарларида, вилоятлар марказларида эксперимент тариқасида давлат-хусусий шериклик шартларида, шу жумладан, қуйидагиларни назарда тутган ҳолда янги мактабгача таълим ташкилотлари ташкил этилади:

замонавий ижтимоий-ҳаммабоп мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш мақсадида инвесторларга ер участкалари, бўш турган бинолар, шу жумладан, фаолият юритмаётган ва тарбияланувчилар сони кам бўлган давлат мактабгача таълим ташкилотларини беғараз ажратиш;

инвесторларга мактабгача таълим ташкилотларини, айниқса, шундай ташкилотларга юқори эҳтиёж мавжуд бўлган ва инфратузилмаси ривожланмаган ҳудудларда ташкил этиш учун зарур бўлган солиқ имтиёзлари ва бошқа преференцияларни, шунингдек, имтиёзли кредитларни тақдим этиш имконияти;

инвесторлар томонидан ваколатли давлат органлари билан 50 йил муддатга тузиладиган давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишув асосида лойиҳани амалга ошириш;

инвесторлар томонидан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишувда назарда тутилган шартларга, мактабгача таълим соҳасидаги давлат талабларига, санитария-гигиена нормаларига қатъий риоя этиш, келишув амал қилишининг бутун муддати давомида фаолият йўналишини сақлаб қолиш бўйича мажбуриятларни қабул қилиш, шунингдек, мактабгача таълим ташкилотлари хизмати нархининг ижтимоий ҳаммабоплигини таъминлаш;»

б) 3-банднинг биринчи хатбошидаги «мактабгача таълим муассасаларига» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 6-банднинг бешинчи — саккизинчи хатбошиларидаги тегишли келишиқдаги «мактабгача таълим муассасалари» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 сентябрдаги «Навоий вилоятининг Томди, Учкудуқ, Конимех Нурота туманлари ва Зарафшон шаҳрини комплекс ривожлантириш ҳамда аҳолиси бандлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3301-сон қарори 7-бандидаги «мактабгача таълим муассасаларида» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотларида» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3305-сон қарорида:

1-банднинг иккинчи хатбошидаги «Мактабгача таълим муассасалари раҳбар» сўзлари «Мактабгача таълим ташкилотлари директор» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-банднинг тўртинчи хатбошидаги «мактабгача таълим муассасаларида» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

қарорга 6-иловининг номидаги «Мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари» сўзлари «Мактабгача таълим ташкилотлари директорлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги «Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3413-сон қарорида:

5-банднинг еттинчи хатбошидаги «мактабгача таълим муассасаларига» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

қарорга 1-иловининг 125-бандидаги «мактабгача таълим муассасаларига» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотларига» сўзлари билан алмаштирилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 февралдаги «Давлат мактабгача таълим муассасалари ходимларининг айрим тоифалари меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3571-сон қарорида:

а) қарор номи ва муқаддимадаги «мактабгача таълим муассасалари» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-бандда:

биринчи хатбошидаги «мактабгача таълим муассасалари» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

«а» кичик бандидаги «мудирлар» сўзи «директорлар» сўзи билан алмаштирилсин;

«б» кичик бандининг тўртинчи хатбошидаги «мактабгача таълим муассасалари мудирлари» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотлари директорлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2 ва 3-бандлардаги «мактабгача таълим муассасаларида» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 4-банднинг учинчи хатбошидаги «мактабгача таълим муассасаларини» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 5-банддаги «мактабгача таълим муассасалари» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги «Мактабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3651-сон қарорида:

муқаддиманинг биринчи — бешинчи хатбошиларидаги тегишли келишиқдаги «мактабгача таълим муассасалари» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Савдо-саноат палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликнинг қуйидаги шакллари жорий этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин:

нодавлат мактабгача таълим ташкилотларининг биноларини қуриш учун бепул асосда доимий фойдаланишга ер майдонлари тақдим этиш;

нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари биноларини қуриш учун фаолият юритаётган давлат мактабгача таълим ташкилотларининг ҳудудида бепул асосда доимий фойдаланишга ер майдонлари ажратиб бериш;

мавжуд давлат мактабгача таълим ташкилотларини реконструкция қилиш ва жиҳозлаш, кейинчалик эса уларни оталиққа олиш шarti билан нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари объектларини қуриш учун бепул асосда ер майдонларини тақдим этиш;

концессия асосида қурилиш учун ер участкаси ёки реконструкция қилиш ва жиҳозлаш учун бино ажратиш;

бўш ётган давлат мулки объектларини, шу жумладан, фаолият кўрсатмаётган давлат мактабгача таълим ташкилотларининг биноларини «ноль» харид қийматида сотиш;

тўлиқ бутланмай қолган давлат мактабгача таълим ташкилотларининг фойдаланилмаётган хоналари ёки корпусларини узоқ муддатли бепул мақсадли фойдаланиш учун хусусий шерикларга топшириш;

хусусий шерикнинг мол-мулки негизида ташкил қилинган нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини моддий-техник ва молиявий таъминлаш;

оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини моддий-техник ва методик таъминлаш;

оталиқ шаклидаги хайрия фаолиятини олиб бориш.

Белгилансинки, мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ўрнатиладиган бошқа шаклларда ҳам амалга оширилиши мумкин.»;

2-бандининг иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги «муассасалари» ва

«муассасаларини» сўзлари тегишинча «ташкилотлари» ва «ташкилотларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

5-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошилари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«нодавлат мактабгача таълим ташкилотларининг ривожлантириш ва давлат-хусусий шерикликни рағбатлантириш тадбирларини молиялаштиришга йўналтириладиган маблағларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг алоҳида очиладиган ҳисобварақ (кейинги ўринларда — махсус ҳисобварақ)да жамлаш тўғрисидаги;

нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари харажатларининг бир қисmini қоплаш учун давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ташкил қилинган шундай ташкилотларга давлат мактабгача таълим ташкилотининг бир нафар тарбияланувчисига сарфланадиган сумманинг 50 фоизига қадар миқдорда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан субсидиялар ажратиш тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.»;

7-банднинг иккинчи хатбошидаги «муассасаларини» сўзи «ташкилотларини» сўзи билан алмаштирилсин;

8-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«8. Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимлар амал қилишининг қуйидаги муддатлари белгилансин:

нодавлат мактабгача таълим ташкилотларининг биноларини қуриш учун бепул асосда доимий фойдаланишга ер майдонлари тақдим этиш битими — камида 30 йил;

бўш ётган давлат мулки объектларини, шу жумладан, фаолият кўрсатмаётган давлат мактабгача таълим ташкилотларининг биноларини «ноль» харид қийматида сотиш битими — камида 30 йил;

тўлиқ бутланмай қолган давлат мактабгача таълим ташкилотларининг фойдаланилмаётган хоналари ёки корпусларини узоқ муддатли бепул мақсадли фойдаланиш учун хусусий шерикларга топшириш битими — камида 30 йил;

нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари биноларини қуриш учун фаолият юритаётган давлат мактабгача таълим ташкилотларининг ҳудудида бепул асосда доимий фойдаланишга ер майдонлари ажратиб бериш битими — камида 30 йил;

мавжуд давлат мактабгача таълим ташкилотларини реконструкция қилиш ва жиҳозлаш, кейинчалик эса уларни оталиққа олиш шarti билан нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари объектларини қуриш учун бепул асосда ер майдонларини тақдим этиш битими — камида 30 йил;

концессия асосида қурилиш учун ер майдони ёки реконструкция қилиш ва жиҳозлаш учун бино ажратиш битими — 15 йилгача;

хусусий шерикнинг мол-мулки негизида ташкил қилинган нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини моддий жиҳатдан таъминлаш битими — камида 10 йил;

оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини моддий-техник ва методик таъминлаш битими — камида 3 йил;

оталиқ шаклидаги хайрия фаолиятини олиб бориш битими — камида 1 йил.

Ўз фаолиятини олинган имтиёзли кредит асосида ёки давлат-хусусий шериклик шартларида тадбиркорлик субъектларига топширилган объектларда бошлаган нодавлат мактабгача таълим ташкилотининг фаолиятини у ташкил этилган кундан бошлаб 30 йил мобайнида қайта ихтисослаштириш тақиқланади.»;

9-банднинг биринчи, иккинчи, учинчи ва бешинчи хатбошиларидаги тегишли келишиқдаги «мактабгача таълим нодавлат муассасаси» сўзлари «нодавлат мактабгача таълим ташкилоти» сўзлари билан алмаштирилсин;

10-бандда:

иккинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги тегишли келишиқдаги «мактабгача таълим нодавлат муассасалари» сўзлари «нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «муассасаларини» сўзи «ташкилотларини» сўзи билан алмаштирилсин;

11-банднинг тўртинчи ва бешинчи хатбошиларидаги тегишли келишиқдаги «мактабгача таълим нодавлат муассасалари» сўзлари «нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари» сўзи билан алмаштирилсин;

12-банднинг учинчи хатбошидаги «муассасаларига» сўзи «ташкилотларига» сўзи билан алмаштирилсин;

13-банднинг учинчи ва бешинчи хатбошиларидаги «муассасалари» сўзи «ташкилотлари» сўзи билан алмаштирилсин;

қарорга 1-иловада:

2-банднинг еттинчи-саккизинчи, ўн учинчи-ўн тўртинчи хатбошиларидаги тегишли келишиқдаги «муассаса» сўзи «ташкилот» сўзи билан алмаштирилсин;

4-банднинг иккинчи — олтинчи, саккизинчи-тўққизинчи хатбошиларидаги тегишли келишиқдаги «муассаса» сўзи «ташкилот» сўзи билан алмаштирилсин;

8-банддаги «мактабгача таълим муассасаларини» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

17-банднинг тўртинчи — олтинчи хатбошиларидаги «муассасаси» сўзи «ташкилоти» сўзи билан алмаштирилсин;

23-банднинг тўртинчи, ўнинчи, ўн учинчи хатбошиларидаги тегишли келишиқдаги «муассасаси» сўзи «ташкилоти» сўзи билан алмаштирилсин;

29-банддаги «муассасалари» сўзи «ташкилотлари» сўзи билан алмаштирилсин;

33-банднинг тўртинчи-бешинчи хатбошиларидаги тегишли келишиқдаги «муассаса» сўзи «ташкилот» сўзи билан алмаштирилсин;

34-банднинг тўртинчи-бешинчи, саккизинчи хатбошиларидаги тегишли келишиқдаги «муассаса» сўзи «ташкилот» сўзи билан алмаштирилсин;

35-банднинг биринчи, саккизинчи-тўққизинчи хатбошиларидаги тегишли келишиқдаги «муассаса» сўзи «ташкилот» сўзи билан алмаштирилсин;

37-банднинг тўртинчи хатбошидаги «муассасаларини» сўзи «ташкилотларини» сўзи билан алмаштирилсин;

6-боб номидаги «муассасаларининг» сўзи «ташкилотларининг» сўзи билан алмаштирилсин;

38-банддаги «муассасаларини» сўзи «ташкилотларини» сўзи билан алмаштирилсин;

42-банднинг иккинчи хатбошидаги «муассасаларини» сўзи «ташкилотларини» сўзи билан алмаштирилсин;

46-банднинг учинчи хатбошидаги «муассасасининг» сўзи «ташкilotининг» сўзи билан алмаштирилсин;

47-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги «муассасасини» ва «муассасалари» сўзлари тегишинча «ташкilotини» ва «ташкilotлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

7-боб номидаги «муассасаларининг» сўзи «ташкilotларининг» сўзи билан алмаштирилсин;

48-банддаги «муассасаларининг» сўзи «ташкilotларининг» сўзи билан алмаштирилсин;

49-банддаги «муассасаларининг» сўзи «ташкilotларининг» сўзи билан алмаштирилсин;

57-банднинг учинчи хатбошидаги «муассасасининг» сўзи «ташкilotининг» сўзи билан алмаштирилсин;

58-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги «муассасаларини» ва «муассасалари» сўзлари тегишинча «ташкilotларини» ва «ташкilotлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

8-боб номидаги «муассасаларининг» сўзи «ташкilotларининг» сўзи билан алмаштирилсин;

65-банднинг учинчи хатбошидаги «муассасасининг» сўзи «ташкilotининг» сўзи билан алмаштирилсин;

66-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошидаги «муассасаларининг», «муассасасининг» ва «муассасалари» сўзлари тегишинча «ташкilotларининг», «ташкilotининг» ва «ташкilotлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

9-боб номидаги «муассасалари» сўзи «ташкilotлари» сўзи билан алмаштирилсин;

67-банддаги «муассасалари» сўзи «ташкilotлари» сўзи билан алмаштирилсин;

71-банднинг иккинчи хатбошидаги «муассасаларини» сўзи «ташкilotларини» сўзи билан алмаштирилсин;

75-банднинг учинчи хатбошидаги «муассасасининг» сўзи «ташкilotининг» сўзи билан алмаштирилсин;

76-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги «муассасаларини» «муассасаси», «муассасасини» ва «муассасалари» сўзлари тегишинча «ташкilotларини», «ташкilotи», «ташкilotини» ва «ташкilotлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

10-боб номидаги «муассасаларини» ва «муассасалари» сўзлари тегишинча «ташкilotларини» ва «ташкilotлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

77-банддаги «муассасасини» сўзи «ташкilotини» сўзи билан алмаштирилсин;

78-банддаги «муассасаси» сўзи «ташкilotи» сўзи билан алмаштирилсин;

82-банднинг иккинчи хатбошидаги «муассасаларини» сўзи «ташкilotларини» сўзи билан алмаштирилсин;

86-банднинг иккинчи — тўртинчи хатбошиларидаги «муассасасини» ва «муассасаси» сўзлари тегишинча «ташкilotини» ва «ташкilotи» сўзлари билан алмаштирилсин;

87-банддаги «муассасасига» ва «муассасалари» сўзлари тегишинча «ташкilotига» ва «ташкilotлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

88-банднинг биринчи, учинчи, тўртинчи, еттинчи, саккизинчи хатбошиларидаги тегишли келишиқдаги «муассаса» сўзи «ташкilot» сўзи билан алмаштирилсин;

90-банднинг учинчи хатбошидаги «муассасасининг» сўзи «ташкilotининг» сўзи билан алмаштирилсин;

91-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошидаги «муассасасини» ва «муассасалари» сўзлари тегишинча «ташкilotини» ва «ташкilotлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

92-банддаги «муассасаси» сўзи «ташкilotи» сўзи билан алмаштирилсин;

12-боб номидаги «муассасаларини» сўзи «ташкilotларини» сўзи билан алмаштирилсин;

93-банддаги «муассасаларини» сўзи «ташкilotларини» сўзи билан алмаштирилсин;

97-бандда:

саккизинчи хатбошидаги «муассасасининг» сўзи «ташкilotининг» сўзи билан алмаштирилсин;

тўққизинчи хатбошидаги «муассасасининг рахбарлари» сўзлари «ташкilotининг директорлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

98-банддаги «муассасалари» сўзи «ташкilotлари» сўзи билан алмаштирилсин;

13-боб номидаги «муассасаларини» сўзи «ташкilotларини» сўзи билан алмаштирилсин;

100-банднинг биринчи хатбошидаги «муассасаси» сўзи «ташкilotи» сўзи билан алмаштирилсин;

103-банднинг иккинчи, учинчи ва бешинчи хатбошиларидаги «муассасалари» ва «муассасасини» сўзлари тегишинча «ташкilotлари» ва «ташкilotини» сўзлари билан алмаштирилсин;

104-банднинг иккинчи хатбошидаги «муассасалари» сўзи «ташкilotлари» сўзи билан алмаштирилсин;

107-банддаги «муассасаларига» сўзи «ташкilotларига» сўзи билан алмаштирилсин;

110-банднинг иккинчи, учинчи ва олтинчи хатбошиларидаги «муассасасига» ва «муассасаси» сўзлари тегишинча «ташкilotига» ва «ташкilotи» сўзлари билан алмаштирилсин;

111-банднинг учинчи хатбошидаги «муассасасига» сўзи «ташкilotига» сўзи билан алмаштирилсин;

15-боб номидаги «муассасаларига» сўзи «ташкilotларига» сўзи билан алмаштирилсин;

113-банддаги «муассасасининг» сўзи «ташкilotининг» сўзи билан алмаштирилсин;

116 ва 117-бандлардаги «муассасасига» сўзи «ташкilotига» сўзи билан алмаштирилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 июндаги «Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3795-сон қарори 7-банднинг тўққизинчи хатбошидаги «мактабгача таълим муассасаси» сўзлари «мактабгача таълим ташкilotи» сўзлари билан алмаштирилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги ПҚ-3812-сон қарори билан тасдиқланган Маҳаллалар ҳудудларида аҳолига хизмат кўрсатадиган тузилма ва ташкilotларнинг тахминий рўйхати 2-бандидаги «Мактабгача таълим муассасалари» сўзлари «Мактабгача таълим ташкilotлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 июлдаги «Тошкент шаҳрида Пучон университетини ташкilot этиш тўғрисида»ги ПҚ-3821-сон қарори 4-банднинг тўртинчи хатбошидаги «мактабгача таълим муассасаларининг» сўзлари «мактабгача таълим ташкilotларининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 августдаги «Оролбўйи минтақаси болалари учун реабилитация марказига эга бўлган давлат ихтисослаштирилган кўп тармоқли мактабгача таълим муассасасини ташкilot этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3909-сон қарорида:

қарор номидаги «мактабгача таълим муассасасини» сўзлари «мактабгача таълим ташкilotини» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-банднинг иккинчи — тўртинчи хатбошиларидаги тегишли келишикдаги «мактабгача таълим муассасаси» сўзлари тегишли келишикдаги «мактабгача таълим ташкilotи» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-банднинг биринчи, учинчи, бешинчи — еттинчи хатбошиларидаги тегишли келишикдаги «муассаса» сўзи тегишли келишикдаги «ташкilot» сўзи билан алмаштирилсин;

3-банднинг учинчи хатбошидаги «муассасанинг» сўзи «ташкilotнинг» сўзи билан алмаштирилсин;

11-банддаги «муассаса» сўзи «ташкilot» сўзи билан алмаштирилсин;

12-банддаги «муассасани» сўзи «ташкilotни» сўзи билан алмаштирилсин;

қарорга илова номидаги «мактабгача таълим муассасаси» сўзлари «мактабгача таълим ташкilotи» сўзлари билан алмаштирилсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 сентябрдаги «Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3955-сон қарорида:

1-бандда:

«в» кичик банддаги «мактабгача таълим муассасаларини» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

«г» кичик банднинг тўртинчи хатбошидаги «мактабгача таълим муассасаларининг» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи қисм «а» кичик бандининг иккинчи ва еттинчи хатбошиларидаги «мактабгача таълим муассасаларини» ва «мактабгача таълим муассасалари» сўзлари тегишинча «мактабгача таълим ташкилотларини» ва «мактабгача таълим ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-банд «б» кичик бандининг иккинчи-учинчи хатбошиларидаги «мактабгача таълим муассасаси» сўзлари «мактабгача таълим ташкилоти» сўзлари билан алмаштирилсин;

5-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Марказга» сўзи «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги муассислигидаги «Ахборот ва педагогика технологиялари инновацион маркази» масъулияти чекланган жамиятга (кейинги ўринларда — Марказ)» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «мактабгача таълим муассасаларининг» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

6-банднинг иккинчи хатбошидаги «мактабгача таълим муассасалари» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

8-банддаги «мактабгача таълим муассасаси» сўзлари «мактабгача таълим ташкилоти» сўзлари билан алмаштирилсин;

9-банднинг иккинчи — бешинчи хатбошиларидаги тегишли келишикдаги «мактабгача таълим муассасаси» сўзлари тегишли келишикдаги «мактабгача таълим ташкилоти» сўзлари билан алмаштирилсин;

10-банддаги «мактабгача таълим муассасаларини» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

13-банд «б» кичик бандининг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги «мактабгача таълим муассасаси» сўзлари «мактабгача таълим ташкилоти» сўзлари билан алмаштирилсин;

16-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги «мактабгача таълим муассасалари» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

қарорга 1-иловада:

«Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти» блокадаги «Мактабгача таълим муассасалари раҳбар» сўзлари «Мактабгача таълим ташкилотлари директор» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Давлат мактабгача таълим муассасалари» блокадаги «мактабгача таълим муассасалари» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Нодавлат мактабгача таълим муассасалари» блокадаги «мактабгача

таълим муассасалари» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

қарорга 2-иловада:

«Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва стратегик ривожлантириш бош бошқармаси» блокадаги «Мактабгача таълим муассасалари» сўзлари «Мактабгача таълим ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Давлат-хусусий шериклик асосида мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бошқармаси» блокадаги «мактабгача таълим муассасалари» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Махсус мактабгача таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш, болаларни реабилитация қилиш ва соғлиғини таъминлаш бўлими» блокадаги «мактабгача таълим муассасалари» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Мактабгача таълим муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этиш бўлими» блокадаги «Мактабгача таълим муассасаларида» сўзлари «Мактабгача таълим ташкилотларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Мактабгача таълим муассасаларини жиҳозлаш бўлими» блокадаги «Мактабгача таълим муассасаларини» сўзлари «Мактабгача таълим ташкилотларини» сўзлари билан алмаштирилсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ–4038-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепцияси 6-банди «ж» кичик бандининг учинчи хатбошидаги «мактабгача таълим муассасаларида» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотларида» сўзлари билан алмаштирилсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 февралдаги «Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4185-сон қарори 2-бандининг бешинчи хатбошидаги «мактабгача таълим муассасалари» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 апрелдаги ПҚ–4273-сон қарори билан тасдиқланган «Очиқ маълумотлар глобал индекси» ва «Очиқ маълумотлар барометри» талабларига мувофиқ маълумотларнинг очиқлиги ҳолатини ўрганиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Очиқ маълумотлар порталида тегишли индикаторларни жойлаштириш учун масъул вазирликлар ва идоралар рўйхатининг «Таркибий индикаторлар» устуни 18-позициясидаги «мактабгача таълим муассасалари» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ–4312-сон қарорида:

1-банд «а» кичик бандининг олтинчи ва саккизинчи хатбошиларидаги

«муассасалари» ва «муассасаларида» сўзлари тегишинча «ташкилотлари» ва «ташкилотларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-банддаги «муассасаларини» сўзи «ташкилотларини» сўзи билан алмаштирилсин;

қарорга 1-иловада:

2-бобнинг биринчи, иккинчи, олтинчи — тўққизинчи, ўн биринчи, ўн учинчи, ўн тўртинчи, ўн саккизинчи ва ўн тўққизинчи хатбошиларидаги тегишли келишиқдаги «муассасалар» сўзи тегишли келишиқдаги «ташкилотлар» сўзи билан алмаштирилсин;

3-бобнинг еттинчи, тўққизинчи хатбошиларидаги «муассасалари» ва «муассасаларида» сўзлари тегишинча «ташкилотлари» ва «ташкилотларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-параграфнинг бешинчи, еттинчи, тўққизинчи, ўн иккинчи хатбошиларидаги «муассасалари» сўзи «ташкилотлари» сўзи билан алмаштирилсин;

2-параграфнинг биринчи, бешинчи, олтинчи, ўн олтинчи хатбошиларидаги тегишли келишиқдаги «муассасалар» сўзи «ташкилотлар» сўзи билан алмаштирилсин;

3-параграфнинг биринчи, учинчи, олтинчи, еттинчи, тўққизинчи, ўн биринчи, ўн учинчи, ўн тўртинчи, йигирманчи — йигирма учинчи хатбошиларидаги тегишли келишиқдаги «муассасалар» сўзи «ташкилотлар» сўзи билан алмаштирилсин;

4-параграфнинг иккинчи, тўртинчи, саккизинчи, ўн биринчи, ўн тўртинчи хатбошиларидаги тегишли келишиқдаги «муассаса» сўзи «ташкилот» сўзи билан алмаштирилсин;

5-параграф номидаги, учинчи, тўртинчи, олтинчи, ўн иккинчи — ўн бешинчи хатбошиларидаги тегишли келишиқдаги «муассасалар» сўзи «ташкилотлар» сўзи билан алмаштирилсин;

6-параграфда:

учинчи хатбошидаги «таълим муассасалари» ва «муассасалари раҳбарлари» сўзлари «таълим ташкилотлари» ва «ташкилот директорлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн бешинчи хатбошидаги «таълим муассасалари раҳбарларига» сўзлари «таълим ташкилотлари директорларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

7-параграф номидаги, биринчи, иккинчи, учинчи, бешинчи, олтинчи, еттинчи, саккизинчи хатбошиларидаги тегишли келишиқдаги «муассаса» сўзи «ташкилот» сўзи билан алмаштирилсин;

4-бобнинг тўртинчи, бешинчи, ўн биринчи хатбошиларидаги тегишли келишиқдаги «муассаса» сўзи «ташкилот» сўзи билан алмаштирилсин.

Концепцияга илова* қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 августдаги «Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4422-сон қарори 4-бандининг «б» кичик банди биринчи

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

хатбошидаги «мактабгача таълим муассасалари» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 сентябрдаги ПҚ-4447-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомнинг 199-бандидаги «мактабгача таълим муассасалари» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ****448 Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳисоб-
китоблар клиринг тизими тўғрисидаги низомга ўзгар-
тириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
28 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2570-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2014 йил 21 февралдаги 4/4-сон қарори (рўйхат рақами 2570, 2014 йил 4 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 14-сон, 160-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳисоб-китоблар клиринг тизими тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 25 август,
18/11-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 28 сентябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2020 йил
25 августдаги 18/11-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг
ҳисоб-китоблар клиринг тизими тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Муқаддимадаги «Электрон тўловлар тўғрисида» деган сўзлар «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

клиринг — электрон тўловларни йиғиш, ишлов бериш, тасдиқлаш ва юритиш ҳамда Клиринг тизими иштирокчиларининг соф позицияларини амалга ошириш жараёни;

клиринг сессияси — Клиринг тизимида клиринг амалга оширилиши учун ўрнатилган вақт;

якуний ҳисоб-китоб — тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Ҳисоб-китоблар марказида очилган вакиллик ҳисобварақлари орқали Клиринг тизимида амалга оширилган ҳисоб-китоб;

Клиринг тизими фойдаланувчилари — маблағларни тўловчи ва маблағларни олувчилар;

электрон тўлов — Клиринг тизими орқали нақд пулсиз шаклда амалга ошириладиган тўлов;

электрон тўлов бўйича хабар — Клиринг тизимидаги ҳисоб-китобларга оид электрон ахборот;

соф позиция — Клиринг тизими иштирокчисининг клиринг сессияси даврида тўловлар бўйича мажбуриятлар ва талабларнинг фарқи (иштирокчининг бошқа барча иштирокчилардан олган тўловлари йиғиндисидан ушбу иштирокчининг бошқа барча иштирокчиларга юборган тўловлари йиғиндисининг айирмаси);

биллинг тизими — истеъмолчиларнинг реквизитлари ва етказиб берилган товар ва кўрсатилган хизматлар бўйича тарификациялашнинг ҳисобини юритувчи ахборот тизими.».

3. 2-банддан «чакана» деган сўз чиқариб ташлансин.

4. 3-банддаги «электрон тўлов ҳужжатлари ва электрон тўлов» деган сўзлар «электрон тўлов ҳужжатлари (бундан буён матнда ЭТХ деб юритилади) ва электрон тўлов» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 2-бобнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«2-боб. Клиринг тизимида иштирок этиш ва
ундан чиқиш».**

6. 4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида (бундан буён матнда Марказий банк деб юритилади) вакиллик ҳисобварағига эга бўлган ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Ахборотлаштириш Бош маркази (бундан буён матнда АБМ деб юритилади) билан Клиринг тизимида иштирок этиш тўғрисида шартнома тузган тижорат банклари Клиринг тизими иштирокчилари ҳисобланади.

Тўлов тизимлари операторлари ҳамда тўлов ташкилотлари ҳам АБМ билан тузилган шартнома асосида Клиринг тизими иштирокчиси бўлишлари мумкин.».

7. 5-банддаги «аъзолари» ва «аъзолигидан» деган сўзлар тегишли равишда «иштирокчилари» ва «иштирокчилигидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 3-бобнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«3-боб. Клиринг тизими иштирокчилари, тўлов
хизматларидан фойдаланувчилар ҳамда АБМнинг
ҳуқуқ ва мажбуриятлари».**

9. 6-банддаги «аъзолари» деган сўз «иштирокчилари» деган сўз билан алмаштирилсин.

10. 7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Клиринг тизими иштирокчиси:

тўлов тизимидан фойдаланувчининг ҳисобварағига тушадиган пул маблағларини қабул қилиши ва ҳисобга киритиши, унинг тегишли суммаларни ўтказиш тўғрисидаги топшириқларини бажариши;

тўлов хизматларини етказиб берувчи тўлов хизматларини фақат тўлов хизматларидан фойдаланувчининг фармойишида назарда тутилган шартларга мувофиқ кўрсатиши;

тўлов хизматларидан фойдаланувчининг фармойиши шартлари ва у тақдим этган реквизитларга ўзгартириш киритмаслиги;

тўловчи томонидан тақдим этилган фармойишга мувофиқ ҳолда тўловларни амалга ошириши;

ўзининг айби билан нотўғри амалга оширилган операцияларни тиклаши ёки тузатиши;

тўлов тизимидан фойдаланувчига унинг ҳисобварағига оид ахборотни шартномада белгиланган муддатларда қоғозда ёки электрон шаклда тақдим этиши;

тўлов хизматларини етказиб берувчи тўлов хизмати кўрсатилганидан сўнг тўлов хизматларидан фойдаланувчига тўлов хизмати кўрсатилганлиги фактини тасдиқловчи ҳужжатни қоғозда ёки электрон шаклда тақдим этиши;

якуний ҳисоб-китоб қилиш учун вакиллик ҳисобварағининг ликвидлигини таъминлаши;

ЭТҲ ва электрон тўлов бўйича хабарларни шакллантириши ҳамда Клиринг марказига узатиши шарт.».

11. Қуйидаги мазмундаги 8¹-банд билан тўлдирилсин:

«8¹. Биллинг тизимига эга бўлган Клиринг тизими фойдаланувчилари — маблағларни олувчилар АБМ томонидан белгиланадиган талабларни бажарган ҳолда Клиринг тизимига уланишлари ва ўзларининг фойдаларига ўтказиладиган тўловлар бўйича электрон маълумот алмашинуви жараёнида иштирок этишлари мумкин.

Улар ўртасидаги муносабатлар шартномалар асосида ҳамда маълумот алмашинуви технологик йўриқномаларга мувофиқ амалга оширилади.».

12. 9-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «аъзосига» деган сўз «иштирокчисига» деган сўз билан алмаштирилсин.

13. 10 ва 11-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. АБМ Марказий банк билан шартнома асосида Клиринг тизими фаолият юритиши бўйича техник, дастурий ва эксплуатация хизматларини кўрсатади.

Клиринг тизимининг узлуксиз ишлаши, ЭТХ ва хабарларига ўз вақтида ишлов берилиши, ахборотнинг тўлиқлиги, хавфсизлиги ва махфийлигини таъминлаш АБМ зиммасига юклатилади. АБМ кўрсатилган хизматлар учун Клиринг тизими иштирокчиларидан шартномада белгиланган миқдорда ҳақ олиш ҳуқуқига эга.

11. АБМ, Клиринг тизими иштирокчилари ва фойдаланувчилари ўртасидаги муносабатлар тегишли қонун ҳужжатлари ва шартномалар билан тартибга солинади.

Клиринг тизими қоидалари Марказий банк томонидан АБМ билан келишилган ҳолда белгиланади.».

14. Қуйидаги мазмундаги 11¹ ва 11²-бандлар билан тўлдирилсин:

«11¹. Клиринг тизимига уланган банкнинг вакиллик ҳисобварағида етарли маблағ мавжуд бўлмаса ёки ликвидлилик кўрсаткичининг кескин тушиб кетиши кузатилса, АБМ Марказий банкнинг кўрсатмасига асосан мазкур банк ва ушбу банк орқали якуний ҳисоб-китобни амалга оширадиган тўлов хизматларини етказиб берувчилар томонидан Клиринг тизими орқали тўловлар амалга оширилишини камчиликлар бартараф этилгунга қадар чеклаши мумкин.

11². Клиринг тизими орқали тўловларни қабул қилишга тааллуқли техник ҳужжат ёки дастурий таъминотга ўзгартириш киритилса, Клиринг тизими фойдаланувчилари бу ҳақда уч иш кунидан кечиктирмай хабардор қилинади.».

15. 12-банддаги «аъзоларнинг» деган сўз «иштирокчиларнинг» деган сўз билан алмаштирилсин.

16. 13-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13. Клиринг тизими иштирокчиларининг ахборот тизимлари автоматлаштирилган иш жойи шаклида бўлиб, ЭТХ ва хабарларини олиш, тайёрлаш ва Клиринг тизимига узатиш ҳамда мониторинг олиб бориш учун мўлжалланган.».

17. 14-банддаги «аъзоларининг» деган сўз «иштирокчиларининг» деган сўз билан алмаштирилсин.

18. 15-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15. Клиринг тизими иштирокчилари ва фойдаланувчилари Клиринг тизими орқали маълумот алмашинувини амалга оширишда ахборот хавфсизлигини таъминлашга доир қонунчилик талабларини бажаришлари шарт.».

19. 16-банддаги «электрон тўлов ҳужжатлари» деган сўзлар «ЭТХ» деган аббревиатура билан алмаштирилсин.

20. 17-банддаги «аъзолар» деган сўз «иштирокчилар» деган сўз билан алмаштирилсин.

21. 18 — 20-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18. Клиринг тизимида электрон тўловлар узлуксиз (дам олиш кунларисиз) туну кун (24/7) режимида онлайн тарзда амалга оширилади.

19. Клиринг сессияси бошланишидан олдин Клиринг тизими иштирокчисининг Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи ижобий қолдиққа эга бўлиши шарт. Банклар Клиринг тизимида тўловлар узлуксизлигини таъминлаш мақсадида ўз вакиллик ҳисобварақларидаги ликвидликка жавобгар ҳисобланади.

20. Клиринг тизимида тўлов хизматларидан фойдаланувчининг реквизитларига аниқлик киритиш учун АБМ Клиринг маркази томонидан биллинг тизимларига сўровнома юборилиши ва олинган маълумотлар асосида ЭТХга ўзгартириш киритиш учун тизим иштирокчилари ва тўлов хизматларидан фойдаланувчиларга тақдим қилиниши мумкин.».

22. Қуйидаги мазмундаги 20¹ — 20⁶-бандлар билан тўлдирилсин:

«20¹. Ўзбекистон Республикасининг «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги Қонунининг 13-моддасида келтирилган тўлов хизматларини етказиб берувчилар тўлов хизматларидан фойдаланувчининг реквизитлари тўғрисидаги Клиринг тизими орқали олинган маълумотларнинг ЭТХда тўлиқ акс эттирилиши учун жавобгардир.

20². Клиринг тизими иштирокчилари томонидан тўловларни амалга ошириш мақсадида узатиладиган ЭТХ Марказий банкдан олинган электрон рақамли имзо билан тасдиқланган бўлиши керак.

20³. Клиринг тизими орқали тўловларни амалга ошириш учун шакллантирилган ЭТХнинг мажбурий реквизитлари қуйидагилардан иборат:

- 1) тўлов амалга оширилган сана ва вақт (соат, дақиқа, сония);
- 2) ЭТХ рақами;
- 3) тўловчининг номи;
- 4) тўловчининг банк ҳисобварағига оид маълумотлар;
- 5) электрон тўлов бланкасининг тартиб рақами;
- 6) тўловнинг Клиринг тизимидаги тартиб рақами;
- 7) ЭТХга Клиринг тизими аъзосининг (тўлов хизматларини кўрсатувчининг) ахборот тизимида бириктирилган рўйхат рақами;
- 8) тўлов суммаси;
- 9) олувчининг номи;
- 10) олувчининг ҳисобварағига оид маълумотлар;
- 11) тўлов мақсади;
- 12) хизматлар етказиб берувчининг (маблағ олувчининг) Клиринг тизимидаги коди;

13) хизматлар етказиб берувчи фойдасига қабул қилинадиган тўлов тури коди.

20⁴. Клиринг тизими фойдаланувчилари – маблағларни олувчилар фойдасига шакллантириладиган ЭТХ реквизитлари таркибига тегишли маблағ олувчи билан келишилган ҳолда қўшимча реквизитлар киритилиши мумкин.

20⁵. Клиринг тизими орқали тўловни амалга ошириш истагида бўлган жисмоний шахслар Клиринг тизими иштирокчиларига тўловни амалга ошириш учун керак бўладиган, маблағларни олувчи томонидан берилган реквизитларни бевосита мурожаат қилганда қоғоз шаклида ёки масофавий хизмат кўрсатиш тизимлари орқали электрон шаклда тақдим қиладилар.

20⁶. Тўлов амалга оширилганлигини тасдиқлаш мақсадида, ЭТХнинг қоғоз ёки электрон шаклдаги нусхаси тўловчига тақдим этилиши ёхуд ЭТХнинг реквизитларига оид маълумотлар мижоз тақдим этган ҳужжатга чоп этиб берилиши шарт.».

23. 21 ва 22-бандлардаги «электрон тўлов ҳужжатлари» деган сўзлар «ЭТХ» деган аббревиатура билан алмаштирилсин.

24. 23 ва 25-бандлардаги «аъзоларига» деган сўз «иштирокчиларига» деган сўз билан алмаштирилсин.

25. 26-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«26. Тўловлар бўйича маблағларни банк ҳисобварағига ўтказиш тартиби ҳамда воситачилик ҳақлари миқдори Клиринг тизими иштирокчилари ва пул маблағларини олувчилар ўртасида тузиладиган шартномага асосан белгиланади.

Клиринг тизими орқали тўловлар амалга оширилганлиги учун ундириладиган хизмат ҳақини ўзгартириш ҳақида қарор қабул қилинганда, Марказий банк ўзининг расмий веб-сайтида уч иш кунидан кечикмай эълон жойлаштиради ва бу ўзгартириш Марказий банкнинг расмий веб-сайтида эълон қилинганидан ўн беш кун ўтгач тўлов тизими оператори ва иштирокчилари томонидан қўлланилади.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

449 Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 29 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1545-3

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2006 йил 17 январдаги 1/3-сон қарори (рўйхат рақами 1545, 2006 йил 14 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 6-7-сон, 48-модда) билан тасдиқланган Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 25 август,
18/10-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2020 йил
25 августдаги 18/10-сон қарорига
ИЛОВА

Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча

1. Муқаддимадаги «Электрон тўловлар тўғрисида» деган сўзлар «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 1-бандда:

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 29 сентябрда эълон қилинган.

1-кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) **Марказий банкнинг Ҳисоб-китоблар маркази** (кейинги ўринларда — МБ ҲКМ) — бу Банклараро тўлов тизими таркибига кирувчи Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ахборот тизими бўлиб, унинг функцияларига тижорат банкларининг Бош офисларига (кейинги ўринларда — банklar) ва Марказий банкка вакиллик ҳисобварақларини очиш ва хизмат кўрсатиш ҳамда улар ўртасида электрон тўловларнинг белгиланган вақт давомида узлуксиз амалга оширилишини таъминлаш киради;»;

3-кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3) **Марказий банкнинг Ахборотлаштириш Бош маркази** (кейинги ўринларда — АБМ) — Марказий банк билан тузиладиган шартномага асосан банклараро тўлов тизимига техник, дастурий ва эксплуатацион хизматларини таъминлайдиган марказ;»;

5-кичик банддаги «Электрон тўлов ҳужжати пул-ҳисоб-китобга» ва «Электрон тўлов ҳужжати» деган сўзлар тегишли равишда «ЭТХ тўловга» ва «ЭТХ» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6-кичик банддаги «бошқа банк адресига» деган сўзлар «бенефициар банкка» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 3-банднинг «л» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«л) электрон тўловлар суммасининг миқдори бўйича чеклов ўрнатилмаслиги.».

4. 4 — 6-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Марказий банк билан АБМ ўртасида тузиладиган шартнома асосида Банклараро тўлов тизими фаолият юритишини техник, дастурий ва эксплуатацион хизматлари таъминоти АБМ зиммасига юклатилади.

5. АБМ билан тузиладиган шартнома асосида МБ ҲКМ орқали электрон тўловларни амалга оширувчи банklar банklarаро тўлов тизимининг иштирокчилари ҳисобланади.

6. Банклараро тўлов тизими иштирокчилари бўлган банklar — тўлов хизматларини етказиб берувчиларнинг тўлов хизматларидан фойдаланадиган жисмоний ва юридик шахслар банklarаро тўлов тизимининг фойдаланувчилари ҳисобланади.».

5. 8 ва 9-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Банклараро тўлов тизими иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, банklarнинг вакиллик ҳисобварақларини очиш ва банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тўғрисидаги АБМ билан тузиладиган икки томонлама шартномалар асосида белгиланади.

Банklarаро тўловларни амалга ошириш мақсадида банklar томонидан МБ ҲКМга узатилган ЭТХларини қайта ишлаш ҳақ эвазига амалга оширилади.

Банklarаро тўловлар амалга оширилганлиги учун ундириладиган хизмат ҳақини ўзгартириш ҳақида қарор қабул қилинганда, Марказий банк ўзининг расмий веб-сайтида уч иш кунидан кечикмай эълон жойлаштиради ва бу ўзгартириш Марказий банкнинг расмий веб-сайтида эълон қилинганидан ўн беш кун ўтгач тўлов тизими оператори ва иштирокчилари томонидан қўлланилади.

9. Банклараро тўлов тизимида узатиш учун мўлжалланган тўлов ҳужжатларининг тўғри тўлдирилиши бўйича масъулият банк мижози зиммасига юклатилади.».

6. 11-банддан «ва МБ ХКМ» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

7. 13-банддаги «Тўлов тизимлари ва ахборот технологиялари» ва «ТТАТД» деган сўзлар тегишли равишда «Тўлов тизимлари фаолиятини тартибга солувчи» ва «ТТД» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 15-бандда:

1 ва 2-кичик бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) Марказий банкнинг банкларга лицензия беришга масъул департаменти (кейинги ўринларда — МБ ЛБД) МБ ТТДга банк томонидан банк фаолиятини амалга ошириш учун Марказий банк лицензиясини олганлиги тўғрисида, банкнинг тўлиқ номи ва манзили кўрсатилган ҳолда хабар беради;

2) МБ ТТДнинг ёзма хабарномасига мувофиқ, АБМнинг БДМАБ бўлими тижорат банк учун хос рақам ва унга тегишли реквизитларни захиралайди ҳамда бир вақтнинг ўзида банк ва МБ ТТДга бу ҳақда хабар беради;».

5-кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5) МБ ЛБДнинг банкка лицензия берилганлиги, банкнинг банклараро тўлов тизимида ишлашга тайёрлиги тўғрисидаги Марказий банк Хавфсизлик ва ахборотларни муҳофаза қилиш департаментининг хабарномалари ҳамда синовнинг ижобий натижаси тўғрисидаги АБМнинг далолатномасига, шунингдек, солиқ тўловчининг идентификацион рақами кўрсатилган Давлат солиқ қўмитасидан рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси асосида, МБ ТТД барча банкларга банкнинг очилганлиги, унга БДМАБда хос рақам берилгани ва банклараро тўлов тизимига уланганлиги тўғрисида расмий хабарнома юборади. Ўз навбатида, Марказий банкнинг электрон маълумотномаларига тегишли ўзгартиришлар киритилади.».

9. 16-банднинг тўртинчи ва бешинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Барча ишлар тугатилгандан сўнг, филиални банклараро тўлов тизимига улаш масаласида банк МБ ТТДга хат тақдим этади. Унда банк филиалнинг номи, манзили ва банк статистик ҳисоботларини беришда филиалнинг ҳудудий тобелиги кўрсатилади.

Ушбу хатга асосан банк филиали учун БДМАБда захираланган хос рақам ва тегишли реквизитлар Марказий банкнинг тегишли электрон маълумотномасига киритилади ва банк филиали очилганлиги ҳамда уни банклараро тўлов тизимига уланганлиги тўғрисида МБ ТТД томонидан барча банкларга расмий хабарнома юборилади.».

10. 17-банднинг 2-кичик бандидаги «МБ ХКМ ва банк ўртасидаги шартномада бошқа ҳолат келишилмаган бўлса» деган сўзлар «шартномада бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. 18-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18. Банклараро тўлов тизимида қўлланиладиган ЭТХларининг таркиби ва тузилиши:

1) Банклараро тўлов тизимида 2 — 6-иловаларда келтирилган ЭТХлар кўлланилади;

2) ҳар бир ЭТХ ташаббускор банк томонидан жўнатиш учун тайёрланган ҳужжатни ва бенефициар банкда электрон усул билан олинган ҳужжатни идентификация қилиш учун мўлжалланган тегишли код (Тўлов ҳужжати коди) билан белгиланиши керак. Тўлов ҳужжати кодлари (кейинги ўринларда — ТХК) 8-иловада келтирилган;

3) маблағларни ўз вақтида ва тўғри ўтказилишини таъминлаш учун ЭТХ тайёрлашда тўлов ҳужжатларининг барча реквизитлари тўғри киритилиши керак;

4) тўлов топшириқномасини (ТХК 01), тўлов талабномасини (ТХК 02), мемориал ордерни (ТХК 06), инкассо топшириқномасини (ТХК 11) ва ма-софадан хизмат кўрсатиш тизими орқали ўтказилган тўлов топшириқнома-сини (ТХК 21) киритишда қуйидаги реквизитлар тўғри тўлдирилиши керак:

ҳужжатнинг рақами;

ҳужжатнинг санаси;

тўловчининг номи;

тўловчининг шахсий ҳисобварағи рақами;

солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);

тўловчи банкнинг коди;

тўловчи банкнинг номи;

ҳужжатнинг суммаси (рақам билан);

олувчининг номи;

олувчининг шахсий ҳисобварағи рақами;

олувчи банкнинг коди;

олувчи банкнинг номи;

ҳужжатнинг суммаси сўз билан (автоматик тарзда ёзилади);

тўловнинг мақсади.

Тўлов мақсадида қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган ҳамда банк ва унинг мижози ўртасида тузилган шартнома шартларига мос келувчи маълумотлар кўрсатилиши мумкин.

Ижро ҳужжатлари бўйича инкассо топшириқномасида ундириб олиш учун асос бўлаётган ижро ҳужжатининг рақами, санаси ва номи кўрсатилади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ айрим ташкилотлар томонидан маблағларни тўловчи ёки маблағларни олувчи бўлган тўлов ҳужжатларининг «тўлов мақсади» графасида нима мақсадда тўлов ўтказилаётганлиги тўғрисида маълумот кўрсатилмаслиги мумкин;

5) аккредитив учун ариза (ТХК 05)ни киритишда қуйидаги реквизитлар тўғри тўлдирилиши керак:

аккредитив номери;

аккредитивни ёзиш санаси;

тўловчининг номи;

тўловчининг ҳисобварақ рақами;

солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);

эмитент банкнинг номи;
эмитент банк (ташаббускор банк)нинг коди,
аккредитив суммаси рақам билан;
етказиб берувчининг номи;
етказиб берувчининг ҳисобварағи рақами;
аккредитивни ижро этувчи банкнинг номи;
аккредитивни ижро этувчи банк (бенефициар банк)нинг коди;
аккредитив суммаси сўз билан (автоматик тарзда ёзилади);
аккредитив муддати.

Аккредитив шартлари:

аккредитив тури;

товар (маҳсулот), хизматнинг номи;

аккредитив бўйича тўловларни амалга ошириш учун асос бўладиган ҳужжатнинг номи.».

12. 24-банднинг иккинчи хатбошисидаги «АБМ» деган аббревиатура «МБ ҲКМ» деган аббревиатура билан алмаштирилсин.

13. 25-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«25. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул-кредитни бошқариш хусусият (параметр)ларидан келиб чиққан ҳолда, банклараро ЭТҲларининг ўтказиш вақтини тўлов тизими масалаларини мувофиқлаштирувчи раис ўринбосарининг ёзма ёки электрон кўрсатмасига асосан узайтириши мумкин. АБМ томонидан тизим иштирокчилари ЭТҲга ишлов бериш вақтининг узайтирилганлиги ҳақида электрон тарзда хабардор қилинади.».

14. 29-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«29. Мижоз томонидан тақдим қилинган тўлов ҳужжатлари мазкур Низомнинг 18-бандида келтирилган барча мажбурий реквизитларнинг тўғри тўлдирилиши бўйича текширувдан ўтказилади.».

15. 31-бандда:

биринчи хатбошидан «тижорат банкнинг ҳисоб-китоб чеклари,» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2-кичик банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

16. 32-банддаги «пул-ҳисоб-китоб» деган сўзлар «тўлов» деган сўз билан алмаштирилсин.

17. 33 ва 34-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«33. Ташаббускор банкда, ички назорат ва электрон рақамли имзо текшируви ўтказилганидан сўнг, банклараро ҳисоб-китоблар бўйича қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

1) Ташаббускор банкнинг Тўлов (Ҳисоб-китоб) марказида филиаллардан олинган ЭТҲларига асосан:

Кредит операциялари (ТҲК — 01, 02, 05, 06, 11, 21) бўйича:

ДЕБЕТ 22204 тегишли филиал ҳисобварағи;

КРЕДИТ 10301 банкнинг ҳисобварағи;

2) Марказий банкнинг Тўлов марказида Марказий банкнинг Ҳисоб-китоб-касса марказларидан олинган ЭТҲга асосан:

Кредит операциялари (ТҲК — 01, 02, 05, 06, 11, 21) бўйича:

ДЕБЕТ 22204 тегишли Ҳисоб-китоб-касса маркази ҳисобварағи;
КРЕДИТ 11005;

Дебет операциялари (ТҲК — 06) бўйича:

ДЕБЕТ 11005;

КРЕДИТ 22204 тегишли Ҳисоб-китоб-касса маркази ҳисобварағи.

34. Бенефициар банкда, ички назорат ва электрон рақамли имзо текшируви ўтказилганидан сўнг, банклараро тўлов тизимидан олинган тўлов ҳужжатлари асосида қўйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

1) Бенефициар банкнинг Тўлов (Ҳисоб-китоб) марказида банкка ЭТХ келиб тушганда:

Кредит операциялари (ТҲК — 01, 02, 05, 06, 11, 21) бўйича:

ДЕБЕТ 10301;

КРЕДИТ 22204 тегишли филиал ҳисобварағи;

2) Марказий банкнинг Тўлов марказида ЭТХ келиб тушганда:

Кредит операциялари (ТҲК — 01, 02, 05, 06, 11, 21) бўйича:

ДЕБЕТ 11005;

КРЕДИТ 22204 тегишли Ҳисоб-китоб-касса маркази ҳисобварағи;

Дебет операциялари (ТҲК — 06) бўйича:

ДЕБЕТ 22204 тегишли Ҳисоб-китоб-касса маркази;

КРЕДИТ 11005.».

18. Қўйидаги мазмундаги VII боб билан тўлдирилсин:

«VII. Банклараро тўловларни узлуксиз равишда амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари

43. Банклараро тўловлар Марказий банкнинг Тезкор тўловлар тизими (кейинги ўринларда — Тезкор тўловлар тизими) орқали узлуксиз равишда амалга оширилади. АБМ Марказий банк билан шартнома асосида Тезкор тўловлар тизими узлуксиз фаолият юритиши бўйича техник, дастурий ва эксплуатацион хизматларини таъминлайди.

44. Тезкор тўловлар тизимига уланиш учун банклар Марказий банкнинг банклараро тўлов тизимига уланган бўлиши ва АБМга мурожаат қилиши керак. Тезкор тўловлар тизими хизматларидан фойдаланишда банклар ахборот хавфсизлиги талабларига риоя қилишлари шарт. Банклар Тезкор тўловлар тизими орқали амалга ошириладиган ҳар бир электрон тўлов ҳужжатларини электрон рақамли имзо калитлари билан ҳимояланганлигини таъминлайди.

45. Тезкор тўловлар тизими орқали банклараро ҳисоб-китоблар узлуксиз (дам олиш кунларисиз) туну кун 24/7 режимида онлайн тарзда амалга оширилади. Бунда тижорат банкларининг Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи қолдигидан келиб чиққан ҳолда лимит белгиланади ва ҳисоб-китоблар мазкур лимит қолдиги доирасида амалга оширилади. Банклар тўловлар узлуксизлигини таъминлаш мақсадида вакиллик ҳисобварақлари ликвидлилигини таъминлашлари шарт.

46. Тезкор тўловлар тизимида белгиланган тартибда клиринг сессия-

лари амалга оширилади. Клиринг сессияси бошланишидан олдин банкларнинг Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи етарли ижобий қолдиққа эга бўлиши керак.

47. Тўловларни амалга ошириш мақсадида қайта ишлаш учун Тезкор тўловлар тизимига узатилган тўлов топшириқномалари банк мижозлари томонидан масофавий хизмат кўрсатиш тизимлари орқали 24/7 режимида хизмат кўрсатувчи банкка тақдим қилинган бўлиши ва тўловчининг ҳисобварағида етарли маблағ бўлиши лозим.

48. Ҳар бир клиринг сессияси охирида банкларнинг соф позициялари аниқланади. Соф позиция банкнинг бошқа банкларга тўлаши ва бошқа банклардан олиши керак бўлган пул маблағлари фарқини аниқлаш орқали ҳисобланади. Аниқланган соф позициялар ҳақидаги маълумотлар Марказий банкнинг Ҳисоб-китоблар марказига узатилади ва пул маблағларини банкларнинг вакиллик ҳисобварақларидан ўчириш ёки киритиб қўйиш орқали якуний ҳисоб-китоб амалга оширилади.

49. Тўловни амалга ошириш учун узатилган тўлов топшириқномаси муваффақиятли қайта ишланганлиги тўғрисида Тезкор тўловлар тизимидан тасдиқ олингунига қадар тўловчининг ҳисобварағида тўлов топшириқномасидаги суммага тенг бўлган сумма захираланади ва тасдиқ келгач ҳисобдан чиқарилади. Тезкор тўловлар тизимидан тасдиқ келганидан сўнг маблағ олувчилар ҳисобварақларига кирим қилинган маблағларни сарфлаш имкониятига эга бўладилар, бунга қадар маблағларни олувчи фойдасига ўтказилган маблағлар унинг ҳисобварағида захираланади.»

19. 7-илова ўз кучини йўқотган деб топилсин.

20. 8-иловада:

«Ҳужжатларнинг номи» ва «Операциялар тури» деган сўзлар тегишли равишда «Тўлов ҳужжатлари номи» ва «Тўлов ҳужжатлари коди» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

6.	Масофадан хизмат кўрсатиш тизими орқали ўтказилган тўлов топшириқномаси	21
----	---	----

».

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат кўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги
маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 25 августдаги 18/11-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳисоб-китоблар клиринг тизими тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 28 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2570-1.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 25 августдаги 18/10-сон «Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 29 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1545-3.

